**Узбекистон Республикаси Олий ва Урта Махсус таълим вазирлиги**

**Бухоро Давлат Университети**

**«Иктисодиет назарияси» кафедраси**

Тузувчи: Ашурова М.Х.

# Иктисодий таълимотлар тарихи фанидан

## Маърузалар матни

Бухоро – 2008 й.

## 1-мавзу

# Кадимги дунё ва урта асрлардаги иктисодий билимлар . (4 соат)

РЕЖА:

1. Иктисодий таълимотлар тарихи - фан сифатида .
2. Кадимги Шаркда иктисодий карашларнинг вужудга келиши .
3. Антик дунё мамлакатларидаги дастлабки иктисодий карашлар .
4. Урта аср араб дунёсидаги иктисодий фикрлар .
5. Урта аср Гарбий Европадаги иктисодий фикрлар .
6. Урта аср Урта Осиёдаги иктисодий фикрлар .

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков тахрири остида 1997й. 1,2 боб .
2. Иктисодий таълимотлар тарихи. С. С. Гуломов тахрири остида Г.1992й.
3. Темир тузуклари. Г.1991й.
4. Аникин А.В. Юность науки: жизнь, идеи мыслителей –экономистов до Маркса .М. 1985г .
5. Реуэль А.Л . История экономических учений М.1972г.
6. История экономических учений под ред. М.И.Риндина М . 1983г.
7. История экономических учений /отв. ред. Е.Г.Василевский и В.А.Жамин М.1988г.
8. Всемирная история экономической мысли, в 6-томах М. 1т.1987г.
9. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли .От пророков до профессоров М.1996г. 1,2,3 главы.

1 - саволга жавоб.

Иктисодий таълимотлар тарихи – турли даврларда иктисодий карашлар тизимининг вужудга келиши, ривожланиши, алмашиниши жараёнини ургатадиган фандир. Бу фаннинг асосий объектлари – замонлар, кишилар, гоялардир. Иктисодчи - олимлар гояларини маъносига тушиниш учун уларнинг хаёти , мехнат фаолияти урганилади . Бу олим яшаган замон ва макон билан чамбарчас боглик . Шунинг учун хам гояни яратган шахс , у яшаган замон ва макон биргаликда урганилади. Хар бир замонга мос ва хос гоя тугилиши мумкин. Автомобилни кадимги греклар ихтиро килиб билмаганидек, мехнатнинг киймат назарияси хам Кадимги Элладада яратилиши мумкин эмас эди.

Олимнинг мехнатини кадрини у яшаган замон (давр) ва макон (мамлакат) ни урганмасдан, билмасдан тушуниб булмайди.

Хар кандай илмий хакикат – вактинчадир.

Фан тарихи куплаб шундай мисолларга эгаки, «хамма замонлар, абадул – абад» учун яратилган илмий концециялар вакт утиши билан пуфак сингари

ёрилиб, йук булиб кетган. Иктисодий таълимотлар тарихи бахтли кашфиётлар , детектив сюжетларга бой . Ревалюция деб хисобланган нарса эволюциянинг бир моменти, ташландик гоялар , фикрлар янги назарияларнинг пойдевори булган холлар тарихда куп учрайди .

Тарихий вокеаларни ёзишдан олдин, яъни ёзишдан максад, деб ёзган эди Гёте, кимга хозирги замон мухим булса. Хозирги замондаги иктисодий карашларни тушиниш учун хам унинг тарихини билиш керак. Чунки хозирги замондаги янги гоя – яхши эсдан чикарилган эски гоя булиши мумкин.

Иктисодий таълимотлар тарихи фан сифатида кадимги даврлардан бошлаб то хозирги замонгача вужудга келган асосий иктисодий фикр, гоя, караш, назария ва таълимотларни уз ичига олади. Аммо асосий эътиборни инсоният тарихининг кейинги 3 асрига каратилади, чунки фан асосан шу асрлар давомида яратилган.

Бу фан бошка ижтимоий, тарихий ва иктисодий, айникса иктисодиёт назарияси фани билан бевосита боглик. Бу фанни урганиш оркали иктисодий фанларни , иктисодий тарих фанларини узлаштириш осонлашади , у ёки бу иктисодий узгаришларнинг шарт - шароитлари ва окибатларини тахлил этишга катта ёрдам беради.

Иктисодий таълимотлар тарихи фанини урганиш усуллари бошка иктисодий ва тарихий фанларда булганидек – диалектика , тарихийлик ва мантикийлик , анализ ва синтез , илмий абстрация ва бошкалардир .

2 - саволга жавоб.

Кадимги дунё цивилизациясини иккига ажратадилар:

а) шарк ва

б) антик. Биз хам мана шу 2 цивилизация давридаги иктисодий гояларни алохида куриб утамиз.

Шарк инсоният цивилизациясининг бешиги хисобланади, аммо антик цивилизацияси хам инсониятга куп нарса берган. Бу цивилизацияларнинг асосий фарки шундаки, биринчисида, ибтидоий жамоа элементлари кучли булган , давлатнинг жамиятдаги мавкеи катта булган ва хужалик купрок натурал хужалик булган.

Икинчисида товар хужалик элементлари, товар – пул муносабатлари анча ривожланган булган , кул мехнатининг мавкеи катта булган.

Шарк цивилизациясининг 3 та маркази ажратилади:

1. Кадимги Миср ва Месопотамия.
2. Кадимги Хиндистон.
3. Кадимги Хитой.

Хар бир марказга кискача алохида тухталиб утамиз.

Улардан энг кадимийси Миср ва Месопатамияда пайдо булган цивилизациядир.

Эрамиздан аввалги 18 асрда Бобилда (1792 – 1750 йил , эр.ав.) подшолик килган Хаммурапи конун тупламлари ( жами 282та ) диккатга сазовор (1760 йил, эрамиздан олдин тошга уйиб ёзилган мухим хужжатни курсатадики , уша даврда жамият анча мукаммал булган .

Конунда «кучлилар заифларни чекламаслиги керак» деган коида бор. Карздорлик учун ерларни тортиб олиш ман этилган. Судхурлик фаолияти чекланган, унинг микдори пулда 20%, махсулотда 33% дан ортмаслиги керак. Карзни 3 йилдан ортик ушлаб туриш мумкин булмаган. Хусусий мулкчилик, жумладан, ерга булган мулкчилик тан олинган. Бировнинг хусусий мулкига куз олайтирган, унга зарар келтирган иктисодий жихатдан жазоланган. Бу конунлар бизгача етиб келган давлатнинг иктисодиётни тартибга солишдаги биринчи тажрибасидир. Хаммурапини эса биринчи реформатор деса булади.

Миср цивилизациясидан эрамиздан олдинги 1300 йилда пайдо булган Мусо конунларини ажратиш мумкин. Бу конунлар Мусонинг 5 китобида баён килинган. Бу китоблар яхудийлик дини пайдо булишига, кейинчалик эса христианлик пайдо булишига асос булди. Христианлар бу китоблардан куп нарсани олиб ташлаган булсалар хам, иктисодий муносабатлар, хужалик хаётидаги нарсалар асосан колдирилган.

Агар Хаммурапи конунлари мулкни химоя килишга каратилган булса, Мусо конунлари инсон хукукларини химоя килишга каратилган эди, бу уларнинг революционлигидир.

Мусонинг уч талаби цивилизация учун жуда катта ахамият касб этган:

Одам улдирма!
Угрилик килма!
Шанбага риоя кил!

Бу цивилизациянинг яна бир мухим асарига тухталиб утайлик. Эрамиздан 1000 йиллар олдин ёзилган , 1 чи моноистик дин булган зардуштийликнинг китоби «АВЕСТО» дир. Бу асарда сунъий сугориш асосида дехкончилик килиш, тупрок шароитини яхшилаш, инсон хужалик фаолиятида табиат билан богликлиги, хайвонот дунёсини асраш, узаро ёрдам бериш, дехкон мехнатини улуглаш, аскетизмни коралаш, бойликни купайтириш каби гоялар уз аксини топган.

Кадимги Хитойдаги иктисодий гоялар эрамиздан аввалги VI - III асрларда шаклланган . Бунда авваламбор , Конфуций ( эр. Ав. 551-478 йиллар ) номи билан машхур булган, кейинчалик Хитойнинг мухим динига айланиб кетган конфуцийчиликни айтиш мумкин. Унинг «Лунь юй» (сухбатлар ва мулохазалар) китобида обруси пасайган зодагонларнинг манфаатини химоя килади.

Ёшларни карияларга хурмати, давлат катта оила, подшо эса «халк отаси» дир, бойликлар нисбатан текис таксимланиши, соликлар меъёрида булиши керак. Аммо у , давлат хамма учун бир хил эмас, бойлар учун бошка, камбагаллар учун бошка тартибни ( тарихий хукук деб атайди) илгари суради.

Эрамиздан аввалги YI - III асрларда легистлар (конунчилар) пайдо буладилар. Улар бошкаришни аник конунлар асосида олиб бориш

тарафдорилари эдилар. Бу окимнинг намоёндалари: Цзи Чан, Ли Куй ва бошкалар эди).

Легистлар марказлашган кучли давлатни куллаб – кувватлаганлар. Давлат дон (дехконларни бошкариш) ва уруш (атрофдаги ерларни босиб олиш) масаласини хал этиши зарур. Мажбурлаб мехнат килдириш, ер ва ер ости бойликларига давлат монополиясини урнатишни жорий килишни таклиф килганлар.

Кадимги Хитойда даосизм (йул маъносида) – халк оммаси тарафдорлари, асосчиси Ляо - Цзидир.

Маосизм – уз-узини бошкариш, эркин шахарлар тарафдорлари (унинг лидери Мао деган шахс булган) хам булган.

Кадимги Хиндистонга келсак, бизга маълум, етиб келган, анча туликрок сиёсий – иктисодий асар – «Артхашастра» дир. У эрамиздан олдинги IY - III асрларда, тахмин килишларича, хинд брахмани, Чандрагупта I подшохнинг бош маслахатчиси Куатилья томонидан ёзилган.

Бу асар энг буюк кадимий хинд манбаларидан бири хисобланади. Бу асар кулдорлик тузумини химоя килиб чиккан, уша замоннинг табакалари, хар бир табаканинг вазифалари, хукуклари, мажбуриятлари ёзилган. Масалан, агар киши бир неча кишидан карзи булса, биринчи давлатга, кейин брахманларга, кейин бошкаларга тулаши керак. Агар паст табакадаги шудра, узини брахман деб атаса , унинг кузи махсус захар билан кур килиниши керак булган; агар кишининг бир неча хотини булса, энг юкори табака – брахман, энг паст табака шудрадан тугилган боладан 4 марта куп мерос олиш хукукига эга.

«Артхашастра» асарида кулдорликнинг шакллари, кулларни олди-сотди килиш тартиблари, кулни угрилаш мумкин эмаслиги, дехкончилик, биринчи навбатда, сугориш ишлари, хунармандчилик, савдо тартиби ёритилган. Масалан, савдони давлат кандай назорат килиши, канча солик олиши кераклиги, четдан келадиган товардан, узида ишлаб чикарилган товардан канча солик олиш керак ва хоказо.

Умуман олганда, грекларгача иктисодий таълимот фалсафий, хукукий, бадиий, диний, адабиётларда хужалик хаётини акс этувчи маълумотлар сифатида учрайди.

3 - саволга жавоб.

Европа цивилизацияси уч манбага таяниб ривожланди:

а) инжил, яхудийлар берган диний китоблар;

б) кадимги Греция фалсафаси;

в) кадимги Рим конунчилиги. Бу конунчилик, кейинчалик яхлитланиб, кодекс шаклига келтирган.

Энди асосий эътиборни иктисодиётга таалукли асарлар ёзган грек файласуфларига каратамиз.

Ксенофонот (эрамиздан олдинги 430 - 355). Унинг иктсодиетга багишланган асари «Уй тузилиши». У хужаликни рационал олиб бориш тарафдори булган, уй тузилишига биринчи булиб фан сифатида караган.

Ксенофонт хужаликка истеъмол киймати, натурал хужалик нуктаи назаридан ендашган. Дехкончиликни хужалик хаетининг асоси деб хисоблаган. Хунармандчиликни менсимаслик бор унда. Шундай яшаш keракки, ортикча колиши керак, шу пайтда бойиш мумкин дейди. Кул мехнати унумини ошириш учун: а) жазолаш;
б) яхши умомала килиш керак, дейди.

Кулни моддий ва маънавий рагбатлантириш керак, дейди. Куллар уртасида мусобака килиш учун шароит яратиш керак дейди. Биринчи булиб у, мехнат таксимотининг ижобий томонини анализ килган. У биринчи булиб, товарнинг 2 еклама характери: истеъмол киймати ва киймати (алмашув киймати) га эътибор берган. Ксенофонт пулга салбий муносабатда булган.

Платон (эрамиздан олдинги 427 - 347) узининг идеал жамияти - давлатида мехнат таксимотига караб (имкониятига караб) жамият аъзоларини куйидаги тоифаларга булади: файласуфлар, харбийлар, хунарманд ва майда савдогарлар. Куллар эса хисобга кирмаган хам. Файласуфлар ва харбийлар учун хусусий мулк йук килиниши керак, «коммунизм» (хатто хотинларнинг умумийлигига) килиш керак дейди. Уй ва ерларнинг тенг таксимчилик принципларини еклаб чиккан, аммо табакаларни инобатга олиб, яъни юкори табака купрок, паст табака камрок бериш керак дейди. Платон биринчи булиб товарларнинг бир-бири билан пул оркали айирбошланиб, бир-бирига тенглаштирилишини езади. Карзга товар олиш, судхурликка у салбий караган.

Аристотель (384 - 322 эрамиздан олдинги). У Александр Македонскийнинг устози булган. Иктисодий муаммолар ёритилган асарлари куйидагилар: «Политика», «Никомахова этикаси». «Политика» китобини езиш учун 158 давлатларни (купи полис- давлатлар) тузилишини шогирдлари ердамида анализ килиб езган.

Аристотель давлатида монархия, аристократия ва демократия булиши керак эди. У жамиятни куйидаги синфларга булади:

а) ер эгалари;

б) чорвадорлар;

в) хунармандлар;

г) савдогарлар;

д) елланма ишчилар;

е) харбийлар ва граждан жамиятига кирмаган куллар.

Кулдор билан кул уртасидаги муносабатни табиий деб, уни табиатдан излайди, абадий деб хисоблайди, шу билан бирга кулчилик йук булиб кетадиган жамиятни орзу килади.

Аристотель иктисодиетга хремастикани карама - карши куяди, унингча <u>иктисодиёт </u> - бу хает учун зарур булган неъматларни олиш санъати, <u>хремастика</u> – чегараси булмаган мутлок бойиш, бунинг учун манба эса алмашув жараенидир.

Аристотель биринчи булиб кийматнинг шаклларини анализ килишга интилган. У савдонинг шаклларини, пулнинг муомала, киймат улчови функциясини хам езади. Судхурликка салбий муносабатда булган. «Процент – бу пулдан келган пул, шунинг учун энг зид тармокдир» деб езади. Аристотель - натурал хужаликнинг идеологи булиб колаверди.

Кадимги Римга келадиган булсак, улар хукукшуносликда катта ютукка эришган. Фалсафа масаласида грекларга тенг кела олмаганлар, аммо улар дехкончилик тугрисида куп илмий изланишлар килишган ва асарлар езишган.

Марк Порцин Катон (эрамиздан олдин 234 - 149 йил) Рим олими езувчи, «Дехкончилик» номли асарни ёзган.

Марк Теренция Варрон (эрамиздан олдинги 116 - 27 йил) Рим олими, езувчи , «Кишлок хужалиги тугрисида» асарни ёзган.

Колумелла (1 аср) римлик езувчи, агроном, «Кишлок хужалиги тугрисида» асарини ёзган. Бу асарларда кул мехнати, колонатлар, ерда окилона хужалик олиб бориш тугрисида куплаб фикрлар баен этилган.

Яхудий китобларига тухталсак, Мусо гоялари кейинги асрларда янада ривожлантирилди, унинг асосида янги дин христианлик келиб чикди. Инжил китоби кейинги тараккиетга жуда катта роль уйнаган китоблардан биридир.

4 - саволга жавоб.

Урта аср Шарк цивилизациясининг юкори чуккиларидан бири араб цивилизациясидир. Араб цивилизацияси гоявий жихатдан Куръони каримга таянади. Шунинг учун бу китобдаги иктисодий гояларга тухталиб утамиз. (биринчи Куръон Усмон (644 - 656 йй.) халифалик даврида езилган).

<u>Куръон</u> хусусий мулкнинг дахлсизлигини химоя килади, моддий неъматларни таксимлашдаги тенгсизликка - оллох берган инъом деб каралади (синфлар, табакалар, ешлар, жинслар уртасидаги). Куръон мавжуд тартибга сузсиз буйсунишга даъват этади. Куръон етарли даражада эхтиёжларни кондиришга, хаддан ташкари ортик бойлик тупламасликка, камбагалларга моддий жихатдан ёрдам беришга чакиради. Куръон савдо ишига ижобий караб, кишиларни шартномаларни бажаришга, келишув коидаларига риоя килишга чакиради.

Агар куръон араб цивилизациясининг бошланиши булса, унинг энг юкори чуккиси  Ибн Халдун Абдурахмон Абу Зайд (1332 - 1406) хисобланади, у феодализм давриниг энг буюк донишмандидир.

Ибн Халдун неъматлар топиш учун кишилар бирлашишлари керак, бир киши узи учун керак нарсаларни хаммасини топа олмайди, деб езган. Хар бир киши бошка кишининг ёрдамига мухтождир. Жамият моддий неъматлар ишлаб чикариш учун бирлашган кишилар бирлашмаси деб караш биринчи Ибн Халдунга карашлидир.

Ибн Холдун Тунисда тугилган, Фес султонида хаттот - котиб булган. 1382 йил Кохирага келиб мударрислик килган. Кейинрок кози булган. Асосий асари «Китоб ул-ибор» «Ибратли мисоллар китоби» - 1370 йил. У Гарбий Европа олимларига, жумладан маорифчилар отаси Шарль Луи Монтескьега жуда кучли таъсир килган.

Ибн Халдун инсонга табиатан эга булиш инстинкти бор, деб айтади.

«Жамиятнинг ахволи, бойлиги ва гуллаб яшнаши факат мехнатга, кишиларнинг неъматларни кулга киритиш учун килинадиган харакатларига боглик» - бу фикр Ибн Халдуннинг уз замонасидан канча олдин кетганлигини курсатади. Ибн Халдун даврларни у нима ишлаб чикариш еки бошка нарса билан эмас, балки кандай ишлаб чикариш билан фарк килган.

Ибн Халдун жамият куйи боскичлардан юкори боскичларга караб ривожланишни биринчи булиб айтган.

Товар ишлаб чикариш шароитида бозорнинг тартибга солиш ролини хам биринчилардан курсатиб берган хам Ибн Халдундир.

У бозор хунармандчиликнинг такомиллашувига, техник тараккиётни тартибга солишга асос эканлигини курди. Товар ишлаб чикариш шароитида ижтимоий эхтиёжларни бозорда олди - сотди килиш, эквивалентли айирбошлаш оркали эришиш мумкин дейди.

Ибн Халдун мехнат кийматнинг асоси эканлиги, яъни киймат назариясига якинлашди. Бахо кийматнинг пулда ифодаланишига жуда якинлашиб келди. Ибн Холдун биметаллизм (олтин ва кумуш) ни тушуниб, улар бутун бойликни улчовчи деб бахоладилар. У биринчи булиб зарурий ва кушимча мехнат (махсулот) категорияларни анализ килади.

Бойлик деганда факат кимматбахо металлар эмас, балки жамият тузумининг такомиллик даражасига богликлигини айтиб, у меркантилистлардан олдин кетиб колган. Тилло магрибдан, Судендан куп казиб олинади, Ирок, Хиндистонда эса жуда бой савдогарлар, бойлик йигилган дейди.

5 - саволга жавоб.

Гарбий Европа Рим империяси кулагандан кейин тараккиет жихатдан 1000 йилга Осиедан оркага колиб кетди. Герман ва Словян варварлари бор

маданиятни йук килиб юборди. Факатгина VII-IX асрларга келиб, уларнинг энг илгорлари сал пал маданиятга юз тута бошлади. Хатто ушалар хам (яъни франклар) хам анча колок эди. Франкларнинг «Сали хакикати» уша давр Гарбий Европанинг ижтимоий – иктисодий хаети, фикрларини акс этди. Бунда франкларнинг ибтидоий оиланинг урнига кичик оиланинг келиши, уругларнинг йуколиб борши, хусусий мулкнинг ривожланиши, кузгалмас ва кузгалувчи умлк муаммолари еритилган.

Рим империяси кулагач, у билан бирга унинг худолари эсдан чика богшлади ва христианлик кенг таркала бошлади, секин аста хамма Гарбий Европа давлатларини камраб олди. Христианликни китоблари чикканига анча булган эди, унинг гояларини ривожлантириш учун Климент Александрийский, Киприан Медноланский, Иероним, Григорий Богослав каби черков оталари фаолият олиб борди. Улар мехнатни улуглаб, мехнатсиз даромадни кораладилар, умумий мулкни идеал деб бахоладилар.

Черков оталари дуне тушунтириш эмас (позитив метод, Аристотель шу методни куллаш) балки кандай булиши кераклигини (норматив метод) ёздилар.

Булардан анча олдин кетиб колган шахс Фома Аквинский (1225 - 1274) эди. У италиялик динамика махзабидан рохиб булган. Унинг таълимотида иктисодий гоялар маълум тартибга солинган эди. У кишилар уртасидаги мулкин тенгсизлик мулкчилик билан боглик дейди. Мулкчилик хаёт учун конуний ва зарурий деб хисоблайди. У мулкчиликни эгалик килиш ва фойдаланиш томонларини анализ килади. У мулк дахлсизлиги, уни давлат томонидан химояга катта эътибор беради. У савдони чегарасини узи хам аниклай олмаган: а) мумкин булган; б) мумкин булмаган турларга ажратади.

У «адолатли бахо» ( сотувчи хам, харидор хам фойда курадиган) тушунчани киритади. Фоиз олишга карши чикиб, уни адолатсизликдир, чунки йук нарса сотилади дейди.

Фома Аквинскийда фойда тадбиркорнинг таваккалчилиги учун мукофот деган фикрни 1 чи учратамиз, бу эса хозирги замон фанида катта урин эгаллайди.

### 6- саволга жавоб.

X –XII асрларда Урта Осие араб дунеси ичида шаркдаги йирик марказлардан бирига айланди. Эрасмиздан аввалги II асрда вужудга келган «Буюк ипак йули» Тинч океани ва Гарбий Европа билан боглар эди. Урта Осие олдин Хитой билан биргаликда, кейин эса Хитойдан хам узиб кетган хамда Европани шойи, когоз ва бошка матолар билан таъминлар эди. Ишлаб чикаришни окилона ташкил этиш, товарларни керакли жойга этиш учун зарур булган куплаб фанлар ривожланди. Бу регион инсониятга Ал-Фаргоний, Ал- Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб ва бошка

куплаб мутафаккирлар яшаб ижод килган. Уларнинг асарларида иктисодий гоялар хам уз аксини топган. Мисол учун, Бохоуддин Накшбанднинг «Дил ба еру, даст ба кор, тонда бозор» тезиси уша давр учун жуда мухим булган ва чукур маънога эга эканлини курсатган.

Урта Осиенинг иккинчи гуллаган даври 15-16 асрларда, Амир Темур (1336-1405) томонидан яратилган кучли, марказлашган даврнинг кейинги вактларига тугри келади. Амир Темур давлатни иктисодиетни бошкаришда узига хос мактаб яратди. Солик масаласида, яудит масаласида, хали Европада булмаган давлат бюджети масаласида, халкаро савдо алокаларни яхшилаш масаласида, давлат томонидан бозорлар, карвонсаройлар, савдо расталари ва бошка бинолар куришда, карокчиликка карши курашда жуда куп ишлар килинган. А.Темур ишларидан ахамиятлисидан яна бир мамлакатда гадойлар булмаслиги керак, деган коидага амал килинган ва унинг йулини хам белгилаб берган. Гайдойларнинг барчаси тупланган ва уларга бир йиллик керакли елим, кийим-кечак берилган, уларни бирор фойдали иш билан шугулланиш жалб этилган.

Одатда, купчилик гадойчиликни тарк этиб, бирор фаолият билан кун курган. Гадойликни тарк этмаганлар кул килиб сотилган еки мамлакатдан чикариб юборилган.

А.Темур яратган тизим туфайли бу юртда Улугбек (1394-1449), Алишер Навоий (1441-1501), Захриддин Мухаммад Бобир (1483-1530) каби буюк зотлар дунега келган ва ижод килганлар. Улар хам уз асарларида, фаолиятларида иктисодий муаммоларни хал килганлар. Масалан, Улугбекнинг пул реформаси бу регион учун жуда катта ахамиятга эга булган.

Такрорлаш учун саволар.

Шарк цивилизацияларининг кандай марказларини биласиз?
Мусо конунларининг революционлиги нимада?
Антик цивилизация инсониятга нима берди?
«Экономика» терминини фанга ким ва качон киритган?
Куръондаги асосий иктисодий гояларни айтинг.
Ибн Холдуннинг хизмати нимадан иборат?

Мавзу буйича таянч иборалар.

1. «Иктисодий таълимотлар тарихи» фани – турли даврларда иктисодий карашлар тизимининг вужудга келиши, ривожланиши, алмашиниши жараёнини ургатадиган фандир.
2. Шарк цивилизациясининг 3 та маркази ажратилади:
а) Кадимги Миср ва Месопотамия; б) Кадимги Хиндистон; в) Кадимги Хитой.
3. Иктисодиёт - бу хает учун зарур булган неъматларни олиш санъатидир.

4. Хремастика – чегараси булмаган мутлок бойиш, бунинг учун манба эса алмашув жараенидир.

5. «Адолатли бахо» - сотувчи хам, харидор хам фойда курадиган бахо тушунчаси.

## 2-мавзу

### Илк капитализмнинг иктисодий таълимотлари.
### Меркантилизм. (2 соат ).

РЕЖА:

Гуманизм. Ренесанс.
Хрестианликдаги реформа.
«Бахолар революцияси».
Меркантилизм иктисодий таълимоти
Меркантилизм таълимотининг такдири.

АДАБИЕТЛАР:

Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков А.А тахрири остида. 1997йил 3-боб.
Иктисодий таълимотлар тарихи. С.Гуломов тахрири остида 1992 й.
Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей-экономистов до Маркса М.1995 г.
Майбурд Е.М Введение в историю экономической мысли . От пророков до профессоров М .1996. 4,5,6,7,гл.

саволга жавоб.

XV - XVII асрларда Гарбий Европада чукур узгаришлар содир булди, бу узгаришлар эса уни инсоният цивилизациясининг маркази булишга олиб келди. Бу даврда бир - бирига зид булган , бир - биридан узок, аммо ягона жараён содир булди. Бу икки жараенни Уйгониш (ренесанс) ва реформация деб аташади.

Бу даврда Гарбий христианлик кризиси содир булди ва у кизик шаклларни олди. Уларнинг бири гуманизм эди. Биринчи йуналиш секин - аста диний кадр - кийматлардан юз угириш бошланди. Улар черковга нисбатан хурматини йукотдилар, динга кандай хохласалар, шундай сигинишни хохлаб колдилар.

Бу даврда христианлик озодсизлик манбаи, инсон акли , рухини эзувчи деб карала бошланди. Инсон буюк куч, унинг кулидан куп нарса келади , уз такдирини худо эмас, балки узи белгилайди деган гоялар келиб чикди. Бу маданиятни гуманизм (французча – инсон сузидан олинган) деб ном берилди. Бу маданият, бу бурилиш инсониятга ТИТАНларни берди: Эразм Роттердамский (1469-1536), Флоренциядан Джавани Пико делла Мирондола (1463 -1494), немис Иоганн Рейхлин (1455 - 1522), Леонардо до Винчи, Микеланджело, Рафаэль, Ботичелли, Боккачо, Чосер, Рабле ва бошкалар.

Христиан маданиятидан юз угириш кадимги Рим (эллин) маданиятига юз тутишга олиб келди. Платон, Аристотель ва бошкаларнинг асарларини хозирги замон тилларига таржима килиш ва чукур урганиш бошланди. Бу даврнинг шиори «Инсон - улуг зот » булиб колди.

2 - саволга жавоб.

Халкнинг кунгли диндан совуётганлигини сезган дин пешволари динни реформа килиш кераклигини тушуниб колдилар. Реформа килиш христианликнинг асосий акидалари (учликдан иборат булган худога ишонч) ни саклаб колган холда, янги импульс беришдан иборат эди. Бу реформани бошлаганлардан бири немис рохиби Мартин Лютер (1483 – 1546) эди. Аммо Мартин Лютергача реформа килиш истаги ва харакати инглиз рохиби Жон Уиклиф (1330 - 1384), оловда екилган Прагалик профессор Ян Гус, флоренциялик Савонарола (1452 - 1498) ва бошкаларда бор эди.

1520 йил Лютер узининг 95 тезиси билан чикди. Лютер билан бир вактда Цюрихда рохиб Ульрих Цвингли (1484 - 1531) бу жараёнларни бошлади, аммо у жангларнинг бирида халок булди ва унинг ишини Жан Кальвин (1509 - 1564) якунлади. Унинг гоялари Франция, Буюк Британияларга хам таркала бошлади. Кальвинизм Нидерландияда Испан колонизаторларга карши мустакиллик курашида (1566-1609) курол булди. Скандинавия давлатларида лютеранизм таркалди.

Протест сузидан олиб барча реформаторларни протестантлар деб атай бошладилар. Шундай килиб, католицизм иккига булиниб, ундан протестантизм ажралиб чикди. Протестантлик тула галаба килган мамлакатлар (Швейцария, Нидерландия, Англия) да капитализм жадал суръатлар билан ривожланди. Чунки у янги хужалик тарзи, ахлокини яратди. Капитализм деб аталувчи хужалик тарзи олдингисидан нимаси билан фарк килади?

Бу саволга куйидаги турт мухим томон билан фарк килади , дейиш мумкин:

- савдо нормал иктисодий ходиса;

ссуда фоизи нормал холат;

бойликка интилиш инсон учун табиий деб тан олинади;

хусусий мулк, инсоннинг шахсий хаёти ва унинг узи мукаддасдир ва дахлсиздир.

Реформация узи билан янги ахлокни келтирди, у католик ахлокидан фарк килар эди. Реформациядан кейинги хужалик тунтаришини сабабини купгина олимлар (биринчилардан немис Макс Вебер (1864 - 1920) исботланган эди.) мана шу ахлок билан боглайдилар. Бу даврга келиб инжилни инглиз, немис ва кейинчалик бошка тилларга таржима килдилар. Худо билан мурожаат килишга диндорга хожат колмай, инсонни узи урганиб, худога сигиниши мумкин булиб колди.

Католиклар христианларни 2 категорияга булар эдилар: диндорлар ва оддий фукаро. Хакикий рохиб бу аскет хисобланарди. Колганлар укувчи холатида, рохиб эса укитувчи холатида эди. Лютер бу икки хил ахлокни бекор килди ва худо олдида хамма баробар, хамма худодан бир хил куркиши керак.

Энди, рохиблар учун уйланмаслик одати бекор килинди, камбагаллик эса яхши хислат булмай колди, исрофгарчилик емон, тежаб тергаш энг яхши хислат булди.

Лютер икки дунё ахлоки – инсоннинг ички дунёси ахлоки ва ташки дунёси ахлоки уртасидаги фаркни йукотди.

Хурматли бизнесмен – вино ичмайди, кимор уйнамайди, бегона хотинларга бормайди ва черковга доим катнайди.

Америка китъасида янги давлатнинг пайдо булиши ва жадал усишга шу ахлокка эга булган биринчи бораетганларнинг ичида анчалиги сабаб булган. Улар Массачусетс ва Пеньсильвания колонияларини ташкил килиб, шу базада кенгайиб бордилар.

Бенджамин Франклик (1706 - 1790) тадбиркорлик принципларини ишлаб чикди, улардан: «харажатлар даромадлардан, хеч качон ошмаслиги керак», «вакт – бу пул», «пул – пул тугар» ва х.к.

Бу даврга келиб венеция хисоби (хозирги бухгалтерия) кенг таркала бошлади. Италияликлар пул, кредит масаласида яхудийларни кисиб куйдилар. Энди кредит истеъмол кредит характерда эмас, балки ишлаб чикариш оборотига куйиш учун олинадиган булишди.

3-саволга жавоб

Бу даврнинг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, бу давр буюк географик кашфиетлар даври эди. Бой ОСИЁ билан савдо килишни анчагина кисмини осиеликлар (турк, араб…) назорат килар эди. Улардан товарларни олиб, Европанинг чекка - чеккаларига етказишда асосий рольни Урта ер денгизида италияликларнинг ( Генуя, Венеция, Флоренция каби шахарлар) кулида эди ва улар жуда катта даромад килар эди. Испан, Португал кироллари уларга хасад килар эдилар ва йул излар, бой Осиега боришни бошка йуларини кидирар эдилар. Бундан ташкари Осиедан оладиган товарларни асосий кисмини турклар (Усмон империясини тузиб) уз кулларига олмокда ва хатто италияликларга хам дамомад кам колаетган эди. Бунинг окибати Хиндистонга янги йуллар очилиши (Васко до Гама, 1498 йил.) ва Америка китъасининг кашф килинишига олиб келди (Колумб, 1492).

Урта аср Европасида пул сифатида кумуш, кисман олтин юрар эди. Факатгина 18,19 асрларга келиб кумуш бутунлай сикиб юборилди, биз урганаётган даврда хозирча иккиласи хам ишлатилар эди. Тангалар махсус огирликда чикарилиб, тамга босилар эди. Бирок кейинчалик тамгасиз томондан киркиб олишлар булганлиги учун иккала томонига хам тамга босиладиган булишди. Аммо кишилар четларидан киркиб олишга харакат килар эдилар, бундан ташкари пул кулдан - кулга утишда ейилиши окибатида уз огирлигини йукотар эди. Масалан, Англияда 1 асрда (XVII аср) кумуш танга карийб ярмига «озиб» кетди.

Британия хукумати пул реформасини утказмокчи булди, уша даврда пул чикарадиган жойга «монетный двор»га Исаак Ньютон директор килиб тайинланган ( уз даврининг энг ишончли, халол одами сифатида). Бу Буюк Британияда эди. Испан, Немис, Француз ва давлатларнинг кироллари эса сохта пул чикариш билан шугулландилар. Масалан, Франция кироли 14 йилда 86 марта кумушнинг кийматини узгартирган. Кирол Филиппни «Сохта пул ясовчи» (фальшовомонетчик) деб лакаб куйганлар. Венада 150 йилда пул киймати ( 13 - 14 аср) 150 марта узгартирган.

Пул кадрининг пасайиши товарлар нархининг усишига олиб келди. 16 асрдан хамма товарларга нархлар уса бошлади. Бу омилга Америкадан кумуш ва олтиннинг окиб келиши хам катта роль уйнайди. Кейинчалик бу жараённи тарихчилар бахолар революцияси деб атадилар. Америка тиллоси ва кумуши инфляциянинг сабабчиси эканлигини биринчи булиб, 1576 йилда Жан Боден (1530 – 1596 ) айтди. У нархлар олдин Испанияда

(тиллони Америкадан олиб келувчи асосий давлатда) бошланиб, бошкаларига таркалган, мамлакат канчалик Испанияга якин булса, нарх шунча юкори хамда канча узок булса, шунча кам нарх усган.

Европада 16 асрда олтин тахминан 10 марта купайган, нарх хам тахминан 10 марта усган. Олтин жамиятнинг асосий бойлиги эмаслигини исбот килинган.

4 - саволга жавоб.

«Меркантилизм» сузи XVIII асрда пайдо булди. Уни биринчилардан булиб, уз асарларида А.Смит ишлатган. У пайтда, меркантилизм – савдогар идеологияси, маърифатчилар паст назар билан хато ва нотугри карашлар йигиндиси деб бахо берганлар. Хозирги даврда бу терминга бошкача маъно берадилар.

Меркантилизм Гарбий Европа мамлакатларида капиталнинг бирламчи тупланиш даври (15 - 17 асрлар) даги иктисодий сиесатдир. Merканте – итальянча тижоратчи дегани. Меркантилизм – иктисодий сиесатда мамлакатда ва давлат хазинасида кимматбахо металларни хар томонлама йигиш, назарияда муомала (савдо, пул оборотида) сохасида иктисодий конуниятларни аниклашдан иборат. Киммат сотиш учун сотиб олиш, унинг фарки эса сарик металл булади деб уйлашган, бунинг асоси нима, иккинчи даражали муаммодир.

Меркантилизмда 2 давр ажратилади:

а) монетар система, бунда пул балансига катта эътибор бурилиб, полициявий чоралар билан эришиш 1 чи уринда булган;

б) манафактура система, бунда товар балансига катта эътибор берилган, четга товар чикариш, протекционизм, манафактурани киритиш.

Меркантилистлар давлат хукумати томонидан хужалик хаётини тартибга солишга катта эътибор берганлар.

Меркантилизм кийматни пулда ифодаланган олтин ва кумуш деб хисоблаганлар. Кушимча киймат факат айирбошлаш билан боглик деб хисоблаганлар. Агар биров ютса, биров юткизади ва демак, мамлакат ичида фойда хосил булмайди, деб хисоблаганлар. Фойда факат актив савдо баланси натижасидир деб карашган. Улар олтин ва кумуш – бойликнинг ягона шакли деб карашган.

Кейинги меркантилистларгина экспорт учун килинадиган мехнат унумли, фойдали мехнат деб хисоблашган.

Тадбиркорликни бошлаш учун хам пул биринчи навбатда кераклиги тушунчалар, шунинг учун меркантилистлар иктисодий сиесатда пул (олтин) окиб келишини хар томонлама рагбатлантирганлар.

Меркантилизм уша даврнинг илгор Европа давлатларида – Италия, Франция, Англияда пайдо булган. Аммо асосий назарий коидаларни инглизлар ишлаб чиккан.

Куйида айрим машхур меркантилистлар хаети ва ижодига тухталиб утамиз:

Уильям Стаффорд (1554 - 1621) инглиз, бошлангич меркантилизм вакили. Унинг «Ватандошларимизнинг айрим аризаларини танкидий баёни» асари 1581 йил Лондонда чиккан. Рицар (ер эгаси), савдогар, хунарманд, фермер (ер эгаси) ва художуй уртасидаги диалог тарзида уша замон Англия муаммолари: дехконларнинг ердан сикиб чикарилиши, «бахолар революцияси», кимматчилик, пулнинг четга окиши ёритилган.

У махаллий сиесатни ёнини олиш ва протекционизмни, пулни жамгариш сиёсатини ёклаб чиккан.

Томас Мен ( 1571 - 1641) инглиз, ривожланган меркантилизм вакили, савдогар, Ост - Индия компанияси директорларидан бири, савдо баланси назариясининг автори. У савдо (у замонларда Англияда савдо категорияси бутун экономикани англатган) стратеги хисобланган. Мария Стюарт Иаков (Джемс) 1 замонида ташкил этилган савдо буйича махсус давлат комиссиясининг актив аъзоси, аср охиригача хизмат килган. Англиянинг меркантилистча иктисодий сиесати шу комиссияда олиб борилган дискуссияларда, памфлетларда, петицияларда ишлаб чикилган. Унинг асарлари:

«Англиянинг Ост - Индия билан савдоси тугрисида мулохазалар» ( 1621 йил езилган), «Ташки савдода Англиянинг бойлиги, еки бизнинг бойлигимиз регулятори сифатидаги ташки савдомизнинг баланси» ( 1664 йил угли томонидан нашр килинган). У ташки савдо, флотни ривожлантириб товарларни транспартировкадан оладиган фойда, бойликни ошириш учун ахолини ( хунармандларни) купайтириш, чет эл товарлар импортини камайтириш, пошлинасиз савдо, четга пул чикаришнинг фойдалилиги ёзади.

Италия меркантилистлар асосий эътиборни пул - кредит муаммоларига, судхурлик капиталига каратганлар.

Гаспарро Скарруфи (1519 - 1584) италиялик банкир, «Пул тугрисидаги мулохазалар» ( 1582 йил езилган) асарида ягона Европа пул системасини яратиш, пул баркарорлиги муаммоларини ёзган.

Антонио Серра (1613 езган памфлетида) савдо балансини ёклаган италиялик.

Антуан Монкретьен ( 1575 - 1622) француз. Савдогарлар жамиятда фойдали функцияни бажаришини исбот килади. «Политическая экономия» термини биринчи булиб ишлатган.

1605 йил бир кишини дуэлда улдиргач, Англияга кочиб кетади ва у ерда 4 йил яшайди хамда узининг «сиесий иктисод трактати»ни ёзди. У махаллий саноатчиларни химоя килишни, дехконларга ёрдам беришни, халк оммасининг ахволини яхшилашни ёклаб чикади.

Революция – бу «бировларнинг хаддан ташкари камбагаллашуви ва бошкаларнинг бойишидир» деб ёзган эди Антуан Монкретьен.

Уз китобини у ёш кирол Людовик XIII ва унинг онаси кироличага багишланган. Шундай кейин у молия вазири, кейин эса киролнинг иктисодий маслахатчиси булган. Кейинчалик протестантларга кушилиб, уларнинг рахнамоларидан бири сифатида киролга карши курашган.

Жан Батист Кольбер (1619 - 1683) – француз, машхур давлат арбоби. Людовик XIV даврида молия вазири. Унинг номи билан француз хукумати олиб бориладиган меркантилистик сиесатни кольбертизм деб аталади. Францияда феодал муносабатлар (айникса майда дехкончилик) кенг таркалгани учун Кольбер асосий эътиборни саноатга (давлат саноатига) каратди ва аграр сохани деярли эътиборга олмаган. Масалан, кишлок хужалик махсулотлари келтиришни куллаган, чикариш эса чекланган. У «биз бошка халкларни уз саноатимиз билан, уз дидимиз билан эгаллашимиз керак» дейди.

Хулоса килиб меркантилизм идеологиясини 3 асосий нарса билан курсатиш мумкин:

а) бойлик мехнат билан яратилади аммо, олтин ва кумушда уз ифодасини топади;

б) ракобат зарарли, ундан кочиш керак, уни йукотиш керак;

в) давлат хукумати уз ишлаб чикарувчи, коммерсантларга мамлакат ичида монополияни таъминлаб бериши ва чет элларда, ташки бозорларда химоя килиши керак.

Бу сиесатни амалга ошириш учун давлат урта аср цехчилик сиесатидан, давлат ичида конун, полиция ва божхонадан фойдаланган. Бошка давлатлар билан эса уруш ва коперчиликдан фойдаланган. Копер денгиз пиратидек гап, факат у давлатдан лицензия олиб, чет эл кемаларини талаган хамда уни давлат химоя килган.

5- саволга жавоб.

18 асрнинг охирида меркантилизм иктисодий таълимотнинг йуналиши сифатида тарих сахнасидан тушди. Саноат тунтариши шароитида бу таълимот ва унга асосланган сиёсат хаёт талабига жавоб бермай куйди.

Меркантилизмни нотугри эканлигини классик иктисодчилар исботлаб бердилар. Аммо, бу сиёмат колок мамлакатларда узок вакт сакланиб колди, хатто Германиядек давлатда хам камералистика формасида ( руслар ва бошка шаркий Европа халкларида хам) 18 аср, хатто 19 асрда хам асосий сиесат булиб колди.

20 асрда давлат монополистик капитализм ривожланиши билан, яна бу сиесат эсга олинди. Хатто 20 асрнинг энг буюк иктисодчиси Ж.М.Кейнс хам меркантилизмнинг гояларини куллайди.

Кейнс узини меркантилистлар билан якинлатирувчи 4 сохани берди:
Мамлакатдаги пул массасини оширишга интилиб меркантилистлар ссуда фоизини пасайтириш ва инвесторларни рагбатлантиришни уйлаганлар;
Меркантилистлар нарх ошишидан куркмаганлар ва юкори бахолар савдо ва ишлаб чикаришни кенгайтиришни куллаб кувватлайди, деб хисоблаганлар.
Меркантилистлар «пулнинг етишмаслиги ишсизликнинг сабабчиси эканлигини» тугрисидаги тушунчанинг асосчилари булганлар.

Кейнс хам, меркантилистлар хам, протекционизм мазкур мамлакатда ишсизлик муаммосини хал этишга ёрдам бера олади, деб хисоблаганлар, иктсодий миллатчилик тарафдори булганлар.

20 асрнинг 60 - 70 йилларда мустакилликни кулга киритган давлатларда хам «неомеркантилизм» гоялари илгари сурилмокда, уларнинг сиесатида анча учрайди. 90 йилларда собик социалистик мамалакатлар, авваломбор, эволюцион йулни танлаган давлатларда меркантилизм сиесати анча кучлидир.

Такрорлаш учун саволлар.
1. Гуманизм ва реформация нима?
2. Янги жамият пайдо булишига тадбиркорлик ахлокининг урни нимада?
3. Меркантилизм нима ва унинг кандай боскичлари бор?
4. Буюк географик кашфиётлар янги жамият пайдо булишига кандай алокадор?
5. Бахолар революцияси нима?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Меркантилизм – иктисодий сиёсатда мамлакатда ва давлат хазинасида кимматбахо металларни хар томонлама йигиш, назарияда муомала (савдо, пул оборотида) сохасида иктисодий конуниятларни аниклашдан иборат

Бахолар революцияси - Бу 16 асрда бахоларнинг бирданига кутарилиши содир булган жараёнаг айтилади. Бунинг сабаби Европага олтиннинг окиб Америкадан катта микдорда окиб келиши саабаб булган.

Гуманизм - бу инсонни кадр – кийматини юкори куйиб карашдир. Бу сузнинг лугавий маъноси французча иносн сузидан олингандир.

Реформация – христиан динида 16 асрда булган революцион узгаришлардир. Бу жараён натижасида христиан динининг католик махзаби иккига булиниб кетди. Католицизмдан протестанлик ажралиб чикди.

## 3-мавзу

# АНГЛИЯ ВА ФРАНЦИЯДА КЛАССИК ИКТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

( 2 – соат).

РЕЖА:

1. УЛЬЯМ ПЕТТИ - биринчи профессионал иктисодчи.
2. 17-18 асрда Англияда иктисодий фикрлар.
3. Франция иктисодий фикрларнинг узига хослиги.
4. Физиократия: мохияти, тавсифи, асосий намоендалари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Разоков А.А. тахрири остида. Т. 1997 й. 4 боб, 5 боб.
2. Иктисодий таълимотлар тарихи. С.Гуломов тахрири остида. Т. 1992 й.
3. А.В.Аникин. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей -экономистов до Маркса. М. 1985.
4. Реуэль А.Л. История экономических учений. М. 1972.
5. Афанасьев В.С. Этапы развития буржуазной политической экономии. М.1985.

6. Майбурд Е.М. Введение в истории экономической мысли. От пророков до профессоров. М. 1996 й. гл. 8,9,10,11,12,13.

1-саволга жавоб.

Меркантилизм урнига классик иктисодий мактаб вужудга келди. Чунки меркантилизм замон талабига жавоб бермай колди.

Замонда кандай узгариш содир булди?

Капитал савдо сохасидан ишлаб чикариш сохасига кириб борган сари капитални такрор ишлаб чикариш механизмини ва капиталистик жамият хужалик хаетининг бошка томонларини объектив тахлил этиш учун эхтиеж усиб борди.

Саноат капитали оддий кооперациядан монофактура оркали машиналашган ишлаб чикаришга караб усиб борди, бу жараен билимларга булган талабни оширди.

Меркантализмдан фаркли уларок классик иктисодий мактаб, асосан 2 давлатда – Англия ва Францияда яратилди, нега? Чунки уша даврнинг бошка йирик давлатлари Испания ва Португалия
(1600 йилда 10 млн киши яшаган) денгиз орти ерларни талаш билан овора, Италия эса ( 1600 йилда 10 млн.киши) Усмонийлар империяси тазйики ва буюк географик кашфиетлар туфайли камбагаллашиб колган майда давлатлардан иборат эди. Германия эса (1600 йилда Европанинг энг халки куп мамлакати – 20 млн киши) таркок, узаро урушлар билан овора. Колган кичик давлатлар эса
(Голландия, Швецария кабилар) капитални концентрация килишда чекланганлиги учун куп илмий - техникавий муаммоларни ечиш даражасида эмас. Шунинг учун хам Англияда, кейинрок Францияда бу жараенлар содир булди ( 1600 йилда Францияда 16 млн, Англияда 4,5 млн киши яшаган).

Классик иктисодий мактаб намояндалари тармок хусусиятдан катъий назар ишлаб чикаришни, шунингдек, неъматларни таксимашни узларининг асосий тадкикот объектлари килиб олдилар.

Улар куплаб иктисодий жараенларнинг илмий ифодаси булган тушунчалар, категориялар ва конунлар системасини илгари сурдилар ва асослаб бердилар. Классик иктсодчиларга У. Петти, П. Буагильбер, Ф. Кенэ, А. Тюрго, А. Смит, Д. Рикардо ва бошкаларни киритиш мумкин ва у 1662 йилдаги У.Петтининг «Соликлар ва йигимлар тугрисида» трактатидан то 1817 йилгача, Д.Рикардонинг «Сиёсий иктисод ва солик солишнинг бошланиши» асари чиккангача булган даврда яратилган. Аммо хозирги пайтда А.Маршаллгача булганларни хам классиклар деб хисоблайдилар.

Ульям Петти (1623 - 1687) классик иктисодий мактабнинг асосчиси хисобланади. У ирландиялик, Гемпшир шахрида тугилган, 15 ешидан савдо билан шугулланишни бошлаган. 1640 - 1643 йиллар флотга хизмат килди. 1643 - 1646 йиллар Голландия ва Францияда, асосан медицинани урганади. 1647 йил копировка киладиган машинани ихтиро килган. 1649 йил физика

доктори унвони олган. 1651 йил анатония ва музика профессори булган. Кейин Оливер Кромвелнинг Ирландия армиясида врач булиб ишлаган. 1668 йил Англия парламентига аъзо булади.

Ёзган асарлари – «Соликлар ва йигимлар тугрисида» ( 1662й), «Сиёсий арифметика» (1676 йилда) «Пул тугрисида айрим нарсалар» (1682).

У замондошларида уч томонлама шахс сифатида колди

а) Олим езувчи , эрудит;

б) келажакни кура оладиган, хаелпараст;

в) чаккон алдовчи, хасис, уз максадларига эришиш учун хар кандай воситани кулловчи.

У.Петтининг иктисодий тушунчалари. У иктисодий конунларни, киши хохиш - истагига боглик булмаганлигини тан олади. У жамиятнинг хамма аъзолари ишлашлари керак дейди, бойлар ва камбагаллар уртасидаги фаркни доимий деб хисоблаган. Аммо улар уртасида контраст хаддан ошмаслиги керак, дейди. Унумсиз мехнатни камайтириш керак, дейди.

Гражданлар урушининг сабаби «бировларнинг хаддан ташкари бойлиги, бошкаларнинг очдан улаётганлиги» дейди. Ишлаб чикарувчи кучларнинг усиши ва жамиятнинг бойлигини ошишини моддий неъматлар ишлаб чикаришнинг кенгайишидан эканлигини кура билган. У хаддан ташкари ошиб кетган савдо сохасида ишловчилар сонини камайтириш кераклигини айтган. У номоддий сохани камайтириб, моддий сохани устириш, хамда Англияни биринчи даражали капиталистик давлатга, дуне устохонасига айлантириш керак, дейди. Унинг бу хохиши содир булди, факат кейинрок (18 асрда) содир булди.

У уз ишларида, 1 чи булиб микдорий анализ методидан фойдланган. У бу хакда шундай езади, мен уз фикрларимни аргумент (сузлар) билан эмас, ракамлар, огирликлар, улчовлар тилида ифода этаман. У уз дусти Джон Граунт билан биргаликда хозирги замон статистиканинг асосчисидир.

У 1чи булиб, Англиянинг миллий бойлигини хисоблаб чиккан. У мехнатнинг киймат асоси эканлигига ишонади, бозор бахосидан кийматни кидиради. У.Петти: «мехнат бойликнинг отаси, ер унинг онаси» деган машхур сузларни айтган.

Петти иш хакида мехнатнинг кийматини куради ва у конун томондан тартибга солиниши керак дейди, у биринчи булиб иш хаки минимуми тушунчасини киритган. У замонларда эса, аксинча конун томондан максимал иш хаки чегараси куйилган.

У иш хаки ва фойда бир-бирига карама - карши харакат килади деб хисоблаган. У 1чи булиб дифференцияал рента тушунчасини киритган. У ернинг капиталлашган рента эканлигини биринчи булиб изохлаб берди.

2 - саволга жавоб.

XVII - XVIII асрларда Англия буюк шахслар билан бой эди. Бунинг сабаби, албатта у ерда содир булаетган ижтимий - иктисодий жараенлар эди. Инглизлар куп масалада биринчи эди, шунинг учун хаетнинг мураккаб

муаммоларига биринчи булиб жавоб беришга тугри келар эди. Инглизлар Монтескье айтгандек, бошка халклардан олдинрок, жуда катта ахамиятга эга булган уч нарсадан – дин, савдо ва эркинлик - фойдаланиб билдилар.

Англиядаги иктисодий гоялар тулкинининг энг кузга куринган вакилларидан бири Николас Барбон (1640 - 1698) эди. Унинг машхур помфлети – «Савдо тугрисида очерк» ( 1690) мавжуд. Бу помфлет назарий трактатга ухшайди. У товар, киймат, бахо, пул, кредит, фоиз каби категорияларни мазмунини беради, классификация килади, солиштиради, бошка авторларда учрайдиган хатоларни келтиради ва уз хулосасини беради.

У кийматни нафликка боглайди, нафлик категориясини тушунтирб беради. У эхтиежларни 2 га булади:

а) тана эхтиежлари – овкатга, кийимга, уйга булган эхтиеж, бу чекланган:

б) рухият эхтиеж – бу эса чексиз дейди.

Уз фикрларида талаб бахоси, таклиф бахоси, мувозанат бахо каби 20 аср категорияларига анча якинлашиб колди. У биринчи булиб монополия зарарли эканлигига эътиборни каратади. У савдо ишининг пасайишини сабаби - таккословчи конунлар ва юкори фоиз даражаси эканлигини исботлаб берган.

Дадли Норс (1641 - 1690) узининг «савдро тугрисидаги очерклар» асарида (улгандан кейин 1 йил утгач, 1691 йил нашр килинган) уз гояларини беради, унинг гоялари Барбонникидан хам чукуррокдир.

Бойлик нима? Бу нарсалар, хатто тилло, кумуш омбори эмас, мулки харакатда, усишда булган одам бой дейди.

Норс дабдабали хаетга карши конунлар зарарли эканлигини айтади. Бу конунлар мехнатсеварликни ва ихтирочиликни улдиради , дейди. Пул (олтин) мамлакатни бойитмайди - Норснинг асосий гояларидан. Норс Англияда биринчи булиб, эркин савдони халк бойлигининг асоси деб куяди. «Бирор мамлакат халки сиесат хисобидан бойиган эмас, факатгина тинчлик, мехнат ва эркинлик савдони ва бойликни келтиради»- деб ёзган Дадли Норс. Бу фикрлар у яшаган замоннинг асосий иктисодий сиёсатига - маркантализмга зид ва бегона эди.

Жон Локк (1632 – 1704) уз замонасининг энг йирик файласуфларидан бири. 1691 йил узининг иктисодий памфлети «Процентни тушириш ва пул кадрини ошириш тугрисида мулохазалар» езди. У хар хил буюмларнинг ташки савдода нисбий киймати тугрисида езади. У кишлок хужалигига катта эътибор беради. Мамлакат бойлиги кишлок хужалигига тугридан - тугри боглик дейди. У хамма соликларни ер солиги билан алмаштиришни таклиф килади.

Жон Ло ( 1671 - 1729) нинг «Пул ва савдо тахлили» (1705) асаридаги туб гоя бахоларда бахо хиссасини оширишга ва «пулнинг купайиши узига тук одамларни тадбиркорликка жалб этади» деган фикр асосига куйилган.

Жон Ло Шотландиянинг Эдинбург шахрида заргар оиласида тугилган, унинг отаси пулларни карз берар эди. 1694 йилда дуэлда одам улдиради, уни улимга хукм этадилар. У турмадан кочиб, Голландияга боради, у ерда банк очади. 1699 йил Парижда пайдо булди, у ердан Италияга борди. 1704 йил уз ватанига янги типдаги банк очиш учун кайтиб келади ва узининг китобини езди. У пулни куп булиш тарафдори булган, пулнинг узи бойлик эмас, хакикий бойлик завод ва фабрикалар дейди. Англияда унинг лойихаларни тан олмадилар, у яна Францияга кайтди. 1715 йилда Людовик XIV улди, унинг жияни, регент Филипп Орлеанский Ло лойихасини кабул килди. Олдинга ишлар яхши кетиб, молия кредит тизими Ло таланти туфайли тартибга кирди. У бош вазир килиб тайинланди.

1719 йилда Лонинг иккинчи гояси капитални ассосациялаш ва марказлаштириш гоясини амалга ошириш учун Франциянинг Миссисипи компаниясида акциядор жамият тузди. Компания йигилган пулни оз кисмини ишлаб чикаришга, куп кисмини давлат карзларини беришга сарфланди, окибатда акцияларнинг курби катастрофик тарзда тушиб кетди. Шундай килиб, Лонинг машхур «пул пирамида»си кулади. Россиядаги, Гермес, МММ еки биздаги Тойирбанк сингари.

Даниэль Дефо (1660-1731) ва Давид Юм (1711-1776) каби бошка соха вакиллари хам иктисодиетда уз фикрларини айтиб билганлар.

3-саволга жавоб.

XVII аср феодал – абсолютизм Франциясини Англия билан солиштирганда, биринчи навбатда баркарорлик даражаси билан фарк килади. Англия баркарор ривожланаёган мамлакат булса, Франция бекарорлик мамлакати эди.

Францияда хали дворянлар буржуйлашмаган эди. Савдо - саноат буржуаси билан рухонийлар ва дворянлар уртасида зиддият жуда кучли эди. XVII асрда феодал эксплуатация системаси хукмрон булиб, сарой ахли, дворянлар, рухонийлар, судхурларни бокишга манба эди.

XVII асрда Франциянинг кишлок хужалигида капитализм эндигига тугилиб келаетган эди, дехконларнинг дифференцаациялашуви натижасида кулоклар ажралиб чикаетган эди, фермерлар хали йук эди.

Шахарда «кирол манафактураси» ( давлат томонидан субсидия, буюртма, иш кучи билан таъминланган, фаолияти каттик назорат килинган) йирик манафактуранинг асосини ташкил килар эди. Хунармандчиликда эса цех тартиблари кучли эди.

Бу шароитда дворянлар билан рухонийлар солик туламас эдилар, шахар буржуаси кучсиз эди, аммо у хам хар хил йуллар билар солик туламас эди. Соликнинг огирлиги кашшок дехконлар зиммасида эди. Маркенталистик сиесат эса кишлок хужалигига тегмас феодал ишлаб чикариш муносабатларини узгартирмас эди. Шунинг учун дехконлар ахволини яхшилаш (Франция ахолисининг 75% ини уша пайтда дехконлар ташкил

этган), дехкончилик ишлаб чикаришини яхшилаш, меркантализмга карши курашиш билан чамбарчас богланиб кетди. Бу курашнинг энг яккол намояндаси Буагильбер булиб, кейинчалик унинг гояларини физиократлар ривожлантирадилар.

Пъер Буагильбер (1646 - 1714) француз, Руан шахрида Норманд дворянлари оиласида тугилган. Уз замонасида яхши маълумот олиб, Парижда адабиет билан шугулланган, кейин ота касб хукукшуносликка эътиборини каратган ва 1677 йил Нормандияда Судья мансабини олган. Отаси билан урушиб ( отасининг бутун бойлиги унинг укасига утган) узи мустакил «одамларга чикиш»га интилган. 1689 йилда катта уй, поместье ва Руан округидаги суд бошлиги мансабини сотиб олган ( бу мансаб нафакат бош судья, балки шахар хокими, полиция бошлиги дегани эди) , умрининг охиригача шу мансабда колган, улишидан 2 ой олдин катта углига колдирган.

У жамият кудрати ва бойлигининг асоси кишлок хужалиги деб хисоблаган. У кишлок хаётининг огир ахволини яккол килиб езган. У пулга хужум килиб, пул товар айирбошлашни бузади, хамма бурди - балоларга сабабчи пул деб хисоблайди. Пул факатгина муомала воситасини бажариши керак дейди.

1705 йил у «иктисодий эксперимент» утказиш учун киролдан Орлеанда округ олади. Аммо экспримент бир йилдан кейин мувафаккиятсиз тугайди. Кейин уз хатоларини каердалигини тушуниб етган Пьер Буагилбер 1707 йилга келиб узининг системасини яратди. Бу система уз ичига 3 асосий элементини олади:

Катта солик реформасини утказиш. Масалан, регрессив солик системаси урнига, сал - пал прогрессивлашган пропорционал систесасини таклиф этади.

Ички савдони чекланишларидан холос этиш.

Эркин дон бозорини яратиш ва доннинг нархи усишини ушлаб турмаслик.

П.Буагилбер 1695 - 96 йилда «Франция ахволининг тулик изохи» китобини езган. «Бойлик пул ва туловларнинг табиати тугриси»даги асари асосий назарий асаридир.

XVIII аср Франциясини тахлил килар эканмиз, бир шахс тугрисида тухталмасдан утиб булмайди, бу Шарль Луи Монтескье (1689 - 1755). Унинг асосий асари 1748 йилда нашр килинган: «Конунлар рухи тугрисида». Бу китоб инжил, куръон каби «дунёни узгартирган китоб» деган ном олган. Бу китоб уз замонасининг ижтимоий фикрининг хамма жабхаларини камраб олган: дин, сиесат, фалсафа, хукук, давлат, оила, ахлок, хужалик, пул, тарих ва б. Монтескьенинг купгина айтганлари, худди бугун айтилгандек туюлади. Унинг асарини бир суз билан ифодаласак, бу суз эркинликдир. Монтескьенинг гоялари Гарб мамлакатларининг сиесий ривожланишида уз таъсирини курсатган. АКШ конституциясининнг ижодкорлари, жумладан, Жефферсон унинг гояларидан рухланиб иш килганлар.

Монтескьега хозирги замон дунекарашини шакллантирган XVIII асрнинг маорифчиларига устоз булиш насиб килган ( Вольтер, Руссо, Кенэ кабилар).

Унинг айрим фикрлари: энг огири, давлат бутун ерни уз мулки деб эълон килишидир. Окибат ер даромад бермай куяди. Агар давлат савдо билан шугулланса, хар кандай саноат хонавайрон булади. давлат мулки хужайинларнинг очкузлигини камайтирмайди, балки кучайтиради. Кишлок хужалигининг ривожланиши даражаси, ернинг унумдорлигига эмас, эркинлик даражасига боглик.

4- саволга жавоб.

Иктисодчи (экономист) термини иктисодий масалаларни урганувчи олим маъносини беради. Бу термин 18 асрнинг урталарида Францияда пайдо булди. Доктор Кенэ атрофида тупланган бир гурух олимлар узларини <u>экономист</u> деб атай бошладилар. Булар: Виктор Миробо, Дюпон де Немур, Мерсье де Ларивьер, Гурне, Тюрго.

Венсан де Гурне ( 1712 - 1759) янги мактаб, физиократлар мактабининг асосчиларидан бири, Кенэни иктисодчи булишига катта роль уйнаган. У «Лаза-Файе» ни биринчи булиб ишлатган.

<u>«Лаза - файе»</u> формуласи тулик иктисодий эркинлик, давлат эса ишлаб чикариш, савдо, молия сохасида уз фукароларининг ишига аралашмайди. Улар давлатга солик тулайдилар, давлат эса уларнинг хаети мулки, хукуклари ва эркинлигини таъминлайди.

Фанда бундай идеология тугилиб келаетган янги дунекарашнинг ажралмас кисмига айланди. Бу дунекарашни Англия ва Франция интелектуаллари яратдилар. Буларнинг ичида физиократларнинг урни бор.

<u>Физиократлар</u> (физика - табиат, крат эса хукмронлиги) вужудга келаетган классик иктисодиетнинг французча варианти эди. У узининг буржуача мохиятини феодал кобик билан коплар эди ва асосан мамлакат кишлок хужалик иктисодиетини урганар эдилар.

Физиократлар уз гояларини Маркиз Мирабо уйида тупланиб, секта булиб ривожлантирдилар. Бу сектанинг яккаю ягона бошлиги Франсуа Кенэ эди.

Франсуа Кенэ (1694 - 1774) француз иктисодчиси, физиократлар мактабининг асосчиси, у кичик ер эгаси оиласида Версалда тугилди. 11 ешгача саводсиз булган, кейин кишлок мактабида укиган. У шунчалик укишга кунт килганки, эрта сахар туриб неча 10 км юриб, Парижга бориб, ярим кечаси китоб олиб келган.

17 ешида хирург булиш учун ишга киради, 23 ешида хирурглик дипломини олади. 17 йил Париж якинидаги Монте шахрида ишлайди. Медицинага оид бир неча асарини езади. 1749 йил Маркиз Помпадур (кейинрок, киролнинг хам врачларидан бири) нинг уй врачи булади. 25 йил саройда врач сифатида хизмат килади.

Биринчи иктисодий асарлари: «Фермерлар» ( 1756), «Дон» (1757). Асосий асари: 1758 йилда узининг «Иктисодий жадваллар» асарини езди. Бу асар 1756 – 1768 йиллар давомида ишланиб бойитиб борилган. Буларни унинг шогирди йигиб ( Дюнон де Немур) «янги фаннинг келиб чикиши ва тараккиети» номи билан нашр килдирган.

У табиий тартиб концепцияси илгари суради, бунда феодализм саркитларидан холос булган капиталистик ишлаб чикаришни тушунади.

У айирбошлашнинг эквивалентлиги, ишлаб чикариш харажатлари бахога асос булиши тушунчаларини киритди. Пул узига бойлик эмас, агар моддий ишлаб чикариш неъматлари ( кишлок хужалик махсулотлари) булмаса дейди.

Ф.Кенэ соф махсулот тушунчасини киритади. Бу кушимча кийматга якин эди. Физиократларнинг фикрича кушимча махсулот кишлок хужалигида килинган харажатлардан ортикча кисмидир. Ф.Кэне капиталнинг мехнат процессида жисман 2 кисмга булинишини 1 чи булиб курган (асосий ва айланма капитал терминлари лекин хали йук эди).

Ф.Кенэ жамиятда 3 та синф бор дейди: унумли синф, мулкдорлар синфи ва унумсиз синф.

У биринчи булиб жами йиллик махсулот шу синфлар уртасида таксимланади (оддий такрорлар ишлаб чикарилган булсин учун). Шуни узининг иктисодий таблицалари оркали анализ килган (бу кейинчалик вужудга келган макроиктисодий модел прообрази). Бу таблицани К.Маркс XVIII асрнинг сиесий иктисоддаги энг буюк гояси деб бахолаган эди. Такрор ишлаб чикариш халк хужалиги маълум мутаносиблиги булган такдирдагина жараен содир булиш гояси эмбрион холатда бор эди бунда.

Ф.Кенэ улгач, 2 йил (1774 – 1776 йил) физиократлар мактабни Тюрго бошкаради ва у отставкага кетади, шу билан бу мактаб таркалиб кетади. А.Тюрго асарларида физиократлар назарияси анчагина феодал кобикдан кутулади ва ривожланади.

Ани Роберт Жак Тюрго (1727 - 1781) француз, давлат арбоби, эски норманд дворян оиласида Парижда тугилган. Унинг отаси хозирги термин билан айтсак, Париж мэри булган. 3 чи фарзанд булгани учун (у даврда 3 чи фарзанд диндор булиши керак) диний семинарийда яхши маълумот олди. 23 ешида аббат диний карьерани куяди. У олти тилни билган, феноменал кобилиятга эга булган. 1752 йил Париж парламентида судя мансабини олади. 1761 Лиможе провинциясига губернатор этиб тайинланади ва 13 йил шу ерда игшлайди. 1774 йил молия вазири этиб тайинланган ва бу мансабда 2 йил ишлаб, купгина конунлар кабул килган.

Унинг асосий иктисодий асари «Бойликнинг вужудга келиши ва таксимланиши тугрисида фикрлар» (1766). Бунда у тезис шаклида 100 иктисодий теорема (айримлари аксиома) тарзида уз фикрини езади. Бу китобни Парижга келган 2 та хитойликка дарслик сифатида езади.

У жамиятни 5 синфдан иборат дейди, у (ер эгалари, саноатчилар еки унумли синф, тадбиркор капиталист, елланма ишчи). У биринчи булиб

елланма ишчиларга бахо бериб дейди: «Уз кулларидан бошка хеч нарсага эга булмаган кишилар». У елланма мехнатни анча чукур анализ килган. Елланма ишчи ишлаб чикариш воситаларидан ажралганлиги учун узига керак буладиган яшаш минимумидан ортикчасини капиталистга беради.

Тюрго биринчи булиб даромаднинг алохида тури - капиталдан олинадиган фойда тушунчасини киритади. У биринчи булиб, фойда, фоиз ва рентанинг узаро алокасини тахлил килган.

У биринчи булиб, прогресс терминини хозирги замонда кандай тушунилса, шундай куллайди.

Унинг мухим маколаларидан бири « киймат ва пул» (1769 йил езилган), факат 1805 йилда, унинг 9 томли асарлар туплами нашр килинганда чикди. Унда у кийматни бир курсаткич билан улчаб булмаслигини айтиб, уз замонасидан анча олдин кетиб колди. У меъерликка жуда яхшилашиб келган эди (100 йил олдин кетиб). Шундай килиб, физиократия, классик мактаб иктисодий таълимотлар ривожоанишида жуда катта бир боскич булди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Нега У.Петтини 1 чи профессионал иктисодчи деймиз?
2. Физиократия нима дегани?
3. Буагильбернинг системаси нима?
4. «Лаза – фая» нима?
5. Луи Монтескьенинг хизмати нимадан иборат?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Петти замондошларида уч томонлама шахс сифатида колди

а) Олим езувчи, эрудит; б) келажакни кура оладиган, хаелпараст;

в) чаккон алдовчи, хасис, уз максадларига эришиш учун хар кандай воситани кулловчи.

Бойлик нима? Бу нарсалар, хатто тилло, кумуш омбори эмас, мулки харакатда, усишда булган одам бой дейди.

Табиий тартиб концепцияси илгари суради, бунда феодализм саркитларидан холос булган капиталистик ишлаб чикаришни тушунади.

Физиократлар__(физика - табиат, крат эса хукмронлиги) вужудга келаетган классик иктисодиетнинг французча варианти эди. У узининг буржуача мохиятини феодал кобик билан коплар эди ва асосан мамлакат кишлок хужалик иктисодиетини урганар эдилар.

Лаза - файе» формуласи тулик иктисодий эркинлик, давлат эса ишлаб чикариш, савдо, молия сохасида уз фукароларининг ишига аралашмайди. Улар давлатга солик тулайдилар, давлат эса уларнинг хаети мулки, хукуклари ва эркинлигини таъминлайди.

4-мавзу

# АДАМ СМИТ ВА ДАВИД РИКАРДОНИНГ ИКТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ. (4 соат ).

## РЕЖА:

1. Адам Смитнинг хаёти ва фаолияти.
2. А.Смит методологияси ва унинг билимларининг пойдевори.
3. А.Смит назариялари.
4. Давид Рикардонинг хаети ва фаолияти.
5. Д.Рикардо методологияси, унга таъсир килган сиймолар.
6. Д.Рикардо назариялари.
7. А.Смит ва Д.Рикардо иктисодий гояларининг ахамияти.
8. Классик мактаб пастулотлари.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:


1. Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей- экономистов до Маркса. М. 1995 г.
2. Афанасьев В.С. Этапы развития буржуазной политической экономии. М. 1985.
3. Реуэль А.Л. История экономических учений. М. 1972.г.
4. Мейбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. Гл. 14,16.


## 1-саволга жавоб.

Давр талаби керакли одамни тугдиради. Капиталистик хужаликнинг ривожланиши билан боглик равишда, Англияда иктисодиет шу даражага етдики, бутун иктисодий билимларни суммалаштириб, бир системага киритиб, яхлит бир нарсага айлантиришга зарурат тугилди. Бу вазифани бажара оладиган киши ва олим Смит эди.

Адам Смит (1723 - 1790) шотландиялик Эдинбург якинидаги кичкина, Керкольди шахрида тугилди унинг отаси божхона ходими булиб, Смит тугилмасдан бир неча ой олдин улган. Онаси яккаю - елгиз углини катта килади ва бутун умрини Смитга багишлайди. Адам касалманд булиб усади. У кишлок мактабида уртача билим олди ва 14 ешида Глазго университетига кирди. 17 ешида уни аъло бахоларда тугатиб, Оксфорд университетига бепул укиш учун стипендия олди. Оксфордда 6 йил укиди. Кейин 2 йил уйда узи шугулланди.

1751 йил Смит Глазгога келди ва 13 йил университетда дарс берди.

1759 йилда Смит 1 катта илмий асари – «ахлокий хислар азарияси» китобини нашр килдирди. Бунда у узининг фалсафий ва иктисодий карашларини баен этди. 1765- 1766 йиллар Францияда герцог Баклюнинг

тарбиячиси сифатида булди. Вольтер, Кенэ, Гюрго ва бошкалар билан мулокотда булди. Герцог унга 300 фунт пенсия берадиган булади ва 10 йил (1766 - 1776) хеч каерда ишламай китоб устида ишлайди.

1776 йил узининг буюк асари « халклар бойлиги табиати ва сабаблари тугрисида тадкикот» тугатди ва чроп этди. Китоб чиккач, 2 йилдан кейин герцог Баклю ердамида божхона коммисариатида
( Шотландия) 600 фунт стерлинг йиллик маоши булган ишга утиб, умрининг охиригача – 1790 йилга шу мансабда ишлади.

Унинг тириклик пайтида, 1 чи китоби 6 марта, 2 чиси 5 марта чикди. Аммо 1 чиси XVIII асрда колиб кетди, 2 чиси уни абадий килди.

Адам Смит жахон иктисодий фанида энг йирик шахси деса булади. А.Смит китобининг 200 йиллик юбилейида (1976) унга багишлаб унлаб китоблар, 100лаб маколалар езилди, у хозир хам иктисодиет фанининг жонли фигурасидир. «Адам Смит XVIII асрнинг энг буюк сиймоларидан бири эди ва у XIX асрда уз мамлакати ва бутун дунега жуда катта таъсир курсатган эди» деб езган эди инглиз олими Александр Грей 1948 йил.

2-саволга жавоб.

Смит методологиясининг асосини мантикий абстракция методи ташкил этади. Иктисодиетда энг мухим бошлангич категорияларни ажратиб ва уларни принципиал богликликка боглаб мураккаб ва конкрет ижтимоий ходисаларни анализ килиш мумкин. Смит шу методни янада ривожлантирди. Ходисаларнинг ички сабаби - окибат алокаларни урганиш, 2 чи томондан, юзаки
(экзотерик), яъни ходисаларнинг иктисодий хаетнинг юзасида булган нарсаларга эътиборни каратиш. (Бундан Д.Рикардо фанни холос этди).

Смит методологиясига метафизиклик, антитарихийлик хос. Иктисодий конун ва категорияларга абадул – абад бор нарса деб караган. Куйидагилар Адам Смит билимларига пойдевор булган:

а) меркантилизм мактаби ва уни танкид килувчиларнинг асарлари ( У.Петти, Мандевилл…)

б) 1707 йил Англия билан Шотландия уртасида давалт унияси тузилган эди, утган 70 йил ичида Шотландияда, биринчи навбатда А.Смит умри утган шахар атрофларида (Керкольди, Эдинбург, Глазго) капитализм жадал ривожланди;

в) Черков университетлар устидан уз назоратини йукотди, Шотландия университетлари анча эркин фикрлилиги билан ажралиб турар эди.

г) 50 йилларда Шотландия маданий кутаринкиликни бошидан кечирмокда эди. Буг машинасини яратган Джемс Уатт, хозирги замон химия фанининг асосчиси Джозеф Блэк, иктисодчи Джемс Стюарт, файласуф Давид Юм, тарихчи Уильям Робертсон, иктисодчи Адам Фергюсон, геолог Джемс Хаттон ва бошкалар. Булар Адам Смитнинг замондошлари, купи эса унинг дустлари эди.

Д) Францияда булиб, физиократлар таъсирида булмай, аммо уларнинг энг яхши гояларни ола билиш, Франциядан Гельвиций фалсафаси ( эгоизм - тараккиет омили) ни узлаштириб олиши.

3 - саволга жавоб.

Адам Смитнинг асосий иктисодий асари «халклар бойлиги табиати ва сабаблари тугрисида тадкикот» (1776 йил) беш китобдан иборат. Биринчи иккита китоби Смитнинг иктисодий системаси еритилган булиб, унда инглиз ва француз иктисодчиларини гояларини изохлаб берган. Учинчи китобда феодализм даври ва капитализм усиб келаетган даврда Европа иктисодиетнинг ривожланиши тугрисида, 4 китобда сиесий иктисодни тарихи ва танкиди, 5 чи китобда, молия муаммоларига, яъни давлатнинг даромадлари ва харажатларига багишланган.

А.Смит хозирги давргача узининг ахамиятини саклаб колган, сиесий иктисод предметининг таърифини берган. Сиёсий иктисод - бир томондан, кишиларнинг хохиш истагига боглик булмаган ушбу жамиятда моддий неъматларни ишлаб чикариш, айирбошлаш, таксимлаш ва истеъмол конунларини урганади, 2 чидан жамиятда шундай тартиб булсинки, ишлаб чикарувчи кучлар ривожланишига максимал кулай шароит булсин. (Иктисодий сиесатни асослаш ва таклиф килиш). Бошкача айтганда, позитивизм аналитик ёндошиш ва норматив (амалий ёндошиш) Смит ижтимоий мехнат таксимотини мехнат унумдорлиги усишининг бош омили деб таърифлайди. Жамиятнинг бойлиги: а) унумли мехнат билан шугулланувчи ахоли хиссасига;
б) мехнат унумдорлигига боглик, иккинчиси жуда катта ахамиятга эга дейди.

Пулни Смит муомала гилдираги деб карайди. У пулни, кредитни ишлаб чикаришга буйсунган деб тугри бахо беради. Пулни бирор киши еки кишилар эмас, балки тарихий ривожланиш натижасида содир булганини Смит кура олди, у пул хамма халкларда савдонинг умумий куроли булди дейди. Смитнинг буюк ютукларидан бири мехнатнинг киймат назариясидир. Бу масалада унда 4 та караш бор эди:

а) киймат - товарда мужассамлашган зарурий мехнат микдори билан улчанади (биринчиси ва асосийси);

б) шу товарда сотиб олиш мумкин булган мехнат микдори билан;

в) ишлаб чикариш харажатларидан иборат, шу жумладан ишчиларнинг иш хакки ва капиталистларнинг фойдаси;

г) киймат мехнатнинг огирлиги билан улчанади.

У истеъмол киймати ва алмашув кийматни яхши тушунтириб берган. Малакали, мураккаб мехнат тушунчаларини киритди. Смит 1 чи булиб, фойда капиталистларнинг оладиган иш хакки эмас. Уларнинг кушган мехнатидан бу куп эканлигини исбот килиб беради. Бу билан фойданинг алохида категория эканлигини исбот килади. Иш хакки тенденцияси хужаликнинг 3 холатига боглик дейди: иктисодий прогресс, иктисодий регресс, узгармас холат, 1 чи холатда иш хаки усади дейди ( бу масалада

Карл Марксдан олдин кетган). Жамгариш миллат бойлигининг калитидир дейди у.

Унумли ишловчиларни еллаб киши бойийди, хизматкорларни еллаб камбагаллашади дейди Смит. Смит асосий ва айланма капитал тушунчаларини хам яхши еритиб берган.

Адам Смитнинг иктисодий дастури хеч каерда алохида килиб езилмаган булса хам, унинг бу куйидагилардан иборат:

Хозирги замон термини билан айтганда, иш кучи мобиллигига тусик булувчи хамма нарсаларни олиб ташлаш;

Ерни тула эркин савдоси;

Саноат ва ички савдони давлат томонидан чеклашларни бутунлай бекор килиш;

Англия учун эркин ташки савдони жорий этиш. Фритредерство – эркин савдо А. Смит номи билан боглик.

Шундай килиб, А.Смит монофактура даври учун тулик иктисодий назария системасини яратди. Унинг купгина гоялари (иктисодий) миллий озодлик харакатлар, феодализмга карши курашда XIX асрнинг 1 чи ярмида уз таъсирини курсатди. (масалан, декабристларга, Россияда). Смит шунчалик машхур эдики, иктисодий назария деганда Смитни тушунар эдилар., иктисодий назария модага кирган эди. Узок, колок Россияда А.Пушкин шундай деган эди, «Адам Смит француз кадрили урнини олди». (Асарлар туплами М. 10 томлик 1975 йил, 5 том. 415 бет). Шуни узи хам унинг машхурлигини ва таъсири кучли булаганлигини курсатди.

4-саволга жавоб.

XVIII асрнинг охирги чораги ва XIX асрнинг 3 та 10 йиллик ( яъни Давид Рикардо яшаган давр) Англияда саноат революцияси даври эди. Капитализм монофактура боскичидан машиналашган индустрия боскичига утди. Хунармандчилик устахоналар урнини 100лаб одамлар ишлайдиган фабрикалар олди. Ёмгирдан кейинги кузикорин сингари фабрикали шахарлар усиб чикди. Кумир ва темир асри бошланди. Буг асосий двигатель кучи булди. 1822 йилда Рикардо континентга пороходга борди, у улгандан кейин 2 йил утгач, 1825 йил паровоз пайдо булди.

Англия бойий бошлади, таксимотда тенгсизлик хам оша борди. Ишчилар 12 - 13 соат ишларди, иш хаки факат очдан улмасликка етар эди. Нонни нархи ошганлиги учун ер эгаларининг даромади ошиб кетган эди. Бу Рикардо яшаган даврнинг узига хос мухим хусусиятлари эди.

Давид Рикардо (1772 - 1823). У испан яхудийлардан булиб, отаси 18 асрнинг 60 йилларида инквизициядан кочиб Англияга келиб колган. Отаси олдин улгуржи савдо билан, кейин эса вексел ва кимматли когозлар билан савдо килган. Давид оилада 17 боланинг ичида 3 чиси эди. Давид оддий урта мактабда укиган, кейин, Амстердамда 2 йил амакисининг конторасида коммерция сирларини урганган. 14 ешида укишни тугатиб, отасининг олдида

ишни бошлайди, 16 ешида конторада ва биржада отасининг энг якин ердамчиси эди. Давиднинг отаси деспот, консерватор, иудаизм коидаларига каттик риоя килар эди. Давид эса динга бефарк карар эди. 21 ешида у христиан кизига уйланишга жазм килди. Туй 2 ла томоннинг норозилигига карамай булади. Натижада ёш келин - куев ота – оналаридан хеч нарса олмай, мустаккил яшашни бошлайдилар. Давид 8 боланинг отаси булади. Давид биржада спекуляция билан шугулланади, 5 йилда у жуда бойиб кетади ва катта операцияларни амалга оширади. У асосан давлат карзлари, облигациялар, чет эл карзлари билан курслари билан уйнаш натижада катта бойлик йигади. Инвестиция банклари тугилиб келаетган эди, буларда хам операциялар кила бошлайди. (булардан кейинчаликМорганлар, Ротшильдлар усиб чиккан).

1809 - 1810 йиллар Давид Рикарда Лондоннинг молия оламида энг катта киши эди. Кейин у 1 млн. фунт стерлинглик бойлик йиггач, йирик ер эгаси ва рантьега айланади. 26 ешидан бошлаб Рикардо кундузлари биржада ишласа, кечкурунлари фан билан (табиатшунослик, математика, кейинчалик сиесий иктисод билан) шугулланади.

1810 - 1811 йилларда банкнотни олтинга алмаштиришни тарафини олиб, бир неча маколалар езади. 1815 йил – «Ноннинг паст бахоси капиталдан олинадиган фойдага таъсири тугрисида тажриба» маколасини ёзади.

1817 йил апрелда «Сиёсий иктисоднинг ва солик солишнинг бошланиши». (Аммо бу китоб Адам Смитнинг китоби сингари бестселлер булмади).

1819 йил Давид Рикардо парламентга сайланади ( аникроги жойни сотиб олади). У парламентда катта роль уйнаган, мустакил булиб, уз позициясини химоя килиш учун консерваторларга хам, лейбористларга хам карши овоз бера билган. У 51 ешида (1823 йил) оламдан утган.

5-саволга жавоб.

Давид Рикардонинг методологияси А.Смитдек, илмий абстракция методига асосланган, бу методик анча ривожлантиради. Рикадо методологиясининг узига хос томонларидан бири шуки, у бутун иктисодий тушунча, категориялари киймат категорияси базасида тушунтиришга харакат килган. Унда антитарихийлик Ссмитга нисбатан анча кам. Смит дуализмидан хам у холос булиб олган эди. Рикардода математик акл кучли эди, шунинг учун фикрлаши ва изохлаш усули математик исботлашга ушхаб кетади.

Д.Рикардо классик иктисодий мактабни уз асарларида якунлади. Классик мактабнинг асосий белгилари нимадаен иборат:

1) бу мактаб учун иктисодий ходиса ва жараенларнинг чукур мазмунига кириб (илмий абстракциядан фойдаланиб) очиш хосдир;

2) бу таълимотда кийматнинг мехнат назарияси иктисодиет биносининг пойдевори хисобланади.

3)ишлаб чикариш ва таксимлаш муаммоларини жамиятнинг асосий синфлари нуктаи назаридан куриб чиккан.
Ижтимоий капитални такрор ишлаб чикариш иктисодий системадаги табиий мувозанатга асосланган.
Рикардога кучли таъсир килган сиймолар ичида 1 чи уринни ( Рикардонинг узи тан олган) А.Смит эгаллайди. Кейин эса, Мальтус унинг 1798 йил чиккан «нуфус конуни тугрисидаги тажриба». Кейинчалик у билан дуст, аммо илмий мухолиф булиб келди, билимларини чархлаб олар эди.

Джеймс Милль (1773-1836) инглиз философи, кейинча иктисодчи рикардочи. У шотландиялик булиб аср бошида Лондонда пайдо булади, кейинчалик Рикардо билан танишадилар ва умрининг охиригача дуст булиб колди. Биринчи йиларда Милль устозлик килиб, уни иктисодий оламга олиб кирди, уни охири буюк китобини езишга илмий, маънавий жихатдан тайерлади.
Давид Рикардога Джереми Бентам (1743- 1832) инглиз философи, утилитаризм асосчисининг гоялари унга асос булган. Бентамнинг карашлари Гельвиций ва Смит карашларига (киши табиатан эгоист) асосланган. Киши хар бир ишни килишда плюс ва минус томонларини куриб, 1 чисини максимумига, 2 чисини минимумига интилади.

6 - саволга жавоб.

Давид Рикардонинг асосий китоби 32 бобдан иборат булиб, 3 кисмга булинади. 1-7 бобларда Рикардо системасининг асоси берилган, назарий кисмдан кейин, 14 боб соликлар масаласига ва 11 боб хар хил кушимчалар, фикрлар, Смит, Мальтус ва Сейларни танкид жой олган.

Рикардо иктисодиетининг вазифасини куйидагича тайрифлайди: «сиёсат иктисодни бош вазифаси ижтимоий махсулотни таксимлашни бошкариш конунларини аниклаш».

Рикардо иктисодчиларни хамма вакт кизиктириб келган саволга – жамият моддий булган ишлаб ва таксимотнинг ижтимоий шароити кандай? Деган саволга жавоб беришга интилди ва хозиргача ахамиятини саклаб колган гояларни айтди.

Рикардо назарий билимларнинг мухим хусусияти – иктисодий вокеликни хилма – хил омилларини илмий тушунтиришга каратилган ягона умумий концепция борлигидир. Рикардонинг буюк кашфиетларидан бири иктисодиетда мавжуд булган. «уз-узини тартибга солиш механизми». Бу муаммо хозир хам назарий ва амалий жихатдан узининг ахамиятини саклаб колган. Рикардо пул муомаласи, кредит, солимк, халкаро иктисодий муносабатлар, ер рентаси ва халкаро мехнат таксимотига оид айтган фикрлари иктисодий билимларни олтин жамгармасига кирган.

У машиналарни куллашнинг социал окибатларини кура билган, ишчиларнинг касаба союзларини легалаштиришни еклаб чиккан. У уша даврдаги пул системаси танкид килиб, янги пул системасини таклиф килади ва 1819 йилдан бошлаб кабул килиниб 1914 йилгача харакат килган тило

стандарт системаси эди. Бу гояни кискача шундай таърифлаш мумкин: 1) баркарор пул муомаласи – иктисодиет усишининг зарур шартидир; 2) бундай баркарорлик олтинга асосланган пул системасидагина булиши мумкин; 3) муомалада кисман, хатто бутунлай когоз пулар билан алмаштирилиши мумкин.

У 1 чи булиб эмиссия масалаларини хусусий банк кулида, давлатнинг марказий миллий банкини яратишни таклиф килади. Бу уз замонидан олдин кетган таклиф эди. Рикардо фойда бирламчи, рента ва фоизлар иккиламчи деган фикрни илгари сурди. У рентани мехнат киймат назарияси нуктаи назариядан ишлаб чикади.

7 - саволга жавоб.

Шундай килиб Давид Рикардо, саноат тунтариши даврининг янада ривожлантирилиши натижасида Рикардонинг гоялари 19 асрнинг урталари, хато ундан кейин хам сиесий иктисодда хал килувчи уринни эгалаб келди.

1851 йил К. Маркс Британия музейидаги иктисодий китобларни укиб, Энгельсга ёзган эдики, А.Смит ва Д.Рикардодан кейин деярли узгариш булмаган.

Джемс Милль ва Мак-Куллох (1789 - 1864) 20-30 йиларда Рикардо таълимотини омалаштириш учун куп ишлар килганлар.

Джон Стюарт Милль (1806 - 1873)- инглиз иктисодчиси. У Джемс Миллнинг 3 чи угли булиб, файласуф, иктисодчи сифатида машхур булган. 13 ёшидан сиесий иктисодни урганишни бошлаган (отаси билан). Джон 1822 йилда узининг биринчи икки маколасини нашр килди. 1843 йил у «Мантик системаси» – асосий фалсафий асари нашр килди. 1844 йил «Сиёсий иктисоднинг айрим ечилмаган масалалари тугрисида тажриба» асарини езди. 1848 йил – «сиесий иктисод принциплари» ни нашр килди. Бу асарларда Рикардо гояларини замонага мослаштиришга харакат килган. Охирги китоби 1890 йилгача энг авторитетли дарслик 7 марта нашр килинган, куплаб тилларга таржима килинган.

8 - саволга жавоб.

Давр эхтиежи инсонни вояга етказади. XVIII асрда иктисодиет нуктаи назаридан бор билимларни йигиш, системалашган, яхлит фанни яратишга эхтиеж тугилди. Буни Адам смит бажарди. Бу янги фанни саноат тунтариши даври талабларига мослаштириш керак эди, буни Давид Рикардо бажарди.

Классик сиесий иктисод терминини К.Маркс киритди, аммо янги маъно олиб тарихга кирди.

Хамма замонларда классикларнинг у еки бу фикрларига катта эътибор бериб, ундан озука олиб келганлар ва шундай булиб колади. Классик мактабнинг энг мухим постулатлари:

1.»Иктисодий одам» концепцияси.

2.Келишувчи томонларнинг тенглиги, яъни мажбур киладиган, чегаралайдиган нарсалар йук.
3.Тулик маълумот олиш имконияти, яъни хамма нарса тугрисида хамма маълумот олиш имкониятига эга.
4.Ресурсларнинг окувчанлиги. Мехнат, капитал ва ернинг бир кишидан иккинчисига, бир тармокдан бошкасига осон утиши.
5.Ишловчи ахоли соннинг иш хаки буйича эластиклиги бирга тенг еки ундан катта.
6.Фирманинг максади булиши фойда олишни абсолютлаштириш.
7.Иш хаки даражасининг юкори харакатчанлиги.
8.Энг мухими – капитал жамгариш.
9.Ерга нисбатан ишлаб чикариш омили сифатида алохида муносабат.
10.Иктисодий либерализм.

Классик мактаб учун уч нарса характерлидир:
А) илмий абстракция услуби ердамида иктисодий вокеаларни тахлил килиш;
Б) объектив булган иктисодий конунларнинг мавжуд эканлиги;
В) кийматнинг мехнат назарияси.

Шундай килиб, классиклар тугилиб келаетган янги жамият – бозор иктисодиети, унинг устун ва камчиликларини курсатиб бердилар.

Классиклар иктисодий фанларнинг аппаратини яратдилар, кейинги авлодларга уларни факат такомиллаштириш колди. Классиклар асосий вазифаларни куйдилар, бошкаларга эса уз замонлари нуктаи – назаридан уларга жавоб бериш колди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Смитнинг энг асосий хизмати нимада?
2. Смит методологиясининг хусусияти нимада?
3. «Иктисодий одам» дегани нима?
4. Абсолют ва нисбий устунлик нима?
5. Рикордога таъсир килган сиймолар кимлар?
6. Рикардонинг фандаги асосий  хизмати нима?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Смит методологиясига метафизиклик, антитарихийлик хос. Иктисодий конун ва категорияларга абадул – абад бор нарса деб караган.

Фритредерство – эркин савдо сиёсати булиб, бу сиёсатнинг кириб келиши А. Смит номи билан боглик

Адам Смитнинг иктисодий дастури куйидагилардан иборат:

Иш кучи мобиллигига тусик булувчи хамма нарсаларни олиб ташлаш, ерни тула эркин савдоси.саноат ва ички савдони давлат томонидан чеклашларни бутунлай бекор килиш.Англия учун эркин ташки савдони жорий этиш.

Утилитаризм Бентамнинг карашлари булиб, Гельвиций ва Смит карашларига. Киши хар бир ишни килишда плюс ва минус томонларини куриб, 1 чисини максимумига, 2 чисини минимумига интилади.

Мантикий абстракция методи - иктисодиётда энг мухим бошлангич категорияларни ажратиб ва уларни принципиал богликликка боглаб мураккаб ва конкрет ижтимоий ходисаларни анализ килишдир.

Рикардо назарий билимларнинг мухим хусусияти – иктисодий вокеликни хилма – хил омилларини илмий тушунтиришга каратилган ягона умумий концепция борлигидир.

5-мавзу

## XVIII АСР ОХИРИ – XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИКТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР.

(2 - соат).

РЕЖА:

Ж.Б.Сей ва унинг мактаби.
Мальтус ва унинг иктисодий назарияси.
Иктисодий национализм. Фридрих Лист.
Сиесий иктисоднинг тарихий мактаби.

Америка мактаби. Математик мактаб.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков А.А. тахрири остида. 1997 йил 8,9 боб.
Иктисодий таълимотлар тарихи. С.Гуломов тахрири остида. 1992 йил.
Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей -экономистов до Маркса. М. 1985 г.
Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М. 1996 г. гл.15, 20.

- саволга жавоб.

Биз, энди урганадиган давр саноат революция ва ундан кейинги 2 ун йилликдаги даврдир. Бу давр иктисодиетда бошка замоннинг, машиналашган ишлаб чикаришнинг тугилиши эди. назарияда, Смит китоби чикиб, фан системалашган эди, аммо Рикардо асарини укимаган еки билмас эдилар. Бу даврда ижод килган иктисодчиларнинг купчилиги Рикардо билан замондош эди. Замон узгараетганлигини хис килаетган олимлар, фанни камчиликларини куриб уни такомиллаштириш йулида иш олиб бордилар. Биров буни тушуниб, бошка биров эса янги фан яратаяпман деб уйлаб, аслида иктисодиет назариясига уз хиссаларини кушганлар. Биз урганадиган мактабларни эски адабиетларда вулгар баржуа сиесий иктисод, яъни сохталаштирилган сиесий иктисод дейилади. Биз эса бу нукта назардан ендашмаймиз ва урганмаймиз.

Жан Батист Сей (1767 - 1832) француз, Лион шахрида гугенотлар оиласида тугилган. Уз замонаси нуктаи назаридан яхши маълумот олди, аммо жуда еш савдо канторасига ишга киради, уз устида куп ишлайди, Смитнинг «халклар бойлиги»ни жуда яхши урганади.
Революцияни яхши кутиб олади, хатто валонтер булиб, революция армиясига хизмат килади. Аммо якобинчилар диктатураси бошлангач, армияни ташлайди ва Парижга келиб журналга редакторлик килади. 1803 йилда «Сиесий иктисод трактати, еки бойликни вужудга келиши, таксимлаш ва истеъмол килиш натижасида йулларни оддий изохлаш» асарини езди. Сейнинг бу «трактати» А.Смитнинг фикрларини мураккаб абстракциядан холи килинган, соддалаштирилган ва схемалаштирилган асар эди. Унда капиталнинг елланма ишчини эксплуатация гояси йук эди.
Унинг урнига ишлаб чикариш омиллари келди. Сей иктисодий либерализм тарафдори эди, у давлатни «арзонлаштириш», давлатнинг экономикага аралашувини минимумга келтиришни талаб килар эди.
Кейинчалик, Сей жуда хам машхур булган сиесий иктисоднинг лекциялар курсини ташкил этди. у мураккаб тушунчаларни оддий, буржуйларга тушунарли шаклида, содда килиб тушунтириб берар, иктисодий гояларни

оммалаштирар эди. 1828 - 1829 йилларда у «Сиесий иктисоднинг тулик курси» ни нашр этди, бу асарга янги нарса бермаган булса хам, у машхур эди. У учун коллеж де Франсда махсус сиесий иктисод кафедраси очилди.
Сей А.Смитни шахрловчи сифатида машхур. У сиесий иктисодни тор маънода тушунган: «бойликнинг асл табиати тугрисидаги билимлар» деган. У сиесий иктисодни тор, утилитар характерда, яъни фойда олиш, манфаат куриш, тадбиркорлик фаолиятини рентабеллиги тугрисида гамхурлик килиш, деб изохлайди. У кийматнинг асоси, манбаи кераклик, еки истеъмол киймат дейди. У товар киймати ишлаб чикариш харажатлари – капитал, ер ва мехнат дейди, бу харажатлар талаб ва таклиф билан белгиланади.
Сей буйича ишлаб чикариш 3 омилига мос, даромад 3 га таксимланади: мехнат иш хакини яратади, капитал фоизни, ер эса ер рентасини дейди. Тадбиркор оладиган фойдани у 2 кисмга булади: тадбиркор оладиган даромад (ишлаб чикариш омилларини рационал кушганлиги учун оладиган хаки) ва фоизни (капитал эгаси булгани учун).
Жами талаб  жами таклифга тенг. Кисман мутаносибсизлик булиши мумкин, бу эса умумий кризиссиз тузалиб кетади, дейди.
«Сей  конуни» - бахо абсолют мослашувчанлик ва хужаликда коньюктура узгаришига дархол жавоб бера олади. Товар ишлаб чикаришда вужудга келган мутаносибсизликни бахонинг узи тузатади.
Сей мактабининг маркази XIX аср охиригача Коллеж де Франснинг сиесий иктисод кафедраси булиб  колди. Унинг вакиллари : Мишель Шевалье, Жером Адольф Бланки (у биринчи булиб иктисодий таълимотлар тарихи буйича узининг машхур асари – «Европада сиесий иктисод тарихи» ни 1839 йил езган), Шарль Дюнуайе ва бошкалар.

2-саволга жавоб.

Томас Роберт Мальтус (1766 - 1834) инглиз, дворян оиласида тугилган. 1788 йил Кембридж университетини битиргач, кишлок рухонийси сифатида ишлай бошлайди, илохиёт фанидан илмий даражага эга булди. 1807 йилдан бошлаб «Ост - Индия» компанияси коллежида сиесий иктисод профессори лавозимида лекциялар укиди. У Давид Рикардонинг 25 йиллик уртоги, оппоненти булган.
Унинг асосий асарлари : Ахоли нуфуси конуни тугрисидаги тажриба (1798 й), «Ер рентасининг табиати ва усиши тугрисидаги тажриба» (1815), « Сиесий иктисоднинг бошланиши». У уз асарларида ер эгаларини химоя килган, ишчилар ахволининг огирлигини, бу ахволга уларнинг гунохи йуклигини айтади.
Аммо, Мальтусни машхур килган нарса  нуфус конунидир. У ахоли геометрик прогрессия билан, озик - овкат етиштириш эса арифметик прогресия билан усиши мумкин. Окибатда ахоли  шунчалик купаядики, ахолини бокиб булмай колади, окибатда очарчилик, киргин бошланади,

дейди. Бу гояни у узининг асарида умрининг охиригача муаммони хал килиш учун таклифлар бериш билан такомиллаштиради. Унинг асари 1798, 1806, 1807, 1817 ва 1826 йилда чикади, охирги нашр биринчисидан хажм жихатдан 10 марта катта эди. Унинг таклифлари: ахлокий тарбия, кеч уйланиш, абортга рухсат бериш (рухоний була туриб шу таклифни беради), оилани бока олиш курбига караб режалаштириш.

Кейинги йилларда социалистик гоялар ривожлангач, Мальтус назарияси эсдан чикарила бошланди. Аммо 20 асрнинг урталарида демографик портлаш бошлангач, уни яна эсга олишди. Умуман, прогрессиялари нотугри булса хам , бу муаммо (асосан учинчи дуне учун) актуал эканлигини хает курсатди.

Мальтус урушларнинг сабабларидан бири озик - овкат ва ернинг етишмаслиги, деб айтган. Ахоли ортикчалиги исенга катнашувчи оломонни етказиб берувчи мухит дейди. Бошка томондан, ахоли ортикчалиги арзон ишчи кучи бозори дейди. Мальтус биринчи булиб иктисодий назарияда реализация муаммосини куяди ва А.Смит текинхурлар деб бахолаган ер эгалари, харбийлар, рухонийларни химоя килиб, ортикча ишлаб чикришни олдини олувчи ортикча махсулотни истеъмол килувчилар деб химоя килиб чикади.

3-саволга жавоб.

19 асрнинг урталарида иккита буюк давлат (Франция ва Англия) га учинчиси – Германияга келиб кушилди.

XVIII аср хамда XIX асрнинг 1 чи ярмида хали Германия иктисодий тараккиетда узининг буюк кушниларидан анча оркада эди, шунинг учун иктисодий таълимот деярли йук эди. Факат, камералистика - урта аср университетларида вужудга келган бутун ижтимоий фанларни давлат чиновнигига амалиет учун керак буладиган даражада изхор килиш методи эди. Асосий иктисодий доктрина – меркантилизм эди.

1834 йил герман давлатларининг иктисодий бирлашмаси «бож иттифоки» вужудга келди, шундан кейин, Германияда капитализм ривожлана бошланди. Янги замонлар бошланди, бу замонга мос иктисодий гоялар керак эди. Бу шароитда Фридрих Лист пайдо булди. Лист немис буржуазиясини миллий бирлашуви ва саноатни ривожлантиришдаги интилишларни ифодачиси булди.

Фридрих Лист (1789 - 1846) немис, жанубий Германияда узига тук хунарманд оиласида тугилди. 15 ешигача маълумот олади, кейин 2 йил отасининг устахонасида ишлайди. У шогирдлар орасида хаёлпараст ва дангаса деб ном чикарди. Унинг оиласи Листни укишга беришга карор килади. Укишдан кейин, Лист 10 йил турли давлат мансабларида ишлайди.

1817 йил Тюбинген университетида «давлатни бошкариш тажрибаси» профессори булади. 1819 йил савдо - саноат иттифокини тузади, иттифокнинг асосий вазифаси – бутун Германиянинг иктисодий бирлиги учун кураш эди.

30 ёшида университетдан кетади ва Вюртемберг парламентига сайланади. У демократик реформалар кенг программасини ишлаб чикади, бу реформа хаддан ташкари радикал эди, давлатнинг асосини бузмокчи деб, 10 ой камок эълон киладилар. Лист чет элга ( олдин 2 йил) кетади, кайтиб келиб камалади. 1825 йил Америкага кетади, олдин фермер, кейин саноатчи булади. У АКШ хукумати учун иктисодий программани ишлаб чикади.
1832 йил Лейпицга АКШнинг консули булиб келади ва 5 йил ишлайди, биринчилардан темир йул куриш ишига катнашди. Кейин 3 йил Парижда яшади. Бу ерда узининг иктисодий асарини езди. 1840 йил Германияга (Аугсбург) кайтади ва узининг шовинистик асарларини езади. Оилани бокишда кийналгани, хаетдан чарчаганлиги учун 1846 йил узини улдиради.
Асосий асари: «Сиесий иктисоднинг миллий системаси» ( 1841) китобнинг асосий гояси – Германиянинг тараккиети ва бирлашувига саноатни ривожлантириш йули билан эришилади, герман саноатини эса чет эл ракобатидан юкори бож соликлари оркали химоя килиш керак.
Лист классик сиёсий иктисодни (Адам Смитни) танкид килиб чикади. У уз эътиборини иктисодий сиесат, 1 чи навбатда ташки савдо сиесати масалаларига каратган. Лист Адам Смит сиесий иктисодини космополит система, айрим мамлакатларнинг хужалик ривожланишининг миллий узига хос хусусиятларини курмайди, дейди.
Лист ташки савдо ривожланишининг 3 боскичини ажратади:
эркин савдо шароитида миллатлар варварлик холатидан чикиб дехкончиликни ривожлантирадилар (Испания, Португалия шу даражада дейди).
Хар хил савдо чеклашлар билан саноатни ва ташки савдони ривожлантирадилар (АКШ, Германия, Франция)
Бойлик ва кудратнинг маълум даражасига етгач, секин эркин савдо ва ракобатга утадилар (бу даражага факат Англия эришган), дейди.

Лист кишлок хужалик миллатнинг бир кули, саноат 2 чи кули дейди.
Жахон республикаси тараккиет даражаси бир - бирига якин булган такдирда булиши мумкин, акс холда илгор миллат, колок миллатни эксплуатация килади. Халкларнинг жахон федерацияси булишда, мустамлакачилик сиесатнинг роли катта дейди.
Лист ишлаб чикарувчи кучлар тушунчасини ( узича маъно берган булса хам) киритди, 1 чи булиб, бойлик факат моддий нарсалар билан чекланиб колмаслигини кура билган. Капитал бир томондан капиталистик табиатга эга, 2 томондан миллатчилик табиатга эга. Классиклар 1 чи тенденцияга катта эътибор берган булсалар, Лист иккинчисини ифодаловчи булиб чиккан.
Лист инсоният тараккиетини куйидаги боскичларга булган :
Ибтидоий ёввоийлик;
чорвадорлик;
дехкончилик;
дехкончилик - мануфактура;
дехкончилик - мануфактура - тижорат.

Листнинг буюк фикрларидан бири: хар кандай иктисодий карорни тор маънодаги самарадорлик (рентабеллик) нуктаи назаридан эмас, балки узок муддатли ва бевосита окибатлар нуктаи назаридан хам караш керак. (Масалан, бирор корхона куриш, еки тармокни ривожлантирмок учун).

4 - саволга жавоб.

Миллий рух, миллий хулк - атвор, миллий такдир - бу ва шунга ухшаш тушунчалар XVIII асрнинг охири ва XIX аср Германиясининг бутун ижтимоий фикрларини камраб олган эди. Энг миллий нима? Деган саволга албатта тарих, деб жавоб бериш мумкин.

Сиесий иктисоднинг тарихий мактабига Листнинг таъсири жуда кучли эди:

тарихчилар Лист сингари сиесий иктисодга миллий хужалик тугрисидаги фан булиб, бунда давлатнинг хал килувчи роли бор, деб хисоблайдилар;

улар классик мактабга карши, унинг космополитизм ва назариядаги абстракциясига карши эдилар;

мамлакат иктисодий ривожланишининг боскичлари концепциясини оладилар.

Тарихчилар фаннинг ривожланишида (1 чи навбатда Германия ва АКШда) катта роль уйнаган сиесий иктисодда тарихий методни яратдилар. Классик мактабда тарихийлик йук эди. Тарихчилар эса жамиятнинг иктисодий ривожланишига эволюцион жараен деб карайдилар. Тарихчилар иктисодий фан марказига тор маънодаги «шахсий эгоизм» ни эмас, балки мураккаб психика ва ахлокка эга булган, миллий ва тарихий узига хосликка эга булган инсонни куядилар.

Тарихий мактабнинг 3 буюк вакили бор:

Вильгельм Рошер (1817 - 1894) узок умри давомида куплаб китоблар езган, 50 йил Лейпциг университетида профессорлик килган, уз замонасининг обрули (хукумат ва олимлар орасида) киши. Асосий иктисодий асари: «Тарихий метод нуктаи назарида сиесий иктисод очерки».(1843).

Бруно Гильдебранд (1812 - 1878) у реакцион Гессен хукуматидан кочиб Швецарияда яшаган. Цюрих ва Берн университетларида дарс берган. У биринчи булиб Швецарияда статистика хизматини ташкил этган. 1861 йил Германияга кайтиб келади ва умрининг охиригача Иен шахри университетида профессорлик килади. Асосий иктисодий асари: - «Хозирги даврнинг ва келажакнинг миллий иктисоди» (1848).

Гильдебранд хужалик ривожланиш тарихини 3 даврга булади :

а) табиий хужалик (натурал хужалик);

б) пул хужалиги;

в) кредит хужалиги.

Карл Книс (1821 - 1898) 30 йилдан куп Гейдельбергда профессорлик килган. Тарихий мактабга оид асосий асари – «Сиесий иктисод тарихий метод нуктаи назаридан» (1853). Кейинчалик (70 йилларда) Шмоллер билан янги тарихий мактабни яратди.

Тарихчилар конкрет иктисодий изланишларда катта ишлар килдилар. Улар уз асарларига куплаб тарихий ва статистик материаллар киритдилар. Улар социалистик таълимотга карши эдилар. Тарихий мактаб карашлари Герман давлатининг узига хос илмий йуналиши эди, марксизмнинг душмани эди.
Ушбу мактабнинг «тарихий» усулига хос хусусиятларни В.Рошер куйидагича белгилайди:
Халклар иктисодий масала деганда нимани тушунади? Улар иктисодий сохада нималарга эришганлигини амалда курсатиш;
Факат замонавий иктисодий муносабатларни кузатиш билан чекланмаслик;
Барча халкларга хос иктисодий ходиса ва харакатларни таккослаб танкид килиш. Бу сохада айникса кадимги халкларга эътибор бериш;
Иктисодий муассасаларни мактамаслик ва хакорат килмаслик, чунки уларни айримларигина барча халклар учун фойдали еки зарарлидир.

5-саволга жавоб.

Купгина иктисодий ходиса ва жараёнлар уз табиатига кура микдорий характерга эга. Одатда иктисодий курсаткичлар орасида микдорий богланиш мавжуд. Бу богланишни математик тарзда боглаш мумкин.

18 асрдаек иктисодий жараенларда математикани куллаш кераклилиги тушунилди. Аммо факат 19 асрда кулаш бошланди, биринчи булиб француз олими Курно математик услубларни муттасил равишда куллай бошлади.

Антуан Огюстен Курно (1801 - 1877) Шаркий Франциянинг Гренобль шахрида, анчагина бой майда буржуа оиласида тугилди, яхши маълумот олди. 1823 - 33 йилларда Маршал Сен - Сир оиласида унинг фарзандига тарбиячи ва маршалл котиби булиб хизмат килди, бир канча маколалар езди. У 1829 йилда Париж университетида математикадан докторлик унвонини олди. Лионда оддий математика профессори, Гренобль университети ректори булиб ишлади, кейин олий мактаблар бош инспектори булди.

Асосий иктисодий асари: «Бойлик назариясинин математик принципларини тадкикоти» (1838). У уз асарида биринчи булиб математик усулларни иктисодиетга куллади (масалан, талаб функцияси, таклиф эластиклиги ва бошкалар). Аммо уни замондошлари на математиклар (иктисодий муаммолар ёритилганлиги учун), на иктисодчилар (мураккаб математика тили кулланилганлиги учун) тушуна олмадилар.

Курно билан бир вактда немис олими Иоганн Генрих фон Тюнен (1783 - 1850) бошка иктисодий модель яратди. У шимолий Германияда юнкер сифатида кишлок хужалиги билан шугулланган ва иктисодй моделни таклиф этган. Унинг модели буйича хужалик доира шаклида булиб, марказда

шахар, унинг атрофида епик худуд. У корхоналар ва хужаликларни оптимал жойлаштириш, юк ташишнинг оптимал вариантларини хисоблаб чикди. У маржинализмга жуда якинлашиб колган.

XIX асрнинг 40 - 50 йилларида француз, хамда халкаро буржуазияси орасида Фредерик Бастиа (1801 - 1850) нинг номи ва унинг иктисодий карашлари кенг оммалашди.

Бастиа 1845 йил «Кобден ва лига» китобини езади (Кобден Англияда эркин савдони жорий килиш буйича лидер эди, Францияда Бастиа булган). 1848 йил таъсис мажлисига депутат булган, 1849 йил конун чикарувчи мажлис аъзоси.

Унинг 2 та асосий асари бор: Иктисодий софизм (1848 й.) ва Иктисодий уйгунлик (1850 й.).

У эркин савдони химоя килиб, протенционизмни инкор этувчи, вино ишлаб чикарувчилар манфаатини химоя килувчи, социалистик гояларга карши булган гояларни таргиб килган. У фанда партиявийликка карши чиккан: «Партиявийлик атмосфераси фанни улдиради» деб езган.

У «Манфаатлар уйгунлиги» назариясини асослаган. Социал вазифаларни озодлик, эркинлик бериш йули билан хал килинади. Капиталистик ишлаб чикариш «гармониялар» подшолиги, озодлик хукмронлиги, хизматга хизмат принципини реализацияси, деб карайди. Давлат факат «тартиб, хавфсизлик ва адолатни таъминлаши керак» дейди.

Бастиа фикрларига кулок солинг: «Хеч каерда курмаган, хеч качон ва хеч каерда эшитмаган, хатто тасаввур килиб булмайдигани – давлат жамиятга олганидан купрогини кайтариб берса».

«Жамиятнинг 2 умиди, хукуматнинг икки ваъдаси бор: куп неъмату хеч кандай солик, хамма революцияларнинг сабаби шу эмасми?»

«Очлик ёмон маслахатчи».

Энди АКШга келсак, 1775 - 85 йиллардаги мустакиллик учун курашда галаба козонгач, энг замонавий конституция кабул килингач, протестантлар ахлокига таяниб иктисодиет жадал суръатлар билан уса бошлади.

Агар 1800 йилда АКШда 5,3 млн. ахоли яшаган булса, 1900 йилда 76 млн. киши яшайдиган булди, бу Гарбий Европадаги хар кандай давлатдан ахоли сони куп эди. АКШ хам буюк давлатлар каторига кушилди. Бу даврда Кэри ижод килди.

Генри Чарльз Кэри (1793 - 1879) йирик ноширни угли булган, коммерция сохасида катта ютукка эришди. Бойиб олгач, йирик фабрикантга айланди ва иктисодий тадкикотларга киришди. Унинг асарлари «Сиесий иктисод принциплари» (1837 - 40) ва «ижтимоий фанларнинг асослари» (1857-59), «Манфаатлар уйгунлиги» (1872).

Унинг гоялари куп жихатдан Бастия фикрларини такрорлайди.
Рикардо назариясини умумий душманлик назарияси дейди. Синфлар уртасида уйугнлик назариясини яратди. У давлатлар уртасида эркин савдо, Англия билан эса протенционизм тарафдори булган.

Унинг Бастиадан фарки АКШ да  куллик булганлиги учун кулликни хамда Аглияга нисбатан протенционизм зарур булганлиги учун, уни еклаган. Хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, Кэри фанга деярли янги гап айтган эмас, АКШ эса хали иктисодий фанларнинг марказларидан бирига айланган эмас эди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ж.Б.Сейнинг хизмати нимада?
2. Сей конуни нимани ифодалайди?
3. Демография фанида кайси олимнинг хизмати катта?
4. Тарихий усулнинг мохияти нимада?
5. Иктисодиетда миллийлик деганда нимани тушунасиз?

Мавзу буйича таянч иборалар.

«Сей  конуни» - бахо абсолют мослашувчанлик ва хужаликда коньюктура узгаришига дархол жавоб бера олади. Товар ишлаб чикаришда вужудга келган мутаносибсизликни бахонинг узи тузатади.

Камералистика - урта аср университетларида вужудга келган бутун ижтимоий фанларни давлат чиновнигига амалиет учун керак буладиган даражада изхор килиш методи эди. Асосий иктисодий доктрина – меркантилизм эди.

«Манфаатлар уйгунлиги» назариясини асослаган. Социал вазифаларни озодлик, эркинлик бериш йули билан хал килинади. Капиталистик ишлаб чикариш «гармониялар» подшолиги, озодлик хукмронлиги, хизматга хизмат принципини реализацияси, деб карайди. Давлат факат «тартиб, хавфсизлик ва адолатни таъминлаши керак» дейди.

Тарихий мактаб - тарихчилар жамиятнинг иктисодий ривожланишига эволюцион жараен деб карайдилар. Тарихчилар иктисодий фан марказига тор маънодаги «шахсий эгоизм» ни эмас, балки мураккаб психика ва ахлокка эга булган, миллий ва тарихий узига хосликка эга булган инсонни куядилар.

Демография – ахолининг харакати (усиш, тугилиш, улиш, кучиш) тугрисидаги фандир.

## 6-мавзу

# ГАРБИЙ ЕВРОПА ХАЕЛИЙ СОЦИАЛИСТЛАРИНИНГ ИКТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ. ( 2 соат ).

РЕЖА:

1. Кадимги дунё ва урта асрлардаги хаёлий гоялар.
2. Франция утопистлари.
3. Инглиз социалистлари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков тахрири остида. 1997 йил. 10 боб.
2. Иктисодий таълимотлар тарихи. С.Гуломов тахрири остида. Т. 1992 йил.
3.Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей – экономистов до Маркса. М. 1995 г.
4.Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. Гл. 17.

саволга жавоб.

Утопия – хеч каер деган маънони билдиради. Бу мавзуда биз иктисодий фикрлардан четлашиб утопик, яъни хаелий фикрларнинг тарихини алохида куриб утамиз. Чунки бу хаелий фикрлар иктисодий фикрларни ривожланишига туртки булиб келган. Иктисодий фикрлар билан хаелий фикрлар уртасидаги асосий фарк куйидагича:
иктисодий фикр натижаларни амалда куллаш учун хаетни урганиш максадига эга;
утопик фикр эса тугридан тугри амалиетни максад килиб куяди, дунени урганиш боскичини утилган еки кераксиз деб хисоблайди. Одатда, хар бир кейинги утопик проектни автори амалиет учун зарур булган хамма нарсани урганган деб узини хисоблайди.

Иктисодий гоя иктисодий хаетнинг бир киррасига багишланса, утопик гоя нафакат иктисодий, балки хаетнинг бошка томонларини хам камраб олади. Хамма замонларда жабр - зулм ва эксплуатацияни йукотиш тугрисида орзу - умидлар булган. Инсонлар янгича хает, бошкарув хусусиятлари, мул – кулчилик, адолатни орзу килиб, фикр билдирганлар. «Олтин аср», жаннат гоялари кадимдан маълум булган. Динларни келиб чикишда бу орзулар хам уз хиссасини кушган. Масалан, яхудийларнинг апокалиптикаси (грекча уз

фикрини изохлаб бериш). Апокалиплис, яъни дуне охири, марксча- ленинча коммунизмга ухшаб кетадиган тарзда изохланган. Ёки грекларни олсак, улардан Платон хам, Аристотель хам мана шундай адолатни жамият тугрисидаги орзуларини баен килиб асарлар езганлар.

Урта аср Христиан дунесида хам коммунистик гоялар ва уларни хаетга тадбик этишга интилишлар доим булган: Катарлар (Болгарияда), «Эркин рух углонлари» ( Францияда), Ленлордлар ( Англияда), Тоборчилар ( Чехияда) ва бошкалар.

Утопик моделларни 2 гурухга ажратиш мумкин:

а) узок келажакда, кандайдир, маънавий - тарихий жараёнлар натижасида амалга ошадиган моделлар. Уларни Хилиастик ( хилиас - грекча суз, минг деган, яъни минг йиллик подшолик маъносида) моделлар дейиш мумкин;

б) бу моделларни амалга оширишни тарихий жараён билан богламайдилар. Уларнинг авторлари фикрича бундай моделни хаётга ошириш учун оддий, амалга ошириш осон булган принципларга риоя килиб, хохловчи подшо еки жамоа булса эртага хам амалга ошириш мумкин. Бу моделларни сиесий моделлар деб аташ мумкин.

Энди айрим утопистларни куриб утамиз.

Томас Мор (1478 - 1532) инглиз, сиесатчи, юрист. Оксфорд университетини тугатган. 1529 - 32 йилларда Лорд – Канцлер булиб ишлаган. Кирол черков бошлиги эканлиги тугрисида касамед килмагалиги учун катл килинган. У узининг «Утопия» номли асари билан машхур. Бу асарда Матрос Морга денгизлар ортидаги, кандайдир шахар тугрисида хикоя килади.

У олдин Англиядаги хаетни тахлил килади. Хусусий мулкчиликни хаддан ортик булган эксплуатация, аристократларнинг текинхурлиги, ишсизлик, давлатни танкид килади ва узининг хаелий идеал давлатини яратади. Бунда хусусий мулкчилик йук, кишлок, феодаллар йук, оила жамиятининг ячейкаси хисобланади. Ишлаб чикариш хунарманд техникасига асосланади. Бунда пул йук. Умумий овкатланиш мавжуд. Эркак билан аел тенг хукукли. Хамманинг хукуки ва мажбурияти тенг. Унда кам микдорда эркинлик (сайлаш, фикрлар) бор.

Урта аср Осиёсини тахлил килсак, унда хам хилма - хил утопиялар мавжуд булган. Мисол, Алишер Навоийнинг «Хамса» сида утопистик гоялар ( адолатли шох, яъни Искандар, тогни талкон килиб янги жамият курувчи, еки асосий муаммони хал килувчи кахрамон, яъни Фарход кабилар) мавжуд.

Томмазо Кампонелла (1568 - 1639) италиялик, доминиканчи рухоний. У 1611 йилда «Куеш шахри» китобини езган. Унинг утопияси Платонникига якин. Куеш шахри – теократик давлат. Унда бир китоб - дарслик бор, хамма нарса жамоа мулки (хатто болалар, хотинлар хам).

Компонелланинг коммунистик утопиясини иезуитлар Парагвайда (1638 - 1773) гуарани кабиласида эксперимент килишган. Худди китобдагидек, факат оила колган. Аммо умумий хазинадан угрилаш охир – окибат уни

хонавайрон килди. Иезуитлар ордени тугатилиши билан бу коммунизм уз - узидан йук булиб кетди.

- саволга жавоб.

Ун туккизинчи асрнинг хаелий социализми иктисодий таълимотлар тарихида катта бир даврни ташкил этади. Уларнинг илдизи саноат революцияси, капитализмнинг ривожланиши ва француз революцияси (1789 - 1794) хамда унинг социал иктисодий окибатларига бориб такалади. Уларнинг гоялари хар хил булса хам, уларнинг фикри капитални мехнатни хаддан ортик эксплуатациясига каратилган эди. Утопистларнинг энг буюклари Сен - Симон, Фурье ва Оуэн эди.
Анри Сен - Симон (1760 - 1825) француз, аристократлар оиласида дунега келиб, уйда яхши маълумот олади. 13 ешида худога ишонмаслигини эълон килади. Армияда офицер булиб 3 йил хизмат килади (Америкада француз экспедициясида булган).
Америкадан кахрамон сифатида кайтиб келади. 1789 йил революциясини яхши кутиб олади, графликдан, уз бойлигидан воз кечади. Аммо тирикчиликка кийналиб колгач, узини ер спекуляцияга уради. 1791 йилдан 1794 йтлгача ер спекуляциясидан жуда бой булиб кетади. Термидорлар тунтариши бор бойлигини тортиб олади ва камайди. 1796 йил озодликка чикиб яна спекукляция билан шугулланади. Немис дипломати Редерн билан спекуляция билан шугулланиб 4 млн. франк бойлик йигадилар, аммо операциялар Редерн номидан амалга оширилаетган эди, шунинг учун Родерн бойликни узига олиб колади. У Родернни судга бериб бутун бойликни олишга харакат килади. Сен - Симонга бор-йуги 150 минг франк тегади, колгани унга тегади.
Сен - Симон шу бойликка каноат килиб бор кучи ва энергиясини фанларни урганишга багишлайди. 1805 йил бор пулини совуриб булади. Кейинги 20 йил кашшокликда, аммо илмий изланишда утади.
Асарлари: «Женеваликнинг замондошларига хатлари» (1803), «XIX асрнинг илмий ишларига кириш» (1808), «Индустриял катехезиси» (1823), «Янги христианлик» (1825).
Сен - Симон француз революциясини 3 синфнинг (дворян, буржуа, пролетариат) кураши деб тугри бахо берди.
У жамиятнинг узгаришига фаннинг катта роль уйнашини куриб билди.
«Инсониятнинг олтин асри оркада эмас, олдинда» дейди Сен -Симон. У мехнатни 2 турини ажратган:
- кишининг табиатга, нарсага таъсири (энг фойдали мехнат);
- кишининг кишига таъсири (кисман фойдали, чунки у билвосита, табиатга таъсирни яхшилаши мумкин). Масалан, укитувчи….
У келажакда буладиган илмий саноат системасини асослаб беради, унда фан, олимлар катта роль уйнайди, уруш булмайди, тинчлик ижтимоий тузумнинг асоси булади., унда халк хужалигини ташкил этиш планли булади, мехнат умумий, хамма учун мажбурий булади, бойлар мия билан ишлайди,

камбагаллар кул билан ишлайди. Бой мия билан ишлай олмаса, камбагаллашади ва кул билан ишлайди. Сен-Симон янги тузумга секин - аста утиб борилади дейди, революцион куч ишлатишга карши чикади.
Сен Симон жамиятида хусусий мулк сакланиб колади, аммо унинг устидан контроль урнатилади.

Шарль Фурье (1772 - 1837) француз, унинг отаси савдогар булиб, Шарль 9 ешда булганда оламдан утган. У иезуитлар мактабида таълим олади. У иктисодчилар (инглиз, француз) асарларини деярли укимаган, уларни курук апологетика деб хисоблаган.
18 ешидан Лион шахрида ота касбини бошлашга мажбур булади (узи хохламаган холда). 1793 йил кандайдир сабаблар билан контреволюционерларга кушилиб колади. Кейин камалади, бор бойлигидан ажралади. Кейин яна савдога иша киради. (коммивояжер, яъни вакил, кейин маклер) – 1811 йил давлатга ишга утади, онасининг васиятига асосан пенсия ола бошлайди, колган умрини китоб езишга багишлайди.
Асарлари – «Умумий гармония» (1803), «Янги хужалик ва социентар дуне»(1829), «4 харакат ва умумий такдирлар назарияси» (1808).
Инсоният тарихи ва келажакни Фурье куйидаги даврларга булади:

Ишлаб чикариш фаолиятидан олдин булган даврлар:
1) ибтидоий (Эдем, яъни жаннат)
2) ёввойилик (ёки фаолиятсизлик)

Булинган, алдовчи, итарувчи ишлаб чикариш:
3) Патриархат, майда ишлаб чикариш
4) варварлик, урта ишлаб чикариш
5) цивилизация, йирик ишлаб чикариш (кулдорлик, феодализм, капитализм)

Социентар, хакконий ёкимли ишлб чикариш:
6) гарантизим, ярим ассоциациялар
7) социантизм, оддий ассоциациялар
8) гармонизм, мураккаб ассоциациялар.

Фурье эркин конкуренция монополистик ракобатга усиб утишини олдиндан кура билган. У савдо ва пул капиталини энг паразит капитал деб бахо берган. У цивилизациядаги пулга сигинишни коралайди, пулни дуне тирани деб бахо беради.

Фурьенинг фалангаси бу ишлаб чикариш – истеъмол шерикчилиги булиб, акционер жамият билан коммуна йигиндиси деса булади, яъни унда хусусий мулк (акция шаклида) сакланиб колади.

Фурье «тоза» ижтимоий тузум йук, хар бир даврда эскининг саркитлари, янги тузумнинг куртаклари бор дейди.

Фурьенинг жисмоний ва аклий мехнат уртасидаги зиддиятни йукотиш, истеъмолни рационаллаштириш, ижтимоий хизматлар сохасини кенгайтириш, аёлларни уй мехнатидан озод килиш, мехнат тарбияси каби фикрлари уз ахамиятини хозир хам саклаб колмокда.

3 - саволга жавоб.

Роберт Оуэн (1771 - 1858) инглиз, уэльслик, майда савдогар оиласида тугилди. У мактабда жуда кам укийди, 9 ёшида магазинда ишлашга мажбур булади (Лондон, Манчестрда). У акасидан карз олиб, уни тукув корхонасига, кейин, тукимачилик фабрикасига айлантиради. 1799 йил Глазго якинидаги Нью - Лапарк паселкасидаги тукимачилик фабрикаси эгасининг кизига уйланади ва бир неча фабрикага бошкарувчи булади.

У <u>социал эксперимент</u> утказишга жазм килади. У елланма куллик ва ишчиларни эзиш самарали ишлаб чикариш ва юкори рентабеллик учун шарт эмас эканлигини исбот килишга уринади ва исбот килади.

У 1820 йиллардан умрини охиригача давлатни кайта куриш прожекторлари билан Англия хукуматлари, Америка президентлари, Париж банкирлари, хатто рус подшоси Александр I ни безор килади.

1825 йил Америкага кетади, ер сотиб олиб, унда «Янги гармония» номи билан уз жамоасини тузади, бу жамоа оддий тенгчилик, коммунистик принципига асосланган эди.1829 йил бутун бойлигини совуриб Англияга кайтиб келади. 1832 йил кооператив биржа ташкил этади. (мехнат махсулотларини адолатли алмашув учун), киска пайт утгач банкрот булади.

Оуэн профсоюз харакатини тузувчилардан (1833 – 34 йилларда) хисобланади. Шундан кейин, умрини охиригача ижтимоий хаетдан узокда, тинч хаёт кечиради.

<u>Асасий асарлари</u>: «Жамиятга янгича караш, ёки киши характерини ташкил этиш принциплари тугрисида тажриба» (1813 йил), «Ижтимоий фалокатларни енгиллаштириш плани тугрисида Лопарк графигига доклад (1821 йил).

<u>Оуэн 1 чи булиб</u>, классик мактаб принципларидан антикапиталистик хулосалар килади. У практик булиб уз гояларини хаётга киритишга интилган. Унинг фикрича, капитализм табиат, инсоният конунларига карши урнатилган тузум. Унда умумий характерга эга булган ижтимоий зиддиятлар бор. Оуэн хусусий мулкни бутун жиноятлар, кабихликлар, урушлар, талашларнинг бош сабабчиси деб билган. У Сен-Симон, Фурьелар сингари эски тузумни революция йули билан куч ишлатиб бузишга карши булган. У акл билан, ташвикот билан, сиесий курашсиз, куч ишлатмасдан тинч йул билан янги тузумни куриш мумкин, деб хисоблайди.

Рикардодан фаркли уларок, у капитализмда алмашув мехнат асосида булмайди дейди. У янги жамиятда пул урнига «ишчи пуллар» кийматнинг мехнат бирлигини жорий килишни таклиф килади.

Маркс ва Энгельс <u>Оуэн утопиясини</u> бошкалардан ажратиб, комунистик деб бахо берадилар. Оуэннинг утопиясида дин ва мистика йук эди, майда

буржуаларнинг иллюзиясидан хам (француз социалистларида булганидек) холи эди.
У 1 чи булиб эхтиежга караб таксимлаш тушунчасини киритади. Унинг «жамияти» хакикий тинчлик подшолиги булиб, кишилар факат ёш ва тажриба жихатдан бир - биридан фарк килади.

Напалеон урушидан кейин Англиядаги иктисодий кийинчиликлар, биринчи касаба уюшмалари, рикардочиликнинг мустахкам урин олиши, Оуэннинг ташвикотлари ишчилар синфи манфаатини кузлаб чикувчилар (Томпсон, Грей, Брей…) учун гоявий ва социал иктисодий асос булади.

Уильям Томпсон (1785 - 1833) ирландиялик, иктисодчи, катта ер эгаси. Оуэн гояларининг тарафдори, Рикардо назарияларидан социалистик хулосалар килган. Томпсон утилитар принципига катта эътибор берган. Сиесий иктисод утилитар «фойда» принципини асосида тузилиши керак дейди. Энг асосий муаммо бойликни тугри таксимлаш муаммоси деб хисоблаган.
У ишчи ва капиталистларнинг манфаати антагонистик характерда эканини яккол тушунтириб беради. У иктисодчиларнинг фикри бойликни туплашга эмас, ишлаб чикарувчи кучлар ( шу жумладан ишчилар) ни ривожлантиришга каратилиши керак. У жонли мехнатни буюмлаштирилган мехнатдан устун куйган 1 чи булиб кушимча киймат терминини киритган.

Джон Грей (1798 - 1850) инглиз, иктисодчи, Оуэн гаяларининг давомчиларидан. «Ишчи пуллари» назариясини исботлашга уринган. Оуэн билан ишчи харакатига катнашган.
У алмашув ижтимоий хаетнинг асоси, хамма ёмонликлар шу билан боглик дейди. Кашшоклик табиатнинг эмас, балки капитализмнинг конунидир, дейди. Фойда, фоиз, рентани мехнатсиз даромад дейди. Грей хусусий капитални миллий капиталга айлантириш тарафдори. Ерни «миллий мулкка» айлантиришни таклиф этади. Унинг фикрича бутун жамият ассоциациялардан иборат, ижтимоий мулкчиликка таянади ва планли хужаликдир, аммо хусусий мулк колади.
1848 йил революциясига душманларча муносабатда булган, умрининг охирида эса буржуа реформатори сифатида чиккан.

Джон Френсис Брей (1809 - 1895) инглиз экономисти, Оуэн таълимотининг давомчиси, «ишчи пуллар» тарафдори.
Асосий асари: «Мехнатга нисбатан адолатсизлик ва уни тугатиш воситалари ёки куч асри ва адолат асри».
У куйидаги таянади хамда бахтли хаётда дейди:
хамма кишиларнинг хукуклари тенг;
хамма мехнат килиши керак;
3) ер умумий мулк.

Хусусий мулкка (биринчи навбатда ерга булган хусусий мулкка) салбий караган. У янги тузумга Оуэн сингари революциясиз, синфий кураш, тинч йул билан бориш тарафдори булган.
Брей биринчи булиб утиш даври тушунчасини киритган, бу даврда биринчи навбатда янги одам яратилиши керак. У келажак жамиятни акциядорлар жамияти тарзида тасаввур килган (албатта бу жамиятдан кейин коммунизмга утилади деб уйлаган).

Такрорлаш учун саволлар.

1. Утопия нима?
2. Кандай утопияларни биласиз?
3. Христиан коммунизми деганда нимани тушунасиз?
4. Нега Франция хаелий социалистларнинг маркази булган?
5. Инглиз социализмининг хусусияти нимада?
6. Осиёдаги, жумладан Марказий Осиёдаги хаёлий социализм гояларини биласизми?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Утопия – хеч каер деган маънони билдиради. Хаелий фикрлар иктисодий фикрларни ривожланишига туртки булиб келган. Хаёлий фикрлар реал иктисодий ахволни чукур урганмасдан иктисодиётни узгартиришга харакат килган фикрдир.

Утопик моделларни 2 гурухга ажратиш мумкин: а) узок келажакда, кандайдир, маънавий - тарихий жараёнлар натижасида амалга ошадиган моделлар. Уларни Хилиастик (хилиас - грекча суз, минг деган, яъни минг йиллик подшолик маъносида) моделлар дейиш мумкин;
б) бу моделларни амалга оширишни тарихий жараён билан богламайдилар. Бундай моделни хаётга ошириш учун оддий, амалга ошириш осон булган принципларга риоя килиб, хохловчи подшо еки жамоа булса эртага хам амалга ошириш мумкин. Бу моделларни сиесий моделлар деб аташ мумкин.

Апокалиплис, яъни дуне охири, марксча- ленинча коммунизмга ухшаб кетадиган тарзда изохланган. Ёки грекларни олсак, улардан Платон хам, Аристотель хам мана шундай адолатни жамият тугрисидаги орзуларини баен килиб асарлар езганлар.

Хаелий социализмининг илдизи саноат революцияси, капитализмнинг ривожланиши ва француз революцияси (1789 - 1794) хамда унинг социал иктисодий окибатларига бориб такалади. Хаёлий социализм вакилларининг фикри капитални мехнатни хаддан ортик эксплуатациясига каратилган.

Утиш даври – бу терминни биринчи булиб Брей киритган, бу даврда биринчи навбатда янги одам яратилиши керак. У келажак жамиятни акциядорлар жамияти тарзида тасаввур килган (албатта бу жамиятдан кейин коммунизмга утилади деб уйлаган).

## 7-мавзу

Капитализм танкидининг пайдо булиши
(2 соат).

Р Е Ж А:

Капитализмни танкид килишни вужудга келишининг ижтимоий - иктисодий шароитлари.
Сисмондининг иктисодий карашлари.

Прудоннинг иктисодий концепцияси.
Родбертуснинг иктисодий гоялари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков тахрири остида. 1997 йил. 10 боб.
2. Иктисодий таълимотлар тарихи. С.Гуломов тахрири остида. Т. 1992 йил.
3.Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей – экономистов до Маркса. М. 1995 г.
4.Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. Гл. 17.

1 саволга жавоб.

Саноат тунтариши катта узгаришларга олиб келди. Бу ижтимоий - иктисодий узгаришлар окибатида жамият иккита кутбий синфлар: пролетариат ва капиталистларга булиниши якколрок кузга ташланди. Мехнат расман капиталга буйсунган холатга тушиб колди. Пролетариатнинг кашшоклиги, ишсизлик, иктисодий кризислар, ижтимоий табакаланиш, янги бойларнинг дабдабали хаети яккролрок намоен була бошлади.

Иктисодий назария эса Адам Смит ва Равид Рикардолардан кейин у хакикий фанга айланди. Сей ва Миллларнинг дарсликларидан кейин иктисодиёт назариясини омма тушунадиган булиб колди. Энди фанни янада такомиллаштириш учун имконият булди, такомиллаштириш учун эса мавжуд муаммони кутариб чикиш керак, уни танкид килиш керак. Аммо бу уринда 2 хил танкидни бир - биридан ажрата билиш керак:

А) конструктив танкид, яъни тузумни такомиллаштиришга каратилган танкид;

Б) революцион танкид – тузумни тубдан узгартиришга каратилган танкид.

Хамма замонда биринчи гурух танкид булган. Масалан, Смитнинг узи хам бозорнинг камчиликларини кайд килган.

Иккинчи гурух танкид асосан социалистлар томонидан олиб борилган, улар хам фан ривожланишига катта хисса кушганлар, биз уларни алохида ургандик.

XIX асрнинг 1 чи чорагида иктисодий таълимотларда илк бор ишчилар синфининг ахволи асосий муаммо килиб ажратиб курсатила бошланди. Чунки айнан мана шу даврдан бошлаб саноат ишчилари расман шаклланди ва уларга хос муаммолар кузга ташланди. Бу муаммолар хам кутарилиб чикила бошланди.

Капиталистик ривожланиш йулига утиб олган давлатларга бу тизимнинг тубдан узгартириш муаммолари йук эди, шунинг учун уларда танкид реформистик характерга эга эди (Англия, АКШ каби).

Капиталистик ривожланишдан оркада колган ва майда товар ишлаб чикаришнинг урни катта булган мамлакатларда (хатто Францияда хам) капиталистик жамият негизини танкид килиш, кандайдир бошка йул билан

ривожланишга умид кучайди. Шу шароитда социалистик гоялар хам, майда буржуача гоялар хам ривож топди. Биз бу маърузамизда мана шу позицияда турган уч буюк шахс – С.Сисмонди, П. Прудон ва К.Родбертуснинг иктисодий таълимотига тухталиб утмокчимиз. Чунки бу оким узок вакт мобайнида турли мамлакатлардаги (жумладан, Россия, Германия, Хитой, Мексика каби) иктислдий карашларнинг шаклланишига, хатто сиесий хаётига катта таъсир утказиб келди. Хозир хам реформистлар билан бир каторда, ревизионистик концепциялар (масалан, ислом йули, Африканинг уз йули каби) да уларнинг тезислари такрорланмокда.

- Саволга жавоб.

Жан Шарль Леонар Симонд де Сисмонди (1773 - 1842) Рикардонинг замондоши, келиб чикиши жихатидан Италиянинг шимолидан эди, унинг авлодлари куп вакт Францияда яшаганлар, кейин кальвинизмни кабул килиб, Швейцарияга кучиб кетадилар. Симонд Женевада кальвинизмнинг пастори оиласида тугилади. Улар бой аристократлардан эдилар.

Симонд тугилиши буйича женевалик булса хам, фикр килиш, акл йуналиши буйича француз эди, унинг хам ишлари Парижда нашр килинган. Аммо тинч кишлок хаети унинг карашларига таъсир килди.

18 ешида Лионга ишга кетади. 1793 - 1798 йилларда Сисмондининг оиласи эмиграцияда (олдин Англия, кейин Италияда) яшашга тугри келган. 1798 йил Наполеон Женевани кушиб олгач, улар кайтиб келадилар. Сисмонди эса Италияда колади. 1813 йил Парижга боради, 2 йил у ерда туриб, Женева озод булгач кайтади. 46 ёшида (1819 йил) ёш инглиз кизига уйланади, аммо фарзандлари булмайди. Сисмонди колган умрини Женевада утказади.

Асарлари: «Тижорий бойлик тугрисида», (1803 йил, Смитнинг шогирди сифатида, уни гояларини таргиб килади); «Италия республикаларининг тарихи» (1813 йил); «Сиесий иктисоднинг янги бошланиши еки бойликнинг ва унинг ахоли нуфузига муносабати тугрисида» (1819 йил). Бунда у Рикардо ва Мальтус гояларини танкид килиб чикади ва Европа даражасидаги машхур кишига айланади. Бу китоб чукур илмга таянган эмас, балки хаетий кузатишларга асосланган эди. У абстракт схемаларда тирик инсонни куришга даъват этади.

Тугалланмаган «Французлар тарихи» 1819 йилдан умрининг охиригача (1842 йил) 29 номи нашр килинган. У биринчи навбатда тарихчи, кейин иктисодчи эди.

Сисмонди 1 чи булиб, капитализмни чукур, бир ижтимоий тузум сифатида, унинг иктисодий механизмини танкид килган, биринчи булиб, у капитализм абадий, табиий тузумлигига гумонини билдирди.

У сиесий иктисодга буржуа жамиятининг бойлиги ва уни ошириш тугрисидаги фан эмас, балки кишилар манфаати максадида ижтимоий механизмни такомиллаштириш тугрисидаги фан деб карайди. У

мехнаткашлар ахволининг огирлигини ёзади. Хозирги замонга кадимги грекларнинг «Пролетариат» терминини олиб киради.

Йирик ишлаб чикаришнинг камчиликларини танкид килиб, майда савдогарлар ва косиблар, умуман майда товар ишлаб чикаришни энг прогрессив деб чикади.

Революция тугрисида Сисмонди шундай ёзган эди: « … хукумат жисмоний кучга эга булган омма кулига утади, бу омма кашшокликдан куп жабр курган, авомлигича колиб келган, хар кандай конунга, алохидаликка, хар кандай мулк шаклига душмандир». Сисмонди ишчилар билан капиталистлар уртасидаги антогонизмни камайтириш, унинг учун реформа килиш керак дейди, у оркага кайтишни таклиф килади, лекин айрим жихатдан бу олдин (20 аср) булиб чикди:

капиталистлар хисобидан ижтимоий таъминот;

минимал иш хакини жорий килиш;

иш кунини чегаралаш;

фойдага ишчиларнинг катнашиши.

У ортикча ишлаб чикариш кризисларини хам кура билган (1819 йилда, кризис эса Англияда 1825 йил, Францияда 1837 йил содир булади).

- саволга жавоб.

Пьер Жозеф Прудон (1809 - 1865) француз публицисти, иктисодчи, социолог, анархизмни асосчиларидан бири.

Прудоннинг асарлари: «Мулкчилик нима?» (1840 йил), «Иктисодий зиддиятлар системаси еки фалсафанинг кашшоклиги» (1846 йил).

Прудон кишилар жамияти тарихига гоялар кураши деб караган. Прудонга «антитеизм» (тезис «худо – бу ёвузлик» деб караш) хос булган.

У бегона мехнатни эксплуатация килмайдиган майда мулкни ёклаб чиккан. У жамиятни кайта куришнинг тинч йулини таклиф килган ва коммунизмни (куролли кузголон) каттик танкид килган.

Унинг фикрича синфий эксплуатацияни соф иктисодий реформалар, биринчи навбатда муомалада пулсиз товарларни алмаштириш ва процентсиз карз бериш (бунинг учун махсус банк ташкил килиб) йули билан йукотиш мумкин. Пролетариат билан буржуазиянинг хамкорлигини таклиф этган, сиёсий курашдан юз угириш, жамиятни булиб турган, текинхур, эзувчи орган давлатни бекор килишни таклиф килган.

Кейинчалик у, жамиятнинг карама - карши ижтимоий кучлари уйлаб харакат килишлари билан зиддиятларни бартараф килиш мумкин, деган фикрни айтган.

Прудон объектив булган иктисодий конунларни рад этган. У иктисодий муносабатларни абадий адолат нуктаи назаридан караган, у абадий адолатни инсонларнинг бутун ишларининг олий хаками деб карган.

У майда буржуа, майда хунармандчилик ишлаб чикаришни иделаллаштирган, саноат революциясини тан олмаган.

Коммунизмни танкид килиб, ассоцциация - бу догма, ассоциация принципини ривожлантириш системага олиб келади, унга асосланган социализм эса динга айланади, деб ёзган эди Прудон. Прудоннинг хаклигини Совет даври амалиёти исбот килиб берди.

Ассоциация бу биринчи навбатда мехнатга бир хил хак тулаш, у кучсиз ва дангасаларга кулай, бу кобилиятсиз, узига яраша одамларнинг хамкорлигидир.

Прудон иктисодий категорияларга диалектик караб билган, у айтадики, хар бир категориянинг яхши ва ёмон томони бор, вазифа шундан иборатки, яхши томонини саклаб колиб, ёмон томонини йукотишдан иборат (масалан, ракобат).

Прудон адолат куйчиси сифатида хар кандай зуравонлик, тиранияга карши булган. У хар кандай марказлашган хукуматга карши булган, у уз-узини бошкариш тизимини таклиф этган. Овоз бериш системасини тиранларнинг куролига айланиши мумкин дейди. ( Кейинги тараккиёт буни накадар тугрилигини неча бор исбот килди, мисол бизда бир йил ичида СССР учун хам, унга тескари булган мустакиллик учун хам карийиб 100 % овоз берилди).

«Мен – деб ёзади, - поданнинг илохий интуициясига ишонмайман, кайсики бир карашда давогарнинг яхши хислатларини куриб олса».

Прудон мехнаткашлар синфини хам идеаллаштирмайди. Бу синф энг камбагал, энг куп сонли, чунки энг куркок, ахлоксиз, хасадчи, пасткаш хам дейди. (Совет тизими, ялангоёкларга колиб, унинг хак эканлигини исбот килди).

- саволга жавоб.

Карл Иоганн Родбертус - Ягецов (1805 - 1875) Германияда, Шимолий Грейфевольдда тугилган. Геттингем ва Берлин университетларида хукукдан тахсил олиб, шу мутахассислик буйича маълум вакт ишлади. 1848 - 49 революция йилларида парламент аъзоси, кейинчалик вазир лавозимида фаолият курсатди.

1842 йилда К.Родбертус «Давлат – хужалик тизимимизни булиш йулида» деб номланган китобини нашрдан чикарди. Унинг асари «социал хатлар» шаклида ёзилган. У даромад (рента) олишнинг асосий усули ерга хусусий мулкчилик ва капиталдир, деган фикрга келади. Албатта, у Смит ва Рикардо таълимотларини чукур урганиб, илмий тахлил килиб шу хулосага келган.

У кушимча киймат ва унинг вужудга келишини Марксдан олдинрок курсатганлигини езади. Хакикатдан хам у кушимча киймат назариясига анча якинлашиб колган.

Таксимот назарияси куйидаги тартибда тахлил килинади ва уч боскични ажратади:

миллий махсулотни иш хаки ва рентага булинишини куриб чикади;

рентани капитал ва ер рентасига булишга утади;

барча фойда ва ер рентасининг капиталист ва ер эгалари уртасидаги таксимотини куриб чикади.

У капиталистлардан ишчилар синфига ишлаб чикариш махсулдорлиги ошганлиги хисобидан маълум хисса беришларини талаб килган. Бу ва бошка гоялари кейинги реформаторлар учун озука булиб хизмат килди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Капитализмни танкид нега керак эди?
2. Сисмондининг кандай фикрларини биласиз?
3. Прудоннинг кайси фикрлари уз замонасидан олдин кетди?
4. Капитализмни танкид килувчиларнинг иктисоий фанни ривожлантиришдаги хизматлари нимада?
5. Анархизм нима?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Конструктив танкид, яъни тузумни такомиллаштиришга каратилган танкид;

Революцион танкид – тузумни тубдан узгартиришга каратилган танкид.

Анархизм - бу шундай жамиятки, бунда давлат институти булмайди. Бу хозирги замонга тугри келмайди.

## 8-мавзу

## К.Маркс ва Ф.Энгельс асарларидаги иктисодий гоялар

( 2 соат).

Режа:

К.Маркс иктисодий гоялари вужудга келишининг ижтимоий-иктисодий шарт – шароитлари.

К.Маркс ва Ф.Энгельснинг иктисодий гоялари.

К.Маркс ва Ф.Энгельс иктисодий таълимотининг ахамияти ва тарихий такдири.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков тахрири остида. 11 боб.
2. Афанасьев В.С. Этапы развития буржуазной политической экономии. М. Экономика. 1985 г.
3. История экономических учений: Учебник для экон. вузов/ Под ред. Рындина М.Н. М. 1983 г.
4. Майбурд Е.М. Введение в истории экономической мысли. М. 1996 г. Гл. 18.


1 - саволга жавоб.

<u>Саноат революцияси</u> Англияда, сунгра Гарбий Европанинг бошка давлатларида ишлаб чикарувчи кучларининг ривожланиши янги асосга утилишига олиб келди. Янги жамиятнинг икки асосий синфи - буржуазия ва пролетариат синф сифатида яккол намоен була бошлади, улар уртасидаги антогонизм биринчи даражали зиддият сифатида курина бошланди. Чунки капитализм феодализм устидан галаба козониб булган эди. Буржуазия билан феодаллар уртасидаги антогонизм энг асосий антогонизм булмай колган эди.

Феодализм устида тула галаба козониб булган капитализм, энди узининг нафакат ижобий томонларини балки салбий томонларини хам яккол курсата бошлаган эди. Масалан: 1825 йилда биринчи иктисодий кризис Англияда содир булди. Шу даврдан бошлаб тарих сахнасига мустакил ижтимоий куч сифатида пролетариат чикди. 1831 ва 1834 йилларда Лион тикувчиларнинг кузголони, XIX асрнинг 30 - 40 йилларидаги Англияда чартистлар харакати бунга яккол мисолдир.

Мана шу чикиб келаетган синфга гоявий асос керак эди. Марксизм пролетариат синфининг гоявий куроли булиб дунёга келди.

<u>Марксизм</u> унинг асосчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан бир неча ун йилликлар давомида (1840 - 1880 йилларда) яратилди.

Марксизм, албатта авваломбор Карл Маркс номи билан боглик. Шунинг учун шу шахс хаёти ва ижодига тухталиб утамиз.

Карл Маркс 1818 йил 5 май адвокат оиласида Трир (Рейн вилояти) шахрида тугилди. 1835 йил гимназияни тугатгач, олдин Бонн, сунгра Берлин университетида укиди ва 1841 йил уни тугатди, у хукук билан фалсафани

чукур урганади. Университетни тугатиш арафасида докторлик диссертациясини езади («Демокрит ва Эпикур натурфилософияси уртасидаги фарклар» мавзусида). 1841 - 42 йил укитувчилик, 1842 - 43 йиллар «Рейн газетаси» га ишга киради, сунгра у ерда бош редактор булиб ишлайди. Шу ерда Ф.Энгельс билан биринчи бор танишади. Газета либерал - буржуача эди, Маркс туфайли антипруссча булиб колади. Шунинг учун газета 1843 йил ёпилади. Маркс эмиграцияга кетишга мажбур булади. У Парижга келиб янги журнал «Немис - француз йилномаси» ни нашр килади. Прусс хукуматининг талаби билан Маркс 1845 йил Париждан хайдалади, у Брюселлга келади, 1848 йил Германияда революция бошлангач Маркс Германияга кайтиб келади ва революцияга фаол катнашади.

1849 йил революция ютказгач, у киска пайт Бельгияда яшайди. У давр унинг хаётидаги энг огир давр эди, чунки очлик ва кам овкат ейиш туфайли икки фарзандидан ажралади. Сунгра Англияга, Лондонга кочиб кетади ва умрининг охиригача (1883 йил) шу ерда яшайди.

Фридрих Энгельс 1820 йил 28 ноябрь Бармен шахрида фабрикант оиласида тугилди. Энгельс гимназияни тугата олмай колади, уни отаси 1838 йил Бремен савдо уйига тижорат билан шугулланишига куяди. Аммо уз устида мустакил куп ишлайди. 1842 йил Англиянинг Манчестер шахрида отасининг мулки булган савдо уйига ишга кетади. У 1842 йил биринчи марта Маркс билан, Кельн шахрига келиб шахсан танишади, 1844 йил Манчестердан Германияга кайтиб келаетганда Парижга тухтаб, иккинчи марта Маркс билан учрашади ва шундан кейин уларнинг дустликлари Карл Маркс умирининг охиригача давом этади.

1845 - 50 йилларда Маркс билан бирга ижод килади, «Коммунистлар иттифоки» да ишлади, революцияга катнашди. 1850 йилдан 1870 йилгача Манчестерда савдо уйида ишлайди. 1870 йилдан то умрининг охиригача (1895 йил) Лондонда яшади.

Ф. Энгельс 19 ешидан бошлаб (1839 йил), Маркс эса 24 ешидан бошлаб (1842) макола, китоблар еза бошлаганлар. Улар алохида - алохида хам, биргаликда хам асарлар ёзганлар.

<u>Энг мухим асарлари</u>:

«Сиесий иктисодни танкидига оид хомаки лойихалари» (Энгельс, 1844 йил). Бу асар иктисодиетга багишлаб езилган ва биринчи асар (макола) дир. Унда иктисодиетга пролетариат манфаатлари нуктаи назаридан ендашиш бошлаб берилган. У хусусий мулк, ракобат, ишлаб чикаришнинг стихиялигини танкид килади. Мальтусчиликни каттик танкид килган. Савдо чукур анализ килган, аммо унга салбий муносабатда булган.

«1844 йилнинг иктисодий - фалсафий кулезмаси» (Карл Маркс). Бу Маркснинг катта ишининг хомаки лойихаси эди. У капиталистик тузумнинг камчиликлари иктисодий муносабатларни, хукукни, ахлокни кескин танкид остига олади. У буржуа иктисодчиларнинг антитарихий, метафизик

карашларини танкид килади. У «бегона мехнат», «мехнатнинг бегоналашуви», «мехнатнинг мажбурийлиги» масалаларига тухталиб утади.

«Мукаддас оила» (1845 йил, биргаликда). Улар еш гегелчиларнинг идеологлари ака-ука Бауэрларни, уларнинг тарихий тараккиетга идеалистик каршаларини танкид килиб, тарихга материалистик нуктаи назардан ендашадилар. «Тарихни алохида шахслар эмас, халк яратади» дейдилар. Асарда хусусий мулкчиликка доимий, абадул- абад, рационал деб карашни, хусусий мулк принципига сигинишни танкид килинади.

«Немис идеологияси» (1846 йил, биргаликда). Еш гегелчилар хамда Фейербахнинг метафизик материализми танкид килинган. Биринчи марта шу асарда ижтимоий - иктисодий формация, мулкчиликнинг шакллари ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланиш нуктаи назаридан куриб чикилади.

Инсоният тараккий килиб бориши билан ижтимоий мехнат таксимоти ривожланиши айтилган. Умуман бу асарда тарихга материалистик карша узининг тулик, система шаклини олади.

«Англияда ишчилар синфининг ахволи» (1844 - 45 йиллар, Ф.Энгельс). Энгельс жуда катта статистик материаллар ва куплаб китобларга таяниб (24 ешида) Англияда капитализм ривожланиши анализ килади. Саноат революцияси, техника тараккиети унинг социал - иктисодий мохияти чукур анализ килинади.

Саноат революцияси натижасида уйдаги хунармандчилик йирик машиналашган ишлаб чикаришга карши ракобатга бардош бера олмай синиб кетганлиги, кичик хунармандчилик шахарлари катта фабрика шахарларига айланиш жараени, уша даврда ишчилар оммасининг ахволи канчалик огирлигини яккол килиб езиб берган.

Энгельс ишсизлик, иктисодий кризисларни чукур анализ килиб, уларнинг сабабларини капиталистик ишлаб чикариш муносабатларидан кидиради.

«Фалсафанинг кашшоклиги» (К.Маркс, 1847 йил), 1846 йил Прудоннинг «Иктисодий зиддиятлар системаси еки кашшокли фалсафаси» китоби чикади. Шу асардаги майда буржуача гояларини танкид килиш, уларнинг камчиликларини курсатиш учун К.Маркс узининг шу асарини езди. Бу асарда Прудонча карашни, яъни товар ишлаб чикариш категорияларининг доимийлиги танкид килинади, бу категориялар, хатто инсон ишлаб чикарувчи кучлар ривожланиши билан узгариб боришини ёзади, сиёсий иктисод мана шу доимий узгаришда булган муносабатларни урганади, дейди.

«Ёлланма мехнат ва капитал» (Маркс, 1849). Бу асар К.Маркснинг Брюселлда немис ишчилари учун укилган лекциялар асосида нашр килинган. Бу асарда иш хаки, капитал, капиталнинг жамгарилиши каби муаммолар оммабоп тилда ёритишга харакат килинган.

«Коммунистик партия Манифести» (1848, 2 ой ичида ёзилган биргаликда), бу асар «Коммунистлар иттифоки» - революцион ташкилотнинг программаси сифатида ёзилган. Бу асар умуман коммунистлар учун ундан кейинги бир аср давомида хакикий программ хужжат булиб келди.

2 - саволга жавоб.

Марксизмнинг энг мукаммал асари - «Капитал» асаридир. «Капитал» асарини езишга актив киришиш 1851 йил бошланган.

Карл Маркс уз дусти, фикрдоши Фридрих Энгельс билан биргаликда булажак асар плани ишлаб чикади, унда буржуа сиесий иктисодини, унинг тарихини, хаелий социализмни танкид килишни мулжаллаштиради. Бу асар устида К.Маркс то умрининг охиригача ишлайди. К.Маркс фаол ишлаган пайтларда кунига 4 соат ухлаб, 18 соат ишлаган. У улгандан кейин хам, бу асарни тугатиш учун Ф. Энгельс 10 йил ишлаган. Шундай килиб, асар 43 йил давомида езилган.

К.Маркс уша замоннинг энг йирик кутубхонасида Британия музнйида 6 йилдан куп факат материал йигиш ва китобларни урганиш билан банд булган.

К.Маркс уз асарини 4 марта, 4 вариантда езиб, бешинчисинигина нашр килган. Капиталнинг биринчи томи 1867 йил Лейпцигда нашр килинган. Биринчи томда капитализмнинг хужайраси булган товарни урганишдан бошланади, бу томда пул, пулнинг капиталга айланиши, елланма ишчини эксплуатация килиниши, кушимча киймат, доимий ва узгарувчи капитал, иш хаки, унинг шакллари, капиталистик жамгариш жараени чукур анализ килган. Биринчи том 7 булимдан иборат.

Иккинчи томни 1885 йил Ф.Энгельс нашрга тайерлаб, нашр килдиради. Иккинчи том капиталнинг айланиши жараенига багишланган. У 3 булимдан иборат:

биринчи булим - капитал ва уларнинг доиравий айланиши,
иккинчи булим - капиталнинг айланиши,
учинчи булим - ижтимоий капиталнинг такрор ишлаб чикарилиши ва айланиши.

Бу томда капитал доиравий оборотининг 3 боскичи, пул, товар, унумли капиталнинг доиравий айланиши, асосий ва айланма капитал, иш даври, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чикариш, ишлаб чикариш биринчи ва иккинчи булимларининг муаммолари анализ килинган.

Капиталнинг учинчи томини Ф.Энгельс 1894 йил нашр килдирган, у бу том устида анча ишлаган. Учинчи том хам 7 булимдан иборат. Бунда ишлаб чикариш жараени билан муомала жараенининг диалектик бирлиги ёритилади.

Ш томда кушимча кийматнинг узгарган шакллари, уларнинг гурух ва синфлар уртасида таксимланиши, фойданинг уртача фойдага, кийматнинг

бахога айланиши, савдо капитали, савдо фойдаси, ссуда капитали, ссуда проценти, ер рентаси чукур ёритилган.

К.Маркс «Кушимча киймат назарияси» номи билан капиталнинг туртинчи томини езиш нияти бор эди, бунда у буржуа иктисодчилари гояларини танкидий урганиш ниятида ишлаган. Аммо туртинчи томни на у, на Ф.Энгельс поёнига етказа олишган. Уни факат К. Каутский XX аср бошларида (1905 - 1910 йй.) Маркс кулезмаларини айрим жойларини тушириб, айрим жойларига кушимча килиб нашр килинган. Туртинчи том факат 1954-1961 йилларда марксимз - ленинизм институти томонидан тулик холда нашр килинди ва у туртинчи том деб ном олди. Бу томда Дж. Сюарт, А.Смит, Д. Рикардо ва бошка иктисодчиларнинг асарлари танкидий анализ килинган.

<u>Энг кейинги асарлар</u>: «Гота программасини танкид» (1875 йил К.Маркс), Анти-Дюринг (1878 йил, Ф.Энгельс), «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чикиши» (1884 йил, Ф.Энгельс).

Савол тугилади, нега Маркснинг гоялари бунчалик машхур эди? Бир ховуч ахоли дабдабада, купчилик эса камбагаллик, кашшокликда яшайдиган ижтимоий тузумдан норозилик, «мехнатни эксплуатация» килинишига карши протест пафоси, ижтимоий махсулотни таксимотида туб узгаришларни килиш талаби - буларнинг хаммаси XIX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий - иктисодий гояларнинг асосини ташкил этар эди. Революцион гоялар уша давр ишлаб чикаришнинг табиатидан келиб чикар эди, яъни мехнатнинг капитал томонидан эксплуатация килиниши. Агар бу тузумнинг табиати шундай булса, эксплуатацияни йукотиш учун тузумни узгартириш керак, деган хулоса келар эди.

К.Маркснинг «Капитал» асарида «Коммунистик партия манифести» даги революцион гоя ва шиорларни илмий жихатдан асосланиши керак эди.

Адам Смит уз замонасида ижтимоий фикр булиши керак булган нарсани ифодалади, шунинг учун унинг «Халклар бойлиги» асари XYIII асрда бестселлер булади. К.Маркс хам уз замонасининг ижтимоий фикрини - интелллигентларда булган кучли адолат хиссасини ифода этди. Шунинг учун «Капитал» XIX асрда бестселлер булди.

Факат шунга хайрон коласизки, икки замонада икки хил ижтимоий фикр, ижтимоий эхтиёж.

3 - саволга жавоб.

<u>Марксизмнинг узига хос хусусиятларидан</u> бири синфий ендашиш, синфий антогонизм буртирилган. Марксизмнинг энг мухим асоси бу – моддий ишлаб чикариш жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси деб хисоблашдир. Ишлаб чикариш муносабатлари ривожланган ишлаб

чикарувчи кучлар тараккиетига тормоз булади ва революцион йул билан бу муносабатлар узгартирилади, деб хисоблашдир.

Маркснинг назарий концепцияси мантикан кучли булиб, у илгор мамлакатлардаги хамма иктисодчиларга, хамма йуналишларга уз таъсирини курсатди.

Маркс таълимоти хар хил караш бор: уни инкор этувчилар хам, тугри деб хисобловчилар хам, камчиликларини куриб ундаги мухим гояларини кабул килувчилар хам бор.

Маркс гояларидан хозирги замон «марксистларини», унинг гояларини тезис шаклида олган ортодоксларни фарк кила билиш керак. Чунки бир аср давомида иктисодий хает узгариб кетди, шунинг учун айрим тугри фикрлар нотугрига айланиб колди.

Маркснинг энг мухим хизмати: у тарихга материалистик караш, моддий техниканинг хал килувчи роли, ишлаб чикариш муносабатлари бутун ижтимоий муносабатлар ичида хал килувчи роли, ишлаб чикарувчи кучлар ва ишлаб чикариш муносабатларининг узаро богликлиги, инсоният тараккиетидаги формациявий караш каби мухим гояларни яратди. Мехнатнинг киймат назариясини поёнига етказди. Шунинг учун хам Марксни классик сиесий иктисодни якунловчи хам деб карайдилар.

Капитал асари езилганга хам бир асрдан бошди. Шу даврда иктисодий тараккиет, иктисодий таълимот анча олдин кетди. Маркс карашларининг анчагина кисми мозийга колиб кетди, аммо Маркс иктисодий таълимотининг айрим кирралари хали хам тугри эканлигини хает курсатмокда. Масалан, пролетар диктатураси, идеология сифатида коммунизм, ишчилар ахволининг абсолют ва нисбий емонлашуви каби гоялари XX аср тарихига жуда катта таъсир килган булса хам, тарихга колиб кетди.

Маркснинг капиталистик тузумни тулик бир система сифатида анализ килишнинг айрим кирралари хали хам тугридир.

20 асрнинг 70 - 80 йилларда марксизмнинг ренессанси, яъни Маркс гояларини чукур урганиш содир булди. Маркс тугилган кунининг 150 йиллиги, Капитал асарининг биринчи томи нашр килинганининг 100 йиллиги даврида Маркс тугрисида анча адабиет нашр килинди.

Замонамизнинг буюк иктисодчиларидан бири П.Самуэльсон, Маркс жуда мухимдир, уни марксистларга колдириб булмайди (1973 йил, «Экономикс» китобининг 9 чи нашрида), деб ёзган эди.

Манчестер университетининг професори П.Уорслей «Карл Маркс XX аср тарихига шунчалик таъсир килдики, унчалик бирор мутафаккир шунчалик таъсир килган эмас» деб айтган эди. Джон Гэлбрейт узининг «Фаровонлик жамияти» китобида (1969 йил), «Маркс унинг иктисодий асосларини кабул килмаганларга жуда кучли таъсир килди» деб езган эди. Яна у ёзади: «Агар Маркс факат хато килганда эди, унинг таъсири тезда йуколар эди. Аммо у куп жихатдан биринчи навбатда, уз замонаси учун хак эди».

«Агар капиталистлар Маркс фикрларига риоя килсалар… социализмга хожат колмас эди» деб езади Дж. Робинсон («Мукаммал булмаган ракобатнинг иктисодий назарияси» китобида 1986 М., 22 бет).

Япон иктисодчиси Козо Уно (1897 - 1977 йиллар) Маркс иктисодий таълимотини «реконструкция» килишнинг япон моделини яратди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. К.Маркс шахси нега Германияда вужудга келди.
2. Марксизмнинг асосий хусусиятлари нимада?
3. Коммунизмни нега утопия деймиз?
4. «Капитал» асарининг асосий гояси нимада?
5. Марксизмда Ф.Энгэльс кандай роль уйнайди?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Саноат революцияси Англияда, сунгра Гарбий Европанинг бошка давлатларида ишлаб чикарувчи кучларининг ривожланиши янги асосга утилишига олиб келди Саноат революцияси деганда ишлаб чикаришнинг манафактура боскичидан машиналашган боскичга утилиши тушунилади.

Марксизм унинг асосчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан бир неча ун йилликлар давомида (1840 - 1880 йилларда) яратилди. Марксизм, албатта авваломбор Карл Маркс номи билан боглик. Марксизм иктисодиёт жараёнларга пролетариат манфаати нуктаи назаридан караш тушунилади.

Маркснинг энг мухим хизмати: у тарихга материалистик караш, моддий техниканинг хал килувчи роли, ишлаб чикариш муносабатлари бутун ижтимоий муносабатлар ичида хал килувчи роли, ишлаб чикарувчи кучлар ва ишлаб чикариш муносабатларининг узаро богликлиги, инсоният тараккиетидаги формациявий караш каби мухим гояларни яратди. Мехнатнинг киймат назариясини поёнига етказди. Шунинг учун хам Марксни классик сиесий иктисодни якунловчи хам деб карайдилар

Марксизмнинг узига хос хусусиятларидан бири синфий ендашиш, синфий антогонизм буртирилган. Марксизмнинг энг мухим асоси бу – моддий ишлаб чикариш жамият асоси деб карашдир.

«Марксизмни реконструкция килиш» – йигирманчи асрнинг 70 йилларида илгор мамлакатларда Маркснинг илгор гояларини олиб замонага мослаштиришдир. Япон иктисодчиси Козо Уно Маркс иктисодий таълимотини «реконструкция» килишнинг япон моделини яратди.

Маркс таълимоти хар хил караш бор: уни инкор этувчилар хам, тугри деб хисобловчилар хам, камчиликларини куриб ундаги мухим гояларини кабул килувчилар хам бор.

## 9-мавзу

# XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШИДАГИ ИКТИСОДИЙ НАЗАРИЯЛАР

( 2 – СОАТ).

Р Е Ж А:

Маржинализмнинг вужудга келиши.
Янги тарихий мактаб ва «ижтимоий» йуналиш.
«Неоклассицизм». Австрия мактаби.
Кембридж мактаби. А.Маршалл.
Америка мактаби. Лозанна мактаби.

ФОЙДАЛАНИЛГАН А Д А Б И Ё Т Л АР:

Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков А.А. тахрири остида. 1997 й. 12 боб
Иктисодий таълимотлар тарихи. Гуломов С. тахрири остида. 1992 й.
Истиория экономических учений. Учебник. М. 1983.
Политическая экономия. Словарь. М.1988.
Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. 1996 г. 21-26 главы.

1 саволга жавоб.

XIX асрнинг иккинчи ярмида капитализм жадал ривожланган даврда, унинг икки асосий синфи уртасида зиддият жуда кескинлашди, ишчиларнинг кашшоклиги кучайди, иктисодий кризислар чукурлашди, йирик монополиялар вужудга келди ва уларнинг узбошимчалиги бошланди.

Бундан ташкари, К.Маркснинг асосий асари «Капитал» нашрдан чикди, у пролетариатнинг асосий гоявий куроли булди. Пролетариат узини катта куч эканлигини 1871 йил Париж Коммунасида курсатди.

Бу шароитда 2 та мухим вазифа келиб чикади:

а) Синфий антогонизмни камайтириш;

б) Макрсизмни пролетариат уртасидаги таъсирини камайтириш.

Бунинг учун олимлар уша даврнинг бошка фанлари (иктисодиёт тарихи, математика, социология ва б.) ютукларини иктисодиётни чукуррок изланишга ишлатдилар.

Иккинчи томондан, марксизмнинг энг суст, реакцион томонларини (масалан, социалистик революция, пролетриат диктатураси каби…) очиб беришга интилдилар.

Бу даврда Европадаги иктисодий профессуранинг бир кисми социалистик гоялар билан кизиккан булса, иккинчи бир кисми тарихий - хужалик проблемалар билан машгул эди. Аммо иктисодиёт назариясида жуда катта узгаришлар содир булди, кейинчалик бу тунтаришни маржинал революция деб ном бердилар.

Marginal utility - меъерий нафлик дегани эди. Бу тушунча, у билан боглик назария иктисодий гоялар ривожланишида бурилиш эди. Меъерий анализ номини олган.

Фаннинг янги сохаси пайдо булди. Иктисодий конуниятларни математика тили билан изохлаш мумкинлиги аникланди.

Иктисодий конуниятларни уртача катталикларда эмас, меъерий катталикларда излаш кераклиги аникланди.

Маржинализм огирлик марказини уртача катталиклардан меъерийга кучирди, чегараланган ресурслар шароитида оптимал вариантни кидиришга кучирди. Ишлаб чикариш омилларининг шундай комбинациясини топиш керакки ишлаб чикарилган махсулотнинг нафлиги максимал булсин.

Маржинализм классик мактаб янги мактабга - неоклассик мактабга усганлигини курсатди, унинг уч асосий хусусияти бор:

А) шартли экстремумга мулжалланган вазифалар (максимум ёки минимум);

Б) меъерий курсаткичлардан фойдаланиш;

В) анализда математик усуллардан фойдаланиш.

Маржинализм бир вактнинг узида 3 олим томонидан, бир-бири тугрисида хеч нарса билмаган холда яратилган:

А) Стенли Джевонс (1835 - 1882) - инглиз, 1862 й.;

Б) Леон Вальрас (1834 - 1910) - швейцариялик, 1874 й.;

В) Карл Менгер (1840 - 1921) – австриялик, 1871 й.
(яъни инглиз, немис, француз тилларида).

Аммо бу назарияларнинг асосини бу уч олимгача яратилган эди. Буларнинг хам 3 тасини айтиш мумкин: бири биз биладиган математик Курно, француз (1838 йилда уз фикрларини ёзган.) ва иккинчиси немис Тюнен (1929 йилда уз фикрларини баён этган.) эди. Учинчиси эса немис Герман Генрих Госсен (1810-1858й.).

У 1854 йилда «Кишилар узаро таъсирининг эволюцион конунлари» асарини ёзади. У Коперник астрономияда нима килган булса, иктисодиётда мен шу ишни килдим, деб узига тугри бахо беради. Аммо китобни хеч ким тушунмайди. Госсен бор китобларни сотиб олиб ёкиб ташлайди. Факат 1887 йил Джевонс ва Вальрас (энди улар бир-бирини билар эди) бир неча эксземплярнигина топиб олишади.

Унинг номи билан у кашф килган 2 конунни айтадилар:

1 чи Госсен конуни - меъерий нафликнинг пасайиш конуни;

2 чи Госсен конуни – «шахс узининг ялпи нафлигини максимумга чикаради, агар унда булган ресурсларни хар хил неъматлар уртасида шундай таксимлайдики, хар бир неъмат учун сарфланган охирги сарфланган ресурс бир хил кониктириш беради».

2 – саволга жавоб.

XIX асрнинг 70 йилларида тарихий мактаб 2 га булиниб кетди, эски тарихий мактабдан «янги тарихий мактаб» ажралиб чикди. Бу биринчи навбатда Германияда, кейин бошка давлатларда таркалди.

Бу мактабнинг 2 окими - консерватив ва либерал окимлари пайдо булади.

Консерваторлар эски тартибларни саклаш позициясида, либераллар эса ривожланаётган капитализмнинг эски муносабатлар ва тартибларга мослашиши имконият борлиги позициясида эдилар.

Янги тарихий мактабнинг асосчиси (консерватив оким вакили) Густав Шмоллер (1838 - 1917) эди. У Галл, Страсбург ва Берлин университетларида профессорлик килган.

Унинг асосий асарлари: «XIX аср Германиясида майда хунармандчилик ишлаб чикариши тарихи» (1870 й.), «Халк хужалиги, халк хужалиги тугрисидаги фан ва унинг услублари» (1897) ва бошкалар.

У макроэкономикани анализ килишга харакат килган. У ишчилар намойишларига карши курашишнинг куплаб чораларини таклиф килган (тадбиркорлар иттифокини тузиш, «кора руйхатларни» куллаш, локаутни ташкил этиш ва бошкалар).

Локаут - иш ташлашга карши курашнинг бир формаси булиб, корхона ёпилиб куйилади ва ишчилар оммавий ишдан хайдалади. Шмоллер синфлар уртасидаги душманлик ахлокини узгартириш керак, дейди.

ЛУЙО БРЕНТАНО (1844 - 1931) янги тарихий мактабнинг либерал окими вакилидир. У Берлин университетида доцент, Мюнхен университетида профессор булиб ишлаган.

Брентанонинг асосий асарлари: «Хозирги замон ишчи гильдиялари» (1871-1872 й.), «Иш хаки ва иш вактининг мехнат унумдорлигига муносабати тугрисида» (1877 й.), «Аграр сиёсет» (1897 й.).

Брентано уз асарларида иложи борича ишчилар ахволларини яхшилаш, синфий тенгсизликни тугатиш керак, бунинг учун касаба иттифокларини тузиш, истеъмолчилар кооперациясини ташкил этиш, фабрика конунчилиги ва бошкаларни таклиф килган.

Карл Брюхер (1847 - 1930) немис, у хам уз умрини университетларда утказган.

К.Брюхер халк хужалиги тарихини классификация килишга катта хисса кушган.

У халк хужалиги тарихини 3 даврга булади:

а) уй ёки натурал хужалик, бунда узи учун ишлаб чикаради, ишлаб чикарувчининг узи истеъмолчи, яъни улар орасидаги масофа ноль.

б) хунармандчилик, у буюртма асосида ишлайди. Ишлаб чикариш билан истеъмол махаллий бозор оркали богланган, улар уртасидаги масофа жуда оз.

в) халк хужалиги, ишлаб чикарувчи номаълум бозор учун ишлайди, махсулот алмашув киймат сифатида ишлаб чикарилади.

Янги тарихий мактаб вакилларининг кизик бир гояларидан бири «давлат социализми» дир. Бисмарк уша замонда айрим нарсаларни (темир йул, тамаки саноати) национализация килаётган эди, шуни улар социалистик чоралар деб эълон килганлар. Кейинчалик, Ленин хам шундан бошлаган эди.

Аммо буни Энгельс танкид килиб ёзадики, агар давлат монополияси социализм булса, социализм асосчиси Наполеондир, дейди.

ВЕРНЕР ЗОМБЕРТ (1863 - 1941) Бреславль ва Берлин университетлари профессори.

Асосий асарлари: «Социализм ва XIX асрда ижтимоий харакат» (1897), «Хозирги замон капитализми» (1902 й.), «Хужалик хаёти тузуми» (1926 й.). У узини Шмоллернинг шогирди деб хисоблаган. Герман капитализмини

химоя килган. У Герман капитализми идеологи хисобланган. «Капитализмни яхудийлар яратган» деган.

Кейинчалик у иркий назарияни ривожлантириб, шовинизмни таргиб килган. «Кахрамонлар ва садогарлар» (1915 й.), «Немис социализми» (1934 й., бу асарда фашизмнинг иктисодий дастурини назарий жихатдан асослашган уринган), «Инсон тугрисида (1938 йил, бу асарда кишилар бош суягининг тузилишига, шаклига караб иркларга булинадилар дейди).

Зомбарт келажакни кура билиб, айтганки, келажакда «аралаш иктисодиёт» ёки «ижтимоий плюрализм» булади, яъни капитализм, кооператив хужалик, ижтимоий хужалик (кейинги 2 тасини у социализм дейди), хунармандчилик ва дехкон хужалиги параллел равишда булади, дейди.

«Ижтимоий йуналиш» нинг 2 вакили Р.Штольцман (1852 -1930) унинг асосий асари «Хужаликнинг максади» (1909 й.), Рудольф Штаммлер (1856-1938), «Хужалик ва хукук - тарихга материалистик нуктаи назардан караш» (1896 й.). Улар иктисодий муносабатларнинг хукукий муносабатларни устун куйганлар.

Иктисодий категорияларни хукукий муносабат деб карганлар. Хукукий муносабатларни чукур урганганлар. Синфлар уртасида аник бир чегара йук, иши юришмаган капиталистнинг ахволи яхши иш хаки оладиган ишчидан ёмон булаши мумкин, у пролетариатга айланиши мумкин, ишчи эса секин - аста капиталистга айланиши мумкин дейди.

МАКС ВЕБЕР (1864 - 1920) хар томонлама маълумотли, универсал олим, хам философ, иктисодчи, социолог хам тарихчи эди. Унинг ижодида немис тарихий мактаби узининг энг юкори чуккисига чикди. Веберга ХҮШ - XIX асрларда инсоний муносабатларни ривожлантириш борасида немис олимлари айтган фикрларни умумлаштириш ва хулоса килиш вазифаси юкланган. Веберда немис иктисодий гоялар XIX асрнинг бошида нимадан, кайси усулдан узоклашнинг бошланган булса, уша позицияга кайтишни куриш мумкин.

Вебер кадриятларнинг энг юкориси индивид озодлиги эканлигини таъкидлайди. Расизм, национализмни ёлгон идеология деб айтади.

Шундай килиб, <u>тарихчиларнинг 3 авлоди</u>:
авлод вазифани куя олади,
авлод жуда катта материални туплай олди,
авлод эса умумлаштириб, тушунтириб берди.
Бу нарса килинганда маълум булиб колдики, немисларнинг «тарихий методи» инглизларнинг иктисодиёт назариясини урнини боса олмайди, балки тулдиради, холос.

3 - саволга жавоб.

Австрия мактаби сиесий иктисоднинг «неоклассицизм» йуналишига асос солди. Кейинчалик бу гаялар Кембридж ва Америка мактаблари томонидан ривожлантирилди.

Австрия мактаби XIX асрнинг 70 йилларида вужудга келди. У уз олдига шундай вазифа куйиган эди – Маркснинг кийматнинг мехнат назариясига карши назарияни яратиш.

Бу мактабнинг асосичиси Карл Менгер (1840 - 1921) эди. У Вена университетининг профессори булган.

Унинг асосий асарлари: «Сиёсий иктисод асослари» (1871 й.), «Ижтимоий фанлар ва биринчи навбатда сиёсий иктисонинг методи тугрисида тадкикот» (1883 й.).

ЭЙГЕН БЕМ - БАВЕРК (1851-1914) олдин Инсбург, кейин Вена университети профессори булиб ишлаган.

Асосий асарлари: - «Хужалик неъматлари киймати назарияси асослари» (1886 й.), «Капитал ва фойда» (1884 - 1889 й.), «Карл Маркс назарияси ва уни танкид» (1896 й.) ва бошкалар.

ФРИДРИХ ВИЗЕР (1851 - 1926) Вена университети профессори булиб ишлаган.

Асосий асарлари: «Хужалик кийматларнинг келиб чикиши ва бош конуни тугрисида» (1884 й.), «Табиий киймат» (1889 й.), «Хукмронлик конуни» (1926 й.).

Австрия мактаби таълимоти иктисодий ходисаларни тушунтиришда субъектив - психологик жихатдан ёндашиш билан фаркланади. Иктисодий ходисалар ва жараёнларнинг хал килувчи белгиси хужалик субъектларининг психологияси, уларнинг уз фаолиятларида амал килувчи мотивлар, уларнинг субъектив бахолашлари деб хисоблаганлар. Австрия методологиясининг асосий принципларидан бири маржинализмдир. Маржина (французча суз булиб, чегара, меъёрни билдиради). Маржинализм хар нарсанинг меъёри бор дейди.

«Меъёрий фойдалилик» назарияси Австрия мактабининг назариясининг асосини ташкил этади. Меъёрий фойдалалик назариясини Австрия мактабининг вакиллари Маркснинг кийматнинг мехнат назариясига карши куядилар. Улар «товар» ва «киймат» урнига «неъмат» ва «киммат» категорияларини ишлатадилар. Улар неъмат кимматини субъектив (шу субъект нуктаи назаридан) ва объектив (товарнинг бозор бахоси) турларини ажратадилар.

Эхтиёжларнинг кондириш даражаси усиб бориши билан, фойдалиликнинг конкрет даражаси пасаяди, хар бир товар (неъмат) эхтиёжни кондиришда узидан олдингидан кура камрок фойдаликка эга. Неъматлар чегараланган холатда, хар бир неъмат меъёрли экземпляри бор, мана шу меъёрли экземплярнинг фойдалилиги неъматнинг кимматини (кийматини) белгилайди, бошкача айтганда товар киймати унинг меъёрли фойдалилиги билан белгиланади. Улар товар кийматига уша товарнинг ноёблиги хам таъсир килади дейдилар (масалан, олмос).

Австрия мактаби вакиллари хамма иктисодий ходисаларга «меъёрий фойдалилик» назарияси нуктаи назаридан ёндашганлар. Бу мактаб нафакат социализмнинг хар кандай шаклини, балки давлатни иктисодиётга аралашувини хам инкор этар эдилар. Охирги позиция Австрия мактабининг 3 авлоди Мизес ва Хайекларда кучли булади. (Уларни эса кейинрок курамиз).

- саволга жавоб.

Ишлаб чикариш концентрациясининг ва монополлашувининг усиши, ракобатнинг кучайиши XIX аср охири - XX аср бошларида капиталистик корхонанинг ишлашини кийинлаштириб юборди, ишлаб чикариш ва муомала жараёнини мураккаблаштириб юборди. Янги шароитга корхоналарнинг мослашуви учун микроиктисодиётни анализ килишга кизикиш уйготди.

Микроиктисодий анализни пайдо булишига ва ривожланишига Альфред Маршалл (1842 - 1924) катта хиссса кушди. У Кембридж (1209 йилда асос солинган университет, дунёнинг энг кадимий ва обрули университетларидан бири) университетнинг профессори. Унинг асосий асарлари: «Иктисодий фан асослари» (1890 й.), «Саноат ва савдо» (1922 й.). У узини Рикардо таълимотининг давомчиси деб хисоблаган.

Маршалл узининг асарида («Иктисодий фан асослари» асарида, рус тилига «сиёсий иктисод принциплари» деб таржима килган, жуда катта 3 томли асар) уша даврда мавжуд булган назарияларни (ишлаб чикариш харажатлари, талаб ва таклиф, капиталнинг унумдорлиги, капиталистнинг уз - узини тийиш, меъёрли фойдалилик, ижтимоий дарвинизм ва эволюционизм) умумий бир концепцияга бирлаштира олган.

У биринчи булиб «политэкономия» терминини урнига «экономикс» терминини киритади ва бу фанни биология билан боглайди. У тараккиётни факат эволюцион йулини тан олади, иктисодиёт ривожланиб кишилар ахволи яхшиланиб бораверади дейди, демак революцион курашнинг хожати йук дейди.

Маршаллнинг ушбу китоби уша пайтгача асосий дарслик булиб келган (куплаб гарб мамлакатларида) Дж. Ст. Миллнинг «Сиесий иктисод принциплари» нинг урнини олди, ундан хам машхуррок булди.

Маршалл иктисодий таълимотининг марказий урнини бахо муаммолари эгаллайди. У бахонинг 2 омили: ишлаб чикариш харажатлари ва «меъёрий фойдалилик» ни талаб ва таклиф билан боглайди.

У дейдики, сотишга мулжалланган товарнинг бахоси ишлаб чикариш харажатлари билан белгиланади, аммо талаб ва таклиф, яъни сотувчи ва харидорнинг товарнинг бахолаши натижасида бозор бахоси келиб чикади.

Маршалл «талабнинг эгилувчанлиги» (эластиклиги) ни киритди, яъни бахо узгариши талаб узгаришига олиб келади, улар бир - бирига богликдир.

Маршалл умумий иктисодий мувозанат назариясини хам илгари сурган. Бу назарияга асосан эркин ракобат механизми нафакат даромадларни «адолатли» (яъни ишчилар мехнатига яраша иш хаки, капиталистлар –

фойдани, ер эгалари – рентани) таксимлашни таъминлайди, балки иктисодий ресурслардан тула фойдаланади («тулик иш билан таъминланганлик»). Бу назария капиталистик иктисодиётнинг ички баркарорлиги, эркин тадбиркорликда бозор механизмининг автоматизми, иктисодиётга давлатнинг аралашмаслиги сиёсатини уз ичига олган концепцияга асос булди. Бу концепция XX асрнинг 30 - йилларигача ривожланган мамлакатларда хукмрон йуналиш булиб келди.

– саволга жавоб.

Американинг иктисодий тараккиёти Гарбий Европа иктисодий тараккиётидан бир мунча фарк килар эди: янги дунёда эски дунёга нисбатан ишчилар 5 - 10 марта куп иш хаки олар эдилар, шунинг учун синфий антогонизм унчалик кескин эмас эди. Шу шароитда социалистик гоялар яхши илдиз ота олмас эди. Чунки ишчилар нисбатан яхши яшар эдилар. Америка иктисодиёти нисбатан баркарор, жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган эди. Бу иктисодий гояларга хам уз таъсирини утказган.

Америка мактабининг энг кузга куринган вакили Джон Бейтс Кларк (1847 - 1938) булиб, у Колумбия университети (АКШ, Нью-Йорк шахрида, 1754 йил асос солинган, 15 минг талаба 1979 йил булган) профессори.

Асосий асарлари – «Бойликнинг таксимланиши» (1899 й.), «Иктисодий назария мохияти» (1907 й.).

Кларк «меъёрли унумдорлик» назариясини узининг бутун карашларини асоси килиб олади. Кларк табиат ва жамият конунларини бир деб, сиёсий иктисод табиий фанлар билан бир дейди, механика принципига асосан сиёсий иктисодни статика ва динамикага булади.

Иктисодий статика «ижтимоий» конунларни, яъни капитализм конунларини урганади, у стационар холатда, яъни хеч кандай узгариш булмайдиган холатда иктисодиётдаги мувозанат конунларини урганувчи фан дейди. Стационар холат - фикран тасаввур килинадиган модель, конунларни урганиш учун, соф холатда мувозанат шароитини аниклаш учун зарур.

Иктисодий динамика мувозанатнинг бузилишининг сабабларини аниклайди, бир мувозанат холатидан иккинчи мувозанат холатига утади. Бу бузилишни Кларк тармоклар уртасидаги диспропорция, талаб ва таклиф уртасида номуносиблик дейди. Бир холатни иккинчиси билан урганиш мумкин, дейди Кларк.

Кларк ишининг катта кисми «меъёрли унумдорлик» назариясига багишланган. Бу Сейнинг ишлаб чикариш омиллари назариясига асосланади ва унумдорликнинг пасайиш конунига таянади. Бу конун буйича бир ишлаб чикариш омилининг бошка омилларга нисбатан ошиши, шу омил унумдорлигини пасайтиради. Масалан, капитал хажми узгармаган такдирда хар бир янги ишчи олдингисига нисбатан камрок махсулот беради.

Кларк биринчи булиб тадбиркорларни капиталистлардан ажратади. Тадбиркор тадбиркорлик фойдаси олади, капиталистлар фоиз олади дейди. Капиталистлар бу капитал эгалари, тадбиркорлар эса хеч кандай капиталга

эга эмас, улар капитални карзга олади, уз аклини, янги техника технологияни жорий килиб фойда олади дейди.

Биз юкорида «неоклассицизм» нинг уч мактаби Австрия, Кембридж ва Америка мактабларини курдик. Булардан ташкари яна 4 чи мактаб математика мактаби хам бор. Улар хар кандай иктисодий ходисаларни ракамлар оркали ифодалашга харакат киладилар. Улар эконометрия, экономика - математик методларни ривожлантиришга катта хизмат килганлар.

Бу мактабнинг кузга куринган вакиллари: У. Джевонс, Л. Вальрас, В. Парето, Ф. Эджуорт, Г. Кассель, К. Викселль.

Математика мактаби шартли хисобланади, чунки унга швецариялик Вальрас, швед - Кассель, америкалик Леонтьев, инглиз – Джевонс ва бошкалар, хар хил давлатда ижод килганлар киритади.

Аммо бу олимларни марказлаштирувчи Леон Вальрас (1834-1910) яратган Лозанно, Швейцария мамктаби булгани учун, айрим холда Лозанна мактаби хам дейилади. Л. Вельрас «соф иктисодий фан элементлари» (1874 й.) асарини ёзган, бу маржинализмни вужудга келтирган асарлардан бири эди.

Вальрас фойдалилик урнига ноёблик тушунчасини киритди ва микдор истеъмолининг камаювчи функциясини таклиф этди. Умумий бозор мувозанати назариясини ишлаб чикди ва унинг тенгламасини яратди. Вальрас конуни буйича, бозор мувозанати шароитида умумий талаб умумий таклифга тенгдир.

Вильфредо Парето (1848 - 1923) Вальрасдан кейин Лозаннадаги сиёсий иктисод кафедраси мудири (1893 йилдан.). У Элита назариясининг автори. Китоблари: «Политэкономия курси» (1896 - 97), «Сиесий иктисод дарслиги» (1900 й.).

Парето оптимуми – бозорнинг шундай холатики, хеч ким уз ахволини бошканинг ахволини ёмонлаштирмасдан эриша олмайдиган холат.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Маржинализм нима?
2. Госсен конунлари нима?
3. Неоклассик йуналишнинг кандай мактаблари пайдо булди?
4. Тарихий мактабнинг асосий хулосаси нимадан иборат?
5. А. Маршаллнинг асосий хизмати нимада?

Мавзу буйича таянч иборалар.

19 асрнинг охиридаги энг мухим муаммолар - бу шароитда 2 та мухим вазифа келиб чикади: а) Синфий антогонизмни камайтириш; б) Макрсизмни пролетариат уртасидаги таърисини камайтириш.

Маржинализм огирлик марказини уртача катталиклардан меъерийга кучирди, чегараланган ресурслар шароитида оптимал вариантни кидиришга кучирди. Ишлаб чикариш омилларининг шундай комбинациясини топиш керакки ишлаб чикарилган махсулотнинг нафлиги максимал булсин

Госсен конунлари –

1 чи Госсен конуни - меъерий нафликнинг пасайиш конуни;

2 чи Госсен конуни – «шахс узининг ялпи нафлигини максимумга чикаради, агар унда булган ресурсларни хар хил неъматлар уртасида шундай таксимлайдики, хар бир неъмат учун сарфланган охирги сарфланган ресурс бир хил коniктириш беради».

Янги тарихий мактаб» эски тарихий мактабдан ажралиб чикди. Бу биринчи навбатда Германияда, кейин бошка давлатларда таркалди. Бу мактабнинг 2 окими - консерватив ва либерал окимлари пайдо булади. Консерваторлар эски тартибларни саклаш позициясида, либераллар эса ривожланаётган капитализмнинг эски муносабатлар ва тартибларга мослашиши имконият борлиги позициясида эдилар

Давлат социализми. Бисмарк 19 асрнинг охирида айрим нарсаларни (темир йул, тамаки саноати) национализация килаётган эди, шуни улар социалистик чоралар деб эълон килганлар. Кейинчалик, Ленин хам шундан бошлаган эди. Аммо буни Энгельс танкид килиб ёзадики, агар давлат монополияси социализм булса, социализм асосчиси Наполеондир, дейди.

Талабнинг эгилувчанлиги – талаб эгилувчанлиги, ёки эластиклигини Альфред Маршалл киритди, яъни бахо узгариши талаб узгаришига олиб келади, улар бир - бирига богликдир.

Умумий иктисодий мувозанат назариясини хам Маршалл илгари сурган. Бу назарияга асосан эркин ракобат механизми нафакат даромадларни «адолатли» (яъни ишчилар мехнатига яраша иш хаки, капиталистлар – фойдани, ер эгалари – рентани) таксимлашни таъминлайди, балки иктисодий ресурслардан тула фойдаланади («тулик иш билан таъминланганлик»).

Иктисодий статика «ижтимоий» конунларни, яъни капитализм конунларини урганади, у стационар холатда, яъни хеч кандай узгариш булмайдиган холатда иктисодиётдаги мувозанат конунларини урганувчи фан дейди.

Стационар холат - фикран тасаввур килинадиган модель, конунларни урганиш учун, соф холатда мувозанат шароитини аниклаш учун зарур.

Иктисодий динамика мувозанатнинг бузилишининг сабабларини аниклайди, бир мувозанат холатидан иккинчи мувозанат холатига утади. Бу

бузилишни Кларк тармоклар уртасидаги диспропорция, талаб ва таклиф уртасида номуносиблик дейди. Бир холатни иккинчиси билан урганиш мумкин,

Вальрас конуни - Вальрас фойдалилик урнига ноёблик тушунчасини киритди ва микдор истеъмолининг камаювчи функциясини таклиф этди Умумий бозор мувозанати назариясини ишлаб чикди ва унинг тенгламасини яратди. Вальрас конуни буйича, бозор мувозанати шароитида умумий талаб умумий таклифга тенгдир.

10-мавзу

В. И. Ленин асарларидаги иктисодий назариялар. Совет даври иктисодий таълимотлари

(2 соат).

Р Е Ж А

1. Лениннинг капитализм ва империализм тугрисидаги асарлари.
2. Лениннинг социализм концепцияси ва хозирги замон.
3. Совет хукумати урнатилгач бош иктисодий муаммолар ва уларга караш. Лениннннинг социализм планининг амалга оширилиши ва унинг окибатлари. Шахсга сигиниш.
5. Совет иктисодчиларининг гоялари. Совет тузуми ва реформа.

ФОЙДАЛАНИЛГАН А Д А Б И Ё Т Л А Р:

Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков А.А. тахрири остида. 1997 йил, 11 боб.
Иктисодий таълимотлар тарихи. Гуломов С. тахрири остида, 1992 йил.
В.И.Ленин тула асарлар туплами. 1, 3, 27, 31, 32, 36, 41, 44 томлар.
История экономических учений под редак. Рындина М.Н., М. 1983.

1 - саволга жавоб.

Владимир Ильич Ленин (1870 - 1924) рус, Симбирск шахрида тугилган. Козон университетига укишга кирган, у ердан хайдалгач, Петербург университетининг сиртки (экстренный) укиган. 1897 йил революцион фаолияти учун Сибирга сургун килинган, то 1900 йилгача сургунда булган. 1901-1905 биринчи, 1907-1917 йиллар иккинчи эмиграцияда булган. 1917-1924 йиллар узи ташкил килган Совет давлатини бошкарган.

«Социалистик» революциянинг идеологи, рахнамоси хисобланади, Совет тузумининг ижодкори. Инсоният тарихига таъсир килганлар ичида унинчи уринни эгаллайди (БМТ шкаласи буйича).

Ленинизмнинг тугилиши XIX асрнинг 90 йилларига тугри келади. Бу вактга келиб Россия Европанинг энг тез ривожланаётган давлатига айланган эди. 1861 йил крепостнойлик хукукининг бекор килиниши бу жараёнга туртки булди. 90 йилларнинг урталарига келиб Россияда 10 млн. атрофида ёлланма ишчи булган.

Шу даврга келиб Россияда марксизм хам кенг таркала бошлади: «Ишчиларнинг жанубий иттифоки» (1875), «Рус ишчиларининг шимолий иттифоки» (1878),. «Ишчилар синфини озод килиш учун кураш иттифоки» (1895 йил йил Ленин тузган).

Россияда уша пайтда марксизмдан ташкари либерал  народниклар ва легал марксистлар окими мавжуд эди.

Уша замоннинг энг мухим назарий муаммоси - Россияда капитализм такдири муаммоси эди.

Либерал народниклар  (Михайловский, Дониельсон, Воронцов, Южаков ва бошкалар) майда буржуа манфаатини химоя килар эдилар, улар Сисмонди гояларига таяниб Россияда капитализм ривожланиши мумкин эмас,  дер эдилар. Улар «халк ишлаб чикаришига - дехкончилик ва косибчиликка кайтиш керак» дер  эдилар.

Легал марксистлар – П. Струве, М. Туган-Барановский, С.Булгаков, Л.Нежданов ва бошкалар. Народникларни танкид килиб келганлар. Улар марксизмнинг зарарли гоялари – социаалистик революция, синфий антогонизми, пролетариат диктатураси каби гояларни олиб ташлаб, капитализмнинг прогрессив тузум эканлигини буртириб курсатганлар.

В. И. Ленин либерал народниклар ва легал марксистларга карши узининг биринчи асарларини ёзади. Бу асарлар куйидагилардан иборат:
«Дехконлар хаётида янги хужалик харакати» (1893 й.),
«Бозор тугрисида масала тугрисида» (1893 й.),

- «Халк дустлари кимлар ва улар «социал-демократларга» карши кандай курашадилар» (1894 й. бу асарда народникларнинг гояларини танкид килган),

- «Народникликнинг иктисодий мохияти ва  жаноб Струвенинг китобида унинг танкиди» (1894 - 95 йилларда ёзилган. Бу асарда легал марксизм танкид килинган).

«Россияда капитализм ривожланиши» (1899 йил сургунда ёзган).  Бу асарда у  90 йиллардаги уз ижодини умумлаштириб, ривожлантирган. Асарда Ленин катта материалга асосланиб капитализм аллакачон хатто кишлокда хам ривожланганлигини анализ килиб чикади, у кишлокдаги асосий синф ва табакалар структурасини анализ килган, кишлок буржуазияси, кишлок пролетариати ва урта холларнинг ахволини урганади. У асарда Россия материали асосида капитализм ривожланишидаги 3 боскич -

а)  кооперация,

б) мануфактура ва

в) йирик машиналашган индустриядан иборат эканлигини анализ килади.

Ленин уз асарларида капитализм ривожлана бориб узи учун узи бозорни кенгайтира боришини исбот килади. Народниклар Россияда ички бозор хаддан ташкари тор, шунинг учун Россияда капитализм ривожлана олмайди дер эдилар.

Ленин натурал хужалик секин - аста товар хужалигига утиб боришини исбот килиб беради ва утиш даврини 6 боскичга булади.

В.И.Ленин ижтимоий ишлаб чикаришнинг  икки булинмасида  I булинма II чисидан тезрок усишини уша  давр материалига таяниб исбот килиб беради, яъни ишлаб чикариш воситалари ишлаб чикариш истеъмол буюмлари ишлаб чикаришдан устун даражада усишини исбот килиб берган.

XX аср бошида социал - демократик партиянинг аграр программасини ишлаб чикиш жуда мухим эди, чунки Россия дехконлар давлати эди, яъни ахолининг асосий кисми кишлокда яшар эди. Россиянинг тараккиёти куп холда дехконларга, аграр муаммоларни хал килишга боглик эди.

Ленин шу пайтда аграр муаммоларга багишлаб бир неча асар езган: – «Рус социал-демократиясининг аграр программаси» (1902 й.), «Аграр масала ва Марксни танкид килувчилар» (1901 й.), «Европада ва Россияда аграр масалага марксисча караш» (1903 й.), «1905-1907 йиллардаги биринчи рус революциясида социал-демократларнинг аграр программмаси» (1907 й.), «Дехкончиликда капитализм ривожланиши конунлари тугрисида янги маълумотлар» (1914-1915 й.).

Ленин уз асарларида большевикларнинг аграр программасини ишлаб чиккан, кишлок хужалигида капитализм ривожланишининг иккита йули эволюцион (пруссча) ва революцион (американча), ерга булган монополиянинг икки турини, ерни национализация тугрисидаги таълимотни ривожлантирди.

Лениннинг ерни национализация килиш тугрисидаги таълимоти кейинчалик совет тузумини куришга катта роль уйнаган.

Ленин П.Струве ва М.Туган-Барановскийларни киймат ва истеъмол киймат масаласида нотугри танкид килган. Ленин иктисодий таълимотдаги Марксдан кейинги узгаришларни (маржинализмни) кура билмаган, тушунишни хохламай, Маркс гояларини химоя килишга интилган. Струве ва Туган-Барановскийлар Россияда уша замонда социализм куриб булмаслигини исбот килиб берганлар, Ленин эса уларни танкид килиб чиккан. Струве ва Туган - Барановскийлар Австрия мактаби иктисодчиларининг издошлари сифатида Россияда иктисодий билимлар ривожланишига катта хисса кушганлар.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидаги капитализм Маркс давридаги капитализмдан анча фарк килар эди – ишлаб чикарувчи кучлар юкорирок даражага кутарилган, янги-янги саноат тармоклари (химия, нефть, электротехника, автомобиль, авиация) пайдо булган, ишлаб чикариш концентрация даражаси анча усган, йирик монополиялар келиб чиккан эди.

Шу даврнинг узига хос хусусиятларини уша замоннинг олимлари чукур анализ кила бошлаган эдилар. (Масалан , Дж. А. Гобсон (1858 - 1940 й.) узининг «Империализм» (1902 й.) асарида бу инглиз олими уша даврдаги узгаришларни жуда чукур анализ килган. Империализм йирик капиталнинг бошка ерларни, бозорларни босиб олишнинг алохида сиёсати деб бахолаган. Бу сиёсатни капитализмнинг узида йукотиш мумкинлигини тугри айтиб бера олган. Гильфердингнинг «Молия капитали» (1910 й) асарида, К. Каутскийнинг «Хокимиятга йул» (1909 й.) асаридаги «Ултраимпериализм назарияси», Н.Бухарин «Жахон хужалиги ва империализм» (1915 й.) ва бошкалар.).

В.И. Ленин юкоридаги асарларга жуда юкори бахо берган, ундаги гояларни уз асарларида фойдаланган. Ленин «Бошкалар байроги остида», «II Интернационалнинг тугатилиши», «Социализм ва уруш» ва бошка

асарларида империализм муаммоси кисман тегиб утилган. Унинг империализмга багишланган асосий асарлари «Империализм – капитализмнинг юкори боскичи» (1916 й.) ва «Европа Кушма Штатлари шиори тугрисида» (1915 й.).

Ленин «Империализм - капитализмнинг юкори боскичи» асарини ёзиш учун 800 варакдан иборат китоблардан кучирма килиб 148 китоб ва 232 маколадан фойдаланган. Аммо у биринчи навбатда Гопсон ва Гильфердинг асарларига таянган. У асарни оммабоп тилда ёзишга харакат килган.

Асарда имприализмнинг 5 белгисини келтиради ва 3 томонлама тарихий урнини курсатган.

Ленин бу асарда бир – бирининг антогонизми булган ракобат ва монополияни, молия капиталини, банк фолиятидаги янги ходисалар, четга капитал чикариш, унинг окибатлари, дунёнинг территория жихатидан ва иктисодий жихатдан булиб олиниши анча яхши ёритилган. Ленин империализмни биринчи навбатда монополистик деб бахо берган. Ленин шу асарида ва ундан кейинги асарларида (масалан, «Давлат ва революция», 1917 й.) давлат монополистик капитализми, капитализмнинг умумий кризиси каби узини окламаган гояларини илгари сурди.

2 - саволга жавоб.

Октябрь тунтаришидан кейин Совет хукуматининг асосчиси сифатида Ленин социализм куряпмиз деб, социализм муаммоларига бегишлаб куплаб китоблар, маколалар ёзди. У социализм сиесий иктисоди алохида фан деб исботлашга куп уринди. Чунки II Интернационал лидерлари капитализм тугаши билан сиесий иктисод хам тугайди деб уйлаганлар. Ленин хатто коммунизмда хам иктисодий муаммолар колади, демак, иктисодий фан хам булади дейди.

Ленин капитализмдан социализмга алохида утиш даври, унинг хукумати пролетариат диктатурасига куплаб асарларини багишлаган («Болаларча «суллик» ва майда буржуачилик тугрисида», «Пролетариат диктатураси даврида иктисодиёт ва сиёсат»). У утиш дарвидаги беш укладни (патриархал, майда товар, хусусий капиталистик, давлат капитализми ва социализм) ёритиб берган.

Лениннинг социализм куриш плани куйидаги асарларида ёритилган
«Ушбу революцияда пролетриатнинг вазифалари тугрисида» (1917 й.),
«Большевиклар хокимиятни ушлаб кола оладиларми» (1917 й.),
«Хавф солаётган катастрофа ва у билан кандай курашиш керак» (1917 й.),
«Давлат ва революция» (1917 й.),
«Совет хокимиятининг навбатдаги вазифалари» (1918 й.),
«Буюк почин» (1919 й.),
«Озик - овкат солиги тугрисида» (1921 й.) ва бошкалар.

«Съездга хат» (1922 й.) махфий тарзда сеъзд делегатларига юорилган хатда узидан кейин хукуматда коладиган асосий шахслар: Сталин, Бухарин, Троцкий, Каменев, Зиновьевларга сиёсий бахо берилган.

«Кооперация тугрисида» (1922 й.) асарида Ленин социализм куриш планини, биринчи навбатда, ишлаб чикариш воситаларини ижтимоийлаштириш, унинг хилма-хил шакллари (конфискация, сотиб олиш, экспроприация) шароитга караб, махсулот ишлаб чикариш ва таксимот устидан умумхалк назорати, кишлок хужалигида бутун ерни национализация килиш, ички ва чет эл капиталини чегараланган холда фойдаланиш, эркин савдо урнига шахар билан кишлок уртасида товар алмашув ва натурал солик жорий этиш, яъни бу сиёсатни харбий сиёсат деб айтади ва иложсизликдан килиниши керак дейди.

Кейинчалик у <u>НЭП – янги иктисодий сиёсатга</u> утишни уртага ташлайди. Бу сиесат кисман капитализмга кайтиш сиёсати эди (эркин савдога рухсат, хусусий мулкка рухсат…). Ленниннинг социализм куриш плани колок давлатни илгор давлатга чикаришнинг узига хос усули эди ва у 3 та мухим вазифани бажаришни талаб килар эди:

А) индустриялаштириш (давлатнинг иктисодий мустакиллигини, харбий, мудофаа кобилиятини таъминлаш учун);

Б) кишлок хужалигини коллективлаштириш, кишлок хужалигини кайта куриш;

В) маданий революцияни.

Ленин ижтимоий мулкнинг 2 шакли – умухалк (давлат) ва коллектив мулкни ажратган (биринчисини биринчи даражали роль уйнайди, иккинчиси ердамчи дейди). Ленин социализмда хужалик ва маънавий рагбатлантиришни бирга олиб бориш кераклигини айтади. В.И.Ленин планли ривожланиш конуни, пропорционаллик, планлаштириш принципларини ишлаб чикишга катта эътибор берган.

В.И.Ленин коммунистик формациянинг куйи ва юкори фазалари, уларнинг умумий томонлари хамда фаркларини ёритишга катта эътибор берган.

Умуман, Лениннинг гоялари СССРда социализм куришга назарий асос булиб хисобланган. Шу билан бирга бу гояларни Сталин, Бухарин, КПСС материалларида ривожлантиришга харакат килганлар.

Умуман олганда, Ленин гоялари асосан нотугри эканлигини хаёт курсатди. 80 - 90 йилларга келиб социалистик система булиниб кетди, СССР парчаланиб кетди, унинг урнида ташкил топган давлатларнинг хаммасида хусусий мулкчиликка, бозорга асосланган жамият куришга харакат килиняпти.

- саволга жавоб.

20 йилларда СССРда иктисодий назарияда <u>энг асосий муаммо</u> якка олинган бир мамлакатда социализм куриб буладими ёки йукми масаласи эди. Чунки, коммунистлар хукуматда булган ягона давлат СССР эди. Германия, Венгрияда ишчиларнинг чикиши бостирилди. Ленин ва унинг сафдошлари кутгандек жахон революцияси содир булмади.

Ленин ва ленинчилар якка олинган давлатда социализм куриб булади, Тройкий ва троцкийчилар эса куриб булмайди, деб хисоблар эдилар.

Л.Д. Троцкий (1879 - 1940) Лениндан кейин иккинчи уринда обруга эга булган большевиклар лидери. Троцкий капитализм куршов шароитида якка давлатда социализм куриб булмайди, бой давлатлардаги пролетариатининг ёрдами, социал-демократия, меньшивизмнинг ёрдамисиз хеч нарса килиб булмайди. Шунинг учун жахон революциясини килиш учун бошка давлатларга революцион шароит яратишга ёрдам бериш, керак дейди. СССРдаги корхоналарни социалистик эмас, балки давлат капиталистик корхоналар, тузумни эса давлат капитализми деб бахолаган. Аммо Сталин 1929 йилга келиб троцкизмни гоявий жихатдан хам, жисмоний жихатдан хам бутунлай тор-мор килди.

20 - йилларнинг иккинчи ярмида энг катта иктисодий муаммо – колок Россияни иктисодиётини ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш, чунки якка колган давлат узини химоя килиш учун куплаб курол керак, уларни ишлаб чикариш керак эди. Шунинг учун индустриялаштириш бош масала эди.

Коммунистлар «социалистик индустриялаштириш» деган гояни уйлаб топадилар. Бу гояга асосан харбий саноат учун энг зарур тармокларни (машинасозлик, химия, металлургия ва б.) бошка тармоклар хисобидан (енгил ва озик-овкат саноати, кишлок хужалиги, хунармандчилик ва б.) жадал ривожлантиришдан иборат эди. Бу гояларни нотугрилигини троцкийчилардан Е.Преображенский ва Н.Бухарин, Риковлар кура билганлар.

Е. Преображенский бу пролетар саноатининнг бошка, носоциалистик сохаларни мустамлака килиш, уларни эксплутация килиш деб ёзади. Н.Бухарин эса енгил саноати ва кишлок хужалигини устун даражада ривожлантириш линияси билан чиккан.

Кишлок хужалигини коллективлаштиришнинг нотугри эканлигини уша пайтда кура билганлар (Н.Бухарин, Н.Д.Кондратьев, Чаянов). А.Чаянов майда дехкон хужалиги, у уз мехнати билан яшаши, унинг баркарорлигини ёклаб чиккан. У колхозлар узок яшай олмайди, деб айтган эди. Чаянов ва бошкалар хозирги гарб давлатларидагидек булган муомала сохасидаги кооперацияларни, кишлок хужалигида стихияликни, уз-узидан ривожланишни ёклаб чикканлар. Улар кулокларни томонини олиб чикканлар. Уша даврда Н.Бухариннинг «бойингиз» деган шиори ташланган эди.

1926 йил «Совет экономикасидаги регулятор» масаласида дискуссия булди, коммунистлар социализмда факат 1 та регуляторни – планни тан олдилар. Н.Бухарин эса киймат конуни булиши керак дейди (худди капитализмдагидек), Е.Преображенский эса 2 регулятор - давлат секторида план, майда товар ва капиталистик секторда эса киймат конуни деб чикади.

- саволга жавоб.

Социалистик индустриялаштиришнинг хусусиятлари:

А) харбий йуналишга эга;

Б) факат огир саноатга эътибор бериш;

В) озик-овкат ва енгил саноатга эътибор кам (ривожланган мамлакатларда шу сохалардан бошланган);

Г) индустриялаштириш учун маблагни хунармандчилик хамда кишлок хужалигидаги бор даромадни тортиб олишга каратилган;

Д) Авлодлар яратган бойликни совуриб чет эл станоклари сотиб олиш (1931 йил АКШнинг машиналар экспорти 40 %, жумладан тракторларнинг 77, 3 %, металлни кайта ишловчи станокларнинг 57,8 % СССРга тугри келган, буларни олиш учун олтин ва бошка бойликларга берилган).

Коллективлаштириш эса индустриялаштириш учун зарур эди. Ерга, хосилга бутунлай хужайинлик килиш учун совет давлати томонидан кишлок хужалигида коллективлаштириш амалга оширилган эди. Бунинг окибатида Совет Иттифоки территориясида олдин булган мол 2 марта камайиб кетган, камида 10 млн. одам, жумладан, 4-5 млн. одам очликдан улиб кетган.

Коллективлаштириш окибатида давлат бутун сохаларга хукмрон булиб олган. Дунё буйича четга энг куп кишлок хужалиги махсулотлари сотадиган давлат, чет элдан энг куп кишлок хужалиги махсулотлари импорт киладиган давлатлардан бирига айланади.

Сталин шахсга сигиниш СССР иктисодий тараккиётига жуда катта салбий таъсир килган. Шахсга сигинишнинг келиб чикишининг сабаблари:

а) Ленин яратган тузум;

б) Ленин яратган партия;

в) билим даражаси саез булган шахс - Сталин (у ёшлигида мактабда чала-чулпа укиган, авлоди хам узига яраша- этикдуз фарзанди, институтда укимаган, революционерларга кушилганча карокчилик килган киши);

г) минг йиллик тажрибага эга булган бюрократия,

д) интеллигентлар катламининг асосан йукотилиши;

е) колок, дехкон давлати булган Россиянинг одил шохга сигиниш психологияси;

ж) кечагина дехкон, бугун ишчига айланганлар пролетариат синфининг купчилигини ташкил этиши.

Сталин даврида амалга оширилган «маданий революциянинг» энг катта хатоси, унинг:

а) динсизлиги, бунинг окибатида авлодлар йиггaн маданиятнинг асосий кисми инкор килинган эди, чунки бу маданият дин билан уйгунлашиб кетган эди;

б) синфийлиги, бунинг окибатида бошка синфлар яратган маданият тан олинмади. (мас. 20 йилларда футбол буржуа уйини деб такикланган, 40 йилларда кибернетика фани хам буржуа фани сифатида такикланган).

Маданий революциянинг окибати: энг катта юткизиш – мамлакат миллат генофондининг (аклли кишиларнинг) асосий кисмидан ажралди.

- саволга жавоб.

Совет иктисодчилар уз замонларини чукур анализ килишга харакат килганлар. Улар утиш даврида ва социализмда иктисодий конунларнинг узига хос томонларини (Н.И.Бухарин, И.И.Скворцов-Степанов, И.И.Рубин ва бошкалар), товар ишлаб чикариш, савдо, пул бозор ва план нисбатлари (Н.И.Бухарин, Е.А.Преображенский, Г.Я.Сокольников, Л.Н.Юровский), халк хужалигини планлаштириш ва такрор ишлаб чикариш муаммолари (Н.И.Бухарин, Г.М.Кржижановский, В.А.Базаров, В.Г.Громан, Г.А.Фельдман, С.Г.Струмилин (1877 - 1974 ), Н.Д.Кондратьев), аграр муаммолар, ер рентаси назарияси (А.В.Чаянов, Н.Д.Кондратьев, Н.П.Макаров, А.Н.Челинцев, Л.Любимов), жахон хужалигидаги янги ходисалар (Е.С.Варга) ва бошка куплаб тахлил килганлар.

Шу ишлар ичида хозир хам ахамиятини йукотмаган, гарб давлатларида хам тан олинган концепция бу Н.Д.Кондратьевнинг «конъюктуранинг катта цикллари» дир. Бу концепцияга асосан хар 50 - 70 йил иктисодий тараккиёт бир катта цикл сифатида айланади.

Макроиктисодиётни яхлит бир объект сифатида планлаштиришнинг муаммоларини анализ килишда хам совет олимлари (Крижижановский, С.Г.Струмилин, В.Леонтьев) катта хисса кушдилар. В.Леонтьев (1906 йил тугилган) кейинчалик (40 йилларда АКШда) тармоклараро балансни яратди ва АКШ иктисодиётида куллаган. Шу иши учун (1973 й.) Нобель мукофотини олган.

Экономика - математикада хам совет олимлари анчагина иш килганлар. Масалан, А.В.Канторович уз ишлари ( ишлаб чикариш оптималлаштириш муаммолари) учун 1975 йил Нобель мукофотини олган. У 1912 йил тугилган. У линияли программалаштиришга асос солган. Оптимал планлилик асосчиларидан хисобланади.

СССРда вужудга келган маъмурий буйрукбозлик системасининг камчиликлари борлиги 1960 йилларга келиб нафакат айрим индивидлар, олимлар, балки давлат аппаратидагилар хам тушуна бошлайдилар. Шунинг учун 1965 йилда иктисодий реформа килишга харакат килинади. Бунда катта ролни Алексей Николаевич Косыгин (1904 - 1980 йй.) уйнаган. У 1964 - 1980 йиллар СССР Министрлар Советининг раиси булган.

Аммо у етарли натижа бермади, чунки реформа юзаки эди, жамият асосига тегмади. 1985 йилда М.С.Горбачев хукуматга келгач реформа килишга харакат кайта бошланди. Аммо жамият маъмурий - буйрукбозлик системаси шунчалик чириб кетган эдики, энди уни реформа эмас, балки уни бузиш керак эди. Бу нарса 1988 йилга келиб аник булиб колди, натижасида аввал халкаро социализм системаси парчаланиб кетди, кейин эса СССРни булиниб кетишга олиб келди.

КПСС уз умирини чузиш учун уйлаб топган «назариялар» - социализмнинг тула ва узил - кесил галабаси, коммунизм программаси (1961, Хрущев замони), ривожланган социализм (1970 йилларда Брежнев замони),

демократик, инсонпарвар социализм (Горбачев)нинг хаммаси тарихга колиб кетди.

Капитализмни ёмонлаш учун уйлаб топган назариялари – империализм, капитализмнинг умумий кризиси, давлат – монополистик капитализм хам тарихга колиб кетди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ленин шахси нега Россияда тугилди?
2. Ленинизмнинг узига хос томонлари нимада?
3. Лениннинг энг асосий хатолари нимада?
4. Совет хукуматининг бош иктисодий муаммолари нимада эди?
5. Совет даврининг кандай иктисодчиларини биласиз?
6. Коммунизм нега инкирозга учради?
7. Нега шахсга сигиниш пайдо булди?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Ленинизмнинг тугилиши XIX асрнинг 90 йилларига тугри келади. Бу вактга келиб Россия Европанинг энг тез ривожланаётган давлатига айланган эди. 1861 йил крепостнойлик хукукининг бекор килиниши бу жараёнга туртки булди

Либерал народниклар - майда буржуа манфаатини химоя килар эдилар, улар Сисмонди гояларига таяниб Россияда капитализм ривожланиши мумкин эмас, дер эдилар. Улар «халк ишлаб чикаришига - дехкончилик ва косибчиликка кайтиш керак» дер эдилар.

Легал марксистлар – народникларни танкид килиб келганлар. Улар марксизмнинг зарарли гоялари – социалистик революция, синфий антогонизми, пролетариат диктатураси каби гояларни олиб ташлаб, капитализмнинг прогрессив тузум эканлигини буртириб курсатганлар

Социалистик индустриялаштиришнинг хусусиятлари:

- харбий йуналишга эга, факат огир саноатга эътибор бериш, озик-овкат ва енгил саноатга эътибор кам (ривожланган мамлакатларда шу сохалардан бошланган),индустриялаштириш учун маблагни хунармандчилик хамда кишлок хужалигидаги бор даромадни тортиб олишга каратилган, авлодлар яратган бойликни совуриб чет эл станоклари сотиб олиш.

Коллективлаштириш эса индустриялаштириш учун зарур эди. Ерга, хосилга бутунлай хужайинлик килиш учун совет давлати томонидан кишлок хужалигида коллективлаштириш амалга оширилган эди.

Сталин шахсга сигиниш СССР иктисодий тараккиётига жуда катта салбий таъсир килган. Шахсга сигинишнинг келиб чикишининг сабаблари: Ленин яратган тузум, Ленин яратган партия, билим даражаси саез булган шахс – Сталин, минг йиллик тажрибага эга булган бюрократия, интеллигентлар катламининг асосан йукотилиши, колок, дехкон давлати булган Россиянинг одил шохга сигиниш психологияси;

«конъюктуранинг катта цикллари» бу концепцияга асосан хар 50 - 70 йил иктисодий тараккиёт бир катта цикл сифатида айланади.

## 11-мавзу

### ХХ аср урталаридаги иктисодий назариялар
( 2 соат).

Р Е Ж А:

Неоклассик мактаб. Неолиберализм.
Институционализм.
Ж.М.Кейнс ва кейнсчилик.
Йозеф Шумпетер. Буюк классик синтез.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков А.А. тахрири остида. 1997 й. 13 боб.
Иктисодий таълимотлар тарихи. Гуломов С. тахрири остида. 1992 й.
Улмасов А., Шарифхужаев М. Иктисодиет назарияси. Т. 1995 й. 22 боб.
Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. М., 1996 г. гл. 27,28,29,30.
Бунина М.К., Семенов В.А. Макроэкономика. М., 1996 г., стр. 241 - 287.

1- саволга жавоб.

ХХ асрга келиб неколассик йуналиш бир-биридан фарк киладиган 2 окимга эга эди.

Уларнинг биринчиси Вальрас, Маршаллар каби иктисодиётни тахлил килишда математика тилидан куп фойдаланадилар. Улар бозор иктисодиётини тахлил килишда иктисодий моделлар куролидан фойдаланадилар.

Иктисодий модел - бу диаграммалар, жадваллар, графиклар, формулалардан иборатдир. Бу йуналиш классик мактабдек тулик иктисодий карашлар тизим эмас, балки умумий тушунчалар аппратидир. Унда, позитивизмдан кура нормативлик (таклиф килишлар) кучлидир.

Биринчи иктисодий модел бу – Р. Харрод – Е. Дамара модели булиб, унинг максади узок муддатли перспективада равон усишнинг доимий ва узгарувчан шароитларини аниклаш булган.

Иккинчи модел – Х. Кобб – П. Дугласнинг икки омил моделидир. Омилларни (мехнат, капитал) алмаштириш, усиш манбаларини хисоблаш, иктисодий усишга технология таъсири, техника тараккиетининг таъсирини хисоблашга интилган.

КНУТ ВИКСЕЛЛ (1851 - 1926) узига хос мактаб яратган, аммо юкоридаги позицияда булган. У Швед мактаби деб ном олган мактабни яратди. Унинг китоблари: «Киймат, капитал ва рента» (1893 й.), «Фоиз ва бахолар» (1898 й.). У австрия мактаби гояларини математика тилида изхор килди.

Швед мактабида Густав Кассель, Вертил Улин, Эрик Линдаль, Эрик Лундберг, Гуннар Мюрдаль, Бент Хансен каби олимлар ижод килди.

Ирвин Фишер (1867 - 1947) америкалик. У хам шу позицияда ижод килган олимдир.

Унинг асарлари: «Фоиз назарияси» (1930 й.), «Капитал ва даромад табиати» (1906), «Фоиз нормаси» (1907) ва б.

У хозирги замон пул муомаласи конуни ( MG=PT) ни яратди.

Артур Пигу (1877 - 1959) – у А.Маршаллнинг шогирди, узидан кейин кафедра мудирлигига куяди (1908 йилдан). Фаровонлик назариясини якунлаган. 1912 йилда Пигу «Бойлик ва фаровонлик» китобини чикарди. Кенгайтирилган холда фаровонликнинг иктисодий назарияси номи билан 1932 йил чикди. Унинг теориясининг марказида миллий дивиденд тушунчасидир.

Пигу буйича умумий мувозанат шарти – меъёрий ижтимоий махсулот билан омилларнинг хамма йуналишида фойдаланишга тенглилигидир.

Пигу хозирги замон термини билан айтсак, хаёт сифатини белгиловчи тушунчаларни тахлил килган.

Неоклассик йуналишнинг иккинчи окими Австрия мактабининг базасида, бу мактабнинг учинчи авлодида бошланди. Бу окимнинг асосий гоялари асримизнинг 20 - 30 йилларида шаклланди, 40 - 70 йилларда кейнсчилик окими модага кирганлиги учун озгина эсдан чикарилди, аммо 70 йиллардан яна энг асосий окимга айланди. Унинг асосчилари Австриядан

чиккан америкалик Людвиг Фон Мизес (1881 - 1973) ва унинг собик шогирди Фридрих Фон Хайек (1899 - 1992) лардир.

Неолиберализм – тажрибада хужалик фаолиятини бошкаришда уз - узини тартибга солиш, чеклашлардан озод килишни тарафдорларидирлар. Улар иктисодий либерализмнинг 2 принципига риоя киладилар:

А) бозор – энг самарали хужалик тизими;

Б) субъектларнинг иктисодий фаолиятида эркинликнинг ахамияти катта.

Улар давлат факат ракобат учун шароит яратиши ва юкоридаги шароитлар булмаган жойда назорат килиши керак, дейдилар.

Австрия мактаби базасида пайдо булган бу йуналиш кейинчалик 3 мактаб базасида ривожланди:

Фрайбург (Германия) мактаби,

Лондон (Буюк Британия) мактаби ва

Чикаго (Америка) мактаби.

Людовик фон Мизес (1881 - 1973) нинг фикрича, марказлашган бошкарувга асосланган социалистик хужалик ва хукумат томонидан тартибга солинадиган бозор узок вакт яшаши мумкин эмас, чунки нарх - наво талаб ва таклифни акс эттирмайди. Бу жараён социализмнинг режаларини узбошимчалик билан тузадиган ташкилотларнинг кулига айланади, режаланган тартибсиз руй беради. Ягона окил сиёсат - бу либерализмдир. Мехнат таксимоти, хусусий мулк ва эркин алмашув цивилизациянинг мутлак асослари хисобланади.

Мизеснинг асосий асарлари: «Либерализм», «Инсоний харакат: иктисодиёт тугрисида трактат», «Иктисодий фан асослари: методология очерклари» ва бошкалар

Хайекни кейинги мавзуда урганамиз.

Мизес ва Хайек гояларидан илхомланган Вальтер Ойкен (1891 - 1950) уз мактабини - Фрайбург мактабини яратади. Ойкен узининг социал бозор назариясини яратади. У фашизм шаклидаги тоталитаризм жамиятини ичидан урганади (канцлагерларда хам булган), шунинг учун бозор иктисодиётидан бошка цивилизация йули йуклигини тушуниб етади.

Людвиг Эрхард (1897 - 1977) Гарбий Германияни иккинчи жахон урушидан кейин марказлашган планли иктисодиётдан бозор иктисодиётига олиб чика олди (Адэнаур даврида Молия вазири булган, ундан кейин эса давлат бошлиги булган). У Ойкен гояларини хаётга киритади. Реформалар оркали (пул, бахо ва бошкалар оркали) марказий бошкарув аппаратини кайта куриш автори хисобланади. Масалан, нархлар ярим йилда усишдан тухтатилган. Ойкен билан Эрхард «немис муъжизасининг» ижодкорларидир деб тан олинган. Улар биринчи булиб неолиберализм гояларининг тугрилигини хаётда исбот килдилар. Уларнинг гоялари Германия, Шимолий Европа мамлакатларнинг сиёсатига кучли таъсир килди.

2 – саволга жавоб.

Институционалистлар классик, неоклассикларнинг «рационал», «иктисодий» одам, факат максимал фойда олиш гамида булган одамни танкид килиб чикдилар. Уларнинг фикрича неоклассиклар реал хаётни хаддан ташкари соддалаштириб, айрим холда бузиб талкин килади, дейдилар.

Институционализмнинг асосчиси Торстейн Веблен (1857-1929) хисобланади. У технологик детерминизм автори (иктисодий ходисаларни тахлил килишда технологик ендашиш), «инженерлар революцияси» зарурлигини айтиб, «технократлар хужайинлигини» кура билган. У «ижтимоий назорат» гоясини илгари сурди, бу институционализмнинг асосини ташкил этади. У иктисодий тахлилда эволюцион ёндашишни тарафдори сифатида чикади. Унинг асосий асарлари: «Байрамона яшовчи синф. Институионал иктисодиет» (шу асари учун Веблен Америка Маркси деган лакаб олган), «Тадбиркорлик назарияси», «Устамонлик махорати ва саноат техникасининг холати» ва бошкалар.

Институционалистларнинг узига хос хусусиятлари:

Институционалистлар иктисодиёт предметини соф иктисодий муносабатлар билан чегаралаб эмас, балки кенгрок (хукукий, ижтимоий, психологик, сиесий) деб хисоблайдилар. Бозор механизмидек, давлатни бошкариш коидалари хам мухим деб хисоблайдилар.

Капиталистик жамият харакат килишини эмас, балки ривожланишни трансформациясини урганиш керак, деб хисоблайдилар.

Бозор нейтрал ва ресурсларни таксимлашнинг универсал механизми эмас, деб хисоблайдилар.

Иктисодий муносабатларни тахлил килишда «иктисодий одам» нуктаи назаридан эмас, балки уларнинг ташкилоти нуктаи назаридан ендашиш керак. Шунинг учун бу йуналиш номи институт (ташкилот маъносида) сузидан олиниб, институционалистлар дейилади.

Институтционалистларни 2 муаммо кизиктиради: иктисодий хокимият ва уни назорат килиш.

Институционализмнинг кузга куринган бошка вакиллари: Джон Коммонс (1862 - 1945) америкалик, у институционализмда хукукий - ижтимоий йуналиш асосчисидир. У суд, хукукий чоралар оркали иктисодий муносабатларни тартибга солинади деб хисоблайди. У 3 энг мухим институт – корпорация, касаба союз ва сиесий партияларни чукур урганган. Коммонснинг асосий тезиси – ижтимоий - синфий зиддиятни камайтириш учун давлат ролини ошириш керак. Асосий асарлари: «Капитализмнинг хукукий асослари», «Коллектив харакат иктисодиёти».

Уэсли Клер Митчелл (1874 - 1948) америкалик, институционализмда эмпирик йуналиш асосчиси. У иктисодиётга давлат аралашуви зарур ва иктисодчи - олимларнинг вазифаси унинг вариантларини ишлаб чикишлари

даркор, дейди. У прогнозлаш, антикризисли тартибга солиш, пул муомаласи механизмини узгартириш ва бошкаларнинг конкрет вариантларини берган.

Митчелл: «Пул - иктисодий фаннинг илдизи» дейди. Хозирги цивилизацияси – пул цивилизацияси» деб бахо берган.

У «иктисодий цикллар» (1913 й.) асарида кризисларни чукур урганган. Митчелл индекатив планлаштириш асосчисидир.

3 – саволга жавоб.

Джон Мейнард Кейнс (1884 - 1946) инглиз иктисодчиси. У Итон ва Кембриджда маълумот олган. Олдин математика ва эхтимоллар назарияси билан кизиккан, сунг иктисодиётни урганишга берилиб кетган.

У биринчи жахон уруши даврида Париж тинчлик конференциясига Британия хазинаси вакили, канцлер хазинабони ердамчиси, Англия банки директорлар Совети аъзоси, кироллик колледжи хазинабони булиб ишлаган. Кейинчалик, Кембриджда чикадиган машхур «Иктисодий журнали» га редакторлик килган.

Бундан ташкари, у фонд биржасида, товар биржасида дилер, брокер сифатида уйнаб, спекуляция билан шугулланиб 2 млн. долл. бойлик туплаган.

Уни машхур килган асар: «Версаль тинчлик шартномасининг иктисодий окибатлари» (1919 й.) булди.

Аммо уни XX асрнинг энг буюк иктисодчиси килган асари «Иш билан таъминланганлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936й.) асари булди. Бу асарни «янги иктисодий фан», иктисодий тахлилда килинган революция деб бахоладилар.

Кейнс марксизм, биринчи навбатда большевизмга душманларча муносабатда булган.

Йигирманчи асрнинг 30 йилларида - «Буюк кризис» даврида ривожланган мамлакатларда энг мухим муаммо - иктисодий кризисдан чикиш, ишлаб чикаришнинг усиши ва оммавий ишсизликни бартараф килишнинг услубларини топиш эди. Кейнс шу услубларни уз асарида таклиф этади, бу эса уни, унинг асарини жуда машхур килиб юборади.

Кейнс концепцияси нимадан иборат эди?
самарали талаб назарияси. Ялпи талабни фаоллаштириш ва рагбатлантириш, шу оркали ишлаб чикаришнинг кенгайиши товарлар таклифини ошишига таъсир этиш.
Инвестицияларга катта ахамият бериш. Унинг фойдалилиги ва кутилаетган даромад канча катта булса, инвестиция хажми шунча катта булади, ишлаб чикаришнинг хажми ва ишлаб чикаришнинг усиш даражаси юкори булади.
Давлат фоиз даражасини тартибга солиш оркали, ижтимоий ишлар ва бошка сохалардаги инвестицияни амалга ошириш оркали инвестицияга таъсир килиш мумкин.

Кейнс иктисодий хаетга давлат фаол аралашиши керак деб карайди. У уз-узини тартибга солувчи бозор механизмига ишонмас эди. Кейнс олдинги формула – «таклиф талабни вужудга келтиради» ни тескари килди, яъни «талаб таклифни яратади».

Кейнс таклиф килган иктисодиётни тартибга солиш куроллари:
А) кредит фоизини камайтириш, бунда нисбатан капитал маблаглар самарадорлиги усади, инвестиция ошади;
Б) давлат харажатларини ошириш, давлат капитал маблагларини кутариш, давлат харидорларини кенгайтириш;
В) капитал маблаглар самарадорлигини ошириш.

Кейнс инвестиция мультипликаторини таклиф этади. Мультипликатор – бу даромад усиши билан шу даромад усишининг инвестиция хажмини ошириш уртасидаги нисбатни курсатувчи коэффициентдир.
У АКШ учун хисоблаб дейдики, бу мультипликатор 2,5 тенг, яъни даромад 2,5 фоиз усганда, инвестиция 1 % усади.

4- саволга жавоб.

Биз олдин хам айтган эдикки, иктисодий таълимотлар тарихида шундай шахслар борки, улар иктисодий таълимотлар тараккиётининг асосий ривожланиш линиясига тугри келмайди. Масалан, меркантилизм замонидаги Пэтти ёки XIX аср колок Германияда Тюнен ва бошкалар.

Мана шундай шахслардан яна бири Йозеф Шумпетер (1883 -1950) – «дуне гражданини», асосий умри АКШда утган булса хам, австриялик булиб колди.

У Триш шахрида (Моравияда) тугилган. Отаси тукимачилик фабрикасининг эгаси булган. Аммо у ёш улган, онаси эса Вена гарнизони генерали Фон Келерга кайта эрга тегади. Улар Венага кучиб келадилар. Йозеф Венанинг бойлари укийдиган лицейга укишга киради. Кейин юридик факультетга (Вена университети) укийди. Уша ерда у математика ва иктисодиёт билан кизикади. Бем-Беверк, Визерларнинг дарсига катнаша бошлади. Университетни битиргач укитувчилик кила бошлади.

Йозеф Шумпетер 1908 йилда «Миллий назарий иктисодиётнинг мохияти ва асосий мазмуни» асарини езади ва иктисод фанлари доктори булади. У 1918 - 25 йиллар давомида давлат органларида (молия вазири), сунгра хусусий банкда ишлайди. 1925 йилдан укитувчиликка кайтди, то 1932 йилгача Бонн университетида, кейин эса умрини охиригача Гарвард (АКШ) университетида дарс берган. 1949 йилда чет элликлардан биринчи булиб Американинг иктисодчилар ассоциациясида президент булади.

Дунёкараш жихатдан у неолиберализм позициясида эди.

У жуда куп китоблар ёзган, лекин 3 та асарининг урни катта: «Иктисодий ривожланиш назарияси» (1912 й.), «Капитализм, социализм ва

демократия» (1942 й.), «Иктисодий анализ тарихи» (1954 й. Тугалланмаган 1260 бетдан иборат катта асар).

Шумпетер тадбиркорлик идеологи хисобланади. Унинг асосий гояси: «тадбиркор - иктисодиетнинг асосий двигатели» эди.

Шумпетер новаторлик ракобати гипотезасини, ишлаб чикариш омиллари комбинациясида боскичма - боскич ривожланиши каби назарияларни яратди.

У марксизмга жуда аник бахо бериб билган. Маркснинг синфий ендашуви унинг изланиш даражасини торайтирган, фикрлаш доирасини торайтирган деб бахо беради. Шумпетер ва Карл Марксни солиштириб Силегмен деган эдики, Маркс арифметиканинг 4 харакатига, Шумпетер эса куп омилли алгебрага уз тизимини тузган.

Шумпетернинг «Иктисодий анализ тарихи» асари кадимги греклардан XX асрнинг биринчи ярмигача булган даврдаги назариялар анализ килинган. Хозиргача тадкикотчилар бу китобни иктисодий таълимотлар тарихида энг зур энциклопедия, деб хисоблайдилар.

XX асрнинг 40 - 50 йилларида америкалик олим Поль Самуэльсон (1920 йилда тугилган) рахбарлигида бир гурух олимлар «кейнсчилик» нинг макроназариясини неоклассикларнинг микроанализ билан кушмокчи булганлар.

Самульсон 1948 йилда узининг дарслигини чикаради, бу дарслик 1890 йилдан бери энг машхур булган Маршаллнинг китобини урнини олди. У 14 марта кайта нашр килиниб, хозирги авлод иктисодчиларига хизмат килди. У 1970 йилда Нобель мукофотини олиган.

Худди шундай неоклассик йуналишни институционализм билан синтез килишга харакат Бент Хонсен («Фискал сиесатнинг иктисодий назарияси» китоби) томонидан 1958 йил булган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ж. М. Кейнснинг хизмати нимада?
2. «Немис муъжизаси» остида кандай иктисодий гоялар етади?
3. Шумпетер шахси, фаолияти, ижоди тугрисида нималар дея оласиз?
4. Иктисодий назариядаги «Буюк синтез» нима дегани?
5. Институционализм мактабининг узига хос томонлари нимада?

Мавзу буйича таянч иборалар.

Иктисодий модел - бу диаграммалар, жадваллар, графиклар, формулалардан иборатдир. Бу йуналиш классик мактабдек тулик иктисодий карашлар тизим эмас, балки умумий тушунчалар аппратидир. Унда, позитивизмдан кура нормативлик (таклиф килишлар) кучлидир.

Умумий мувозанат шарти – меъёрий ижтимоий махсулот билан омилларнинг хамма йуналишида фойдаланишга тенглилигидир.

Кейнс концепцияси – бу самарали талаб назарияси. Ялпи талабни фаоллаштириш ва рагбатлантириш, шу оркали ишлаб чикаришнинг кенгайиши товарлар таклифини ошишига таъсир этиш.Инвестицияларга катта ахамият бериш. Унинг фойдалилиги ва кутилаетган даромад канча катта булса, инвестиция хажми шунча катта булади, ишлаб чикаришнинг хажми ва ишлаб чикаришнинг усиш даражаси юкори булади. Давлат фоиз даражасини тартибга солиш оркали, ижтимоий ишлар ва бошка сохалардаги инвестицияни амалга ошириш оркали инвестицияга таъсир килиш мумкин.

Инвестиция мультипликаторини Кейнс таклиф этади. Бу мультипликатор буйича даромад усиши билан шу даромад усишининг инвестиция хажмини ошириш уртасидаги нисбатни курсатувчи коэффициентдир.

Институционалистлар классик, неоклассикларнинг «рационал», «иктисодий» одам, факат максимал фойда олиш гамида булган одамни танкид килиб чикдилар. Уларнинг фикрича неоклассиклар реал хаётни хаддан ташкари соддалаштириб, айрим холда бузиб талкин килади, дейдилар.

# 12-мавзу

Хозирги замон иктисодий назарияларнинг асосий йуналишлари (4 соат)

Р Е Ж А:

Янги институционализм.
Янги кейнсчилик.
Неолиберализм:
- а) Лондон мактаби;
- б) Чикаго мактаби;
- в) Таклиф иктисодиети;
- г) РКН ва бошкалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Раззоков А.А. тахрири остида. 1997 й. 13 боб.
Иктисодий таълимотлар тарихи. Гуломов С. тахрири остида. 1992 й.
Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. М., 1996 г. гл. 27,28,29,30.

1 - саволга жавоб.

XX аср охирига келиб, иктисодий назарияда асосий йуналиш неолиберализм (неоклассицизм) булиб колди. Кенйсчилик эса неокейнсчиликка усиб утди, унинг мавкеи 70 йилдан камайган булишидан катъий назар, хали сиёсатда кучли позицияларга эга эди. Учинчи йуналиш институционализм эса иккинчи жахон урушидан кейин секин - аста бошка йуналишларга кушилиб кетди.

Айрим олимлар неолиберализм ёки кейнсчилик позициясида туриб институцияонализмни иктисодий жараёнларини умумий тахлил усли сифатида фойдалана бошладилар. (масалан, Хайек, Мюрдал). Институционализмнинг кузга куринган сунгги вакили Дж. Гэлбрейт булди.

Джон Гэлбрейт (1909 йилда тугилган.) - америкалик, публицист, назариетчи, сиесий арбоб. У «Технологик детерминизм» назариясини ривожлантириб жамият ривожланишининг хар хил прогноз ва сценарийларини ишлаб чиккан.

Унинг асарлари: «Америка капитализми: босик куч концепцияси», «Тукин сочинлик жамияти» (1958 й.), «Янги индустриал жамият» (1967), «Иктисодий назария ва жамият максадлари» (1979), «Пул. Улар каердан келади ва каерга кетади» (1975), «Ишончсизлик асри» (1977). Унинг асарлари жуда хам машхурдир.

Гэлбрейт назарияларида энг мухим – «индустриал системалари» тушунчасидир. Унинг фикрича жамият 2 кисмдан: бир томондан, миллионлаб майда корхоналар, иккинчи томондан, бир ховуч (1000 атрофида) йирик, замонавий техникани, оммавий равишда капитални ишлатиш хос булган корпорациялардан иборат. Иккинчисини «индустриал тизим» дейди. Йирик корхоналарда хокимият «техноструктура» кулида дейди. (мулк эгалари кулида эмас). Гэлбрейт айтадики бундай «етук» корпорацияларнинг максади фойда эмас, балки таваккал, хавфни минимумлаштиришдир. Бозор муносабатлари планлаштириш билан модификация килиниши керак, дейди.

Гэлбрейт АКШ президенти Жон Кеннедининг иктисод буйича маслахатчиси, узок вакт Америка иктисодчилар ассоциясининг президенти булган.

Кейинги пайтларда янги институционализм рухидаги назариялар пайдо булмокда. Бу назариялар техник омиллари мутлаклаштиришдан чекинилган ва асосий эътиборни инсонга, социал муаммоларга каратилади. Буларга Рональд Коуэйс (АКШ лик олим, 1991 йил Нобель мукофоти лауреати.) мулк хукуки тугрисида ва Жеймс Бьюкенен (АКШ лик олим, 1919 йил тугилган, 1986 йил Нобель мукофоти берилган) жамият танлови назарияларни мисол келтириш мумкин. Бу карашлар ривожланган мамлакатлар сиёсатига таъсир килмокда ва у ижтимоий томонга бурилмокда. Бу назарияларнинг асосий гояси – «XXI аср – инсон асри», ишлаб чикаришни инсонпарварлаштиришдир.

2 - саволга жавоб.

Ж.М.Кейнс гоялари унинг издошлари томонидан давом эттирилди ва уч окимга ажралди:

а) унг кейнсчилик – реакцион оким, агрессив харбий миллий корпорациялар манфаатини химоя килади, куролланиш иктисодиётни фашистик (социалистик) йул билан тартибга солиш тарафдори.

б) либерал оким – куролланишни инкон этади, йирик компаниялар манфаатини химоя килади.

В) сул кейнсчилик – асосий гояси миллий даромадни тугри таксимлаш йулидир, чунки бу талаб даражасига самарали таъсир этади, деб хисоблайдиганлардир.

Бу учинчи оким сардори Женни (хоним) Робинсон (1903 -1983) инглиз, ягона машхур аёл иктисодчидир. Унинг машхур асарилари: - «Номукаммал ракобатнинг иктисодий назарияси» (1933), Капитал жамгарилиши (1956 й.).

Унинг фикрича, мехнат унумдорлигининг усиш билан иш хакининг оширилиши яратилган махсулотни реализация килишга ёрдам беради ва техника прогрессини рагбатлантиради.

Кенйс гоялари Францияда хам шухрат козонди. Г.Ардон, П. Мендес - Франс, Ф. Перру ва бошкалар. Масалан, Перру –индекатив планлаштиришни ишлаб чикишда жуда куп иш килган.

АКШда Кейнс таълимоти катта шухрат козонди. Гарвард университети профессорлари А.Х.Хансен (1887-1975 й.) ва С.Хоррис (1887-1974) уз асарларида Кейнс гояларини ривожлантирдилар.

Хансен асарлари: «Иктисодий цикллар ва миллий даромад», «Кейнс назариясига кулланма», «Америка иктисодиети», «60 йилларнинг иктисодий муаммолари».

Харрис асари: «Ж.М.Кейнс: иктисодчи ва сиесий арбоб».

Кейинчалик янги кенйсчилик урнига посткейнсчилик вужудга келди. Бунга инглиз иктисодчиларидан - Ж.Робинсон, И.Колдор, П.Сраффа, америкалик А.Эйхнер, С. Войнтраублар киради. Улар уз гояларини Рикардонинг киймат конунига асослаб (маржинализмни танкид килиб) илгари сурадилар. Буни фонда янги давр «Рэтро» деб аташмокда. Улар миллий даромадни таксимлаш усишга таъсир килади, дейдилар. Улар давлат томонидан иктисодиётни тартибга солишни такомиллаштириш тарафдорларидирлар.

Бунда Сраффанинг 1960 йилда чиккан «Товарлар йули билан товар ишлаб чикариш» асари сабабчидир. У Рикардо ва Маркс асарларини кайта укиш ва урганишга олиб келди. Буни «Сраффа революцияси» деб ном бердилар.

Аммо хозирча кейинсчилик уз урнини неолиберализмга бушатиб бермокда.

3 - саволга жавоб.

«А»

Фридрих Фон Хайек (1899 - 1992) неолиберализм асосчиси, бош назариётчиси хисобланади.

У 1899 йил Австрияда тугилиб, усиб, Вена университетидан иктисодчи, хукукшунос булиб чикди. У Австриянинг иктисодий изланишлар марказида директор булиб ишлаган. 1931 йил Англияга, 1949 йил АКШга кучиб утади. 70 йилларда Австрияга кучиб келади.

Биринчи китобини 1929 йил езган : «Бахо ва ишлаб чикариш». Лекин Лондонда Сраффа ва Кейнс, унинг асарини дабдаласини чикариб ташлайдилар. Аммо 1976 йил Дж. Шэкл бу асар хакида ёзадики, «асар уз замонасидан 40 йил олдин кетиб колган» дейди.

1933 йилда «Пул назарияси ва иктисодий цикл» асарини ёзади, бу асар монетаризм пайдо булишига туртки булади.

«Фойда, фоиз ва инвестиция» (1939 й.). «Капиталнинг соф назарияси» (1941), «Кулликка йул» (1944 й.), «Индивидуализм ва ижтимоий тузум» (1948 й.), «Озодлик Конституцияси» (1960 й.).

1973 - 75 йилларда уч томли асарини нашр килади: «Конун, конунчилик ва эркинлик». том 1. Тартиб ва коида, том 2. Ижтимоий адолат гирдоби, том 3. Озод кишиларнинг сиесий тузуми.

Сунгги асарлари: «Пулни давлат тасарруфидан чикариш» (1976 й.), фалсафий - сиёсий асар булган: «Каттик адашиш» (1980 йиллар).

Хайек инсонга максимал озодлик бериш принципини ёклаб чиккан. Давлат томонидан аралашув, мажбур килиш минимумга келтирилган булиши керак. Давлат факат пенсия ва нафака бериш билан шугуллансин. «Маъмурий деспотизм» ни йукотиш керак дейди. Хайекни монополия, спекуляция бор - йуклиги кизиктирмайди, энг мухими эркинлик булсин. Визер ва Бем-Бавер хамда Мизесларнинг шогирди Хайек иктисодий либерализм принципларига доимо содик колди. Унинг либерализми «содда» (XYIII аср) ва «камбагаллашган» (XIX аср) либерализмдан тубдан фарк килар эди. У 2 жахон уруши, тоталитар революциялар, Европа социализмининг равнаки (30 йиллар), фашизм авж олишини, буюк депрессияни, нацистлар режимини урнатилиши ва инкирозини, «совук уруши»ни куриб, бошидан кечириб, илмий хулосалар килди.

У фандаги «революционер» лар – Викселл, Кейнс, Фридмен, Гэлбрейт, Сраффаларни куриб, хулоса килди. Узининг хак эканлигини узи учун доимо текшириб борди ва либерализмдан бошка йул йуклигини тушуниб борди.

Иккинчи жахон уруши йилларида ёзилган «Кулликка йул» асарида Хайек фашизм социализм рухидан усиб чикканлигини исбот килиб берди.

Хайек «Индивидуализм» - Европа цивилизациясининг асосидир. Бу нарсани унутиш, коллективизмга йул очиш (Франция, Россияда социализм, кейинрок Германияда фашизм) цивилизациясининг асосига сув куйиш эди, дейди. Бундай булишига сабаб, XIX асрнинг охирги йилларида Европанинг интеллектуал лидери Англиядан (приаритет - шахс) Германияга (приаритет – миллат ва давлат) кучиши сабаб булди. Индивидуализмсиз хам тараккиёт булаверади, деб уйлаш энг катта хато хисобланади. Окибатда социализм, фашизм гоялари, Ленин, Сталин, Гитлерлар пайдо булди.

Хайекнинг энг мухим хулосаларидан, яна бири пулни давлат тасарруфидан чикариш хисобланади. Бу хали келажакнинг иши.

Хайек бир карашда оддий, аммо жуда мураккаб булган куйидаги категорияларни чукур тахлил килади: «эркинлик», «уйин коидалари», «демократия», «лобби», «ташкил килинган манфаатлар коалицияси», «коллектив эгоизм».

Давлат масаласида Хайек позицияси: хеч кандай давлат аппарати, планлаштириш органи хеч качон кишиларнинг танлаш эркинлигини урнини боса олмайди. Цивилизациянинг кафолати индивидларни уз ишларини килишда эркинлик, хамма ишларнинг узича ривожланиш эркинлигидир.

«Б»

Йигирманчи асрнинг 70 - 80- йилларида ривожланган давлатларда стагфляция холати вужудга келди. Бу шароитда Кейнс рецептлари, бюджет манипуляциялари фойда урнига зарар келтира бошлади. Шу даврда «Смитга караб оркага» шиори ташланди. Бунинг маъноси иктисодиётга давлатнинг фаол аралашувидан воз кечиш эди. Бу шароитда неолиберализм окимининг практик мактабларидан бири монетарчилар таклифлари иктисодий сиёсатга кул келади.

Монетарчилар асосчиси Милтон Фридман (1912 - 1998) - америкалик, Чикаго мактаби (монетарчилар мактаби) асосчисидир. У Шаркий европаликлардан булган иммигрантлар оиласида, Нью-Йоркнинг Бруклин районида тугилган, усган. 1928 - 32 йимллар Рутгерт университетида укиб, 2 та бакалаврликни (экономика ва математикадан) олди. Кейин Чикаго университетида (19333 й.) магистрликни олгач, Колумбия университетида ишлайди. 1937 йилда Саймон Кузнец билан ишлайди.

Иккинчи жахон уруши йилларида АКШ казначейида ишлайди. Урушдан кейин Маршалл плани буйича консультантлик килади. 1948 йил Чикаго университетига укитувчиликка кайтиб келади.

Асарлари: «Позитив назария очерклари» (1953 йил), «Монетар баркарорлаштириш дастури» (1959 й.), «Пул назарияси ва сиесатида урушдан кейинги тенденциялар» (1963 й.), «Пул ва фискаль сиёсат» (1969), «Пул назарияси контрреволюцияси» (1970), «Пул ва иктисодий ривожланиш» (1973 й.) ва бошкалар.

М.Фридмен узок вакт «Дон –Кихот» булиб юрди, аммо вакт уни хак эканлигини исбот килди: «Рейгономика», «Тэтчеризм» иктисодий сиёсатларнинг асосида монетаризм, монетар сиёсат ётади. Монетарчилар асосий метод деб - баркарор пул эмиссиясини деб хисоблайдилар.

Фридман ва унинг тарафдорларининг асосий концептуал томонлари:

Хусусий бозор хужалигининг баркарорлиги. Бозор хужалигида ички кучлар стабилликка, уз-узини тартибга солишга интилади;

Маъмурий хисобланувчи бюджет, солик каби тартибга солиш усулларининг сонини минимумга келтириш;

3) Бош регулятор «пул импульслари», «пул эмиссияси» дир; 4) Пул массасининг узгариши дарров эмас, кандайдир вакт (лага) утгач уз таъсирини утказишини инобатга олиб «киска муддатли пул сиёсати»дан воз кечиш. Уни узок муддатли сиёсат билан алмаштириш керак.

Фридменнинг пул коидаси шундан иборатки, миллий даромаднинг усиши, бахонинг усиши ва пул массасининг талаб ва таклифи бир хил булиши керак.

Монетарчилар жуда катта булиб кетган (АКШ бюджетининг 50%) социал дастурларни камайтириш тарафдорлари булиб чикканлар. М.Фридман 1976 йил Нобель мукофотини олган.

«В»

«Таклиф иктисодиёти» хам неолиберал, неоклассик позициядаги оким хисобланади. Унинг тарафдорлари иктисодиётни бошкаришнинг либерал услублари тарафдордирлар, давлат иктисодиётга тугридан - тугри аралашувга карши, ялпи таклифни хар хил йуллар билан рагбатлантириш тарафдорларидирлар, биринчи навбатда соликларни камайтириш, эркин бахо ташкил топишини, социал дастурларни музлатишни талаб килиб чикдилар.
Солик купайса, харажат купаяди, бахо усади ва окибатда инфляцияга олиб келади дейишади. Улар соликларни, давлатнинг самараси паст харажатларни (бюрократик аппарат, корхоналарни субсидиялаш, инфраструктурага, айрим федерал харажатлар) камайтиришни таклиф килиб чикканлар.
«Таклиф иктисодиёти» тарафдорларидан бири Артур Лаффер хисобланади.

«Г»

Дастлаб 1961 йилда пайдо булган «рационал кутиш назарияси» (РКН) хозирги даврда кенг таргиб килинмокда. Ж.Ф.Мут товарлар ва кимматли когозлар бозорига багишланган маколасида «нима учун бирон бир коида ёки формула хеч качон нархларнинг узгаришини тугри прогноз кила олмайди?» деган саволга жавоб беришга харакат килди. Унинг фикрича, амалда барча мавжуд информациялар савдогарлар томонидан дархол кайта ишланади ва уларнинг кура билиши, демак «кутилмалар» рационал булиб чикади.

Йигирманчи асрнинг 70 - йилларида, «Кейнсчилик» сиёсати самарасиз булиб колгач, Роберт Лукас (1937 йилда тугилган. АКШлик, 1995 йил Нобель мукофоти лауреати), Т.Ж.Сарджент, И.Уолмс (хаммаси АКШлик) лар Мутнинг гояларини такомиллаштириб, молия активидаги нархлар харакатини РКН асосида тушунтириб бердилар. Уларнинг фикрича, иктисодий агентлар хам уз кутилмаларини сиёсатчилар кулидаги информация асосида шакллантирадилар ва уз - узидан тушунарлики, иктисодиётга сиёсатчиларнинг имкони борича камрок аралашуви учун харакат киладилар.

Саймон Кузнец (1901 - 1985) - америкалик, асли Украинадан булган, отаси билан ок гвардия билан ватанини ташлаб кетган. Кузнец ялпи миллий махсулотни хисоблаш усулларини аникланган. 1971 йил Нобель мукофотини олган.

Василий Леонтьев (1906 йил тугилган) - америкалик, асли Петербургдан (Россия). Шу шахарда укиган, аспирантурани Германияга олган, кейин уша ерда колган, кейин АКШ кучиб кетган. Тармоклараро баланс автори. 1973 йил Нобель мукофотини олган.

Лоуренс Клейн (1920 йилда тугилган.) АКШлик. Америка иктисодиётининг моделини, Мексика, Япония ва бошка бир неча давлатларнинг моделларини ишлаб чиккан, халкаро иктисодий алокалар ва жахон савдосини тулик картинасини олиш учун «Линк» лойихасини ташкил этган. 1980 йил Нобель мукофти олган.

Гарри Беккер (1931 йилда тугилган.) АКШлик, оила, жиноят ва бошка ижтимоий муаммоларни урганишга иктисодий тахлил услубларини куллаган. Масалан, наркоманияни иктисодий давлолашни таклиф килган. У хам Чикаго университеиининг профессори. Уни «иктисодий гуманист» дейдилар. Унинг асарлари: «Оила курси», «Инсоний капитал ва оиласининг кутарилиши, тушиши».

Такрорлаш учун саволлар.

1. Монетаризм нима?
2. Неолиберализмнинг асосий назариётчиси ким?
3. Рационал кутиш назарияси нима?
4. Гелбрейт шахси тугрисида нима дея оласиз?
5. Таклиф итисодиети нима?

Мавзу буйича таянч иборалар.

«Индустриал системалари» - Гэлбрейтнинг фикрича жамият 2 кисмдан: бир томондан, миллионлаб майда корхоналар, иккинчи томондан, бир ховуч (1000 атрофида) йирик, замонавий техникани, оммавий равишда капиталнu ишлатиш хос булган корпорациялардан иборат. Иккинчисини «индустриал тизим» дейди. Йирик корхоналарда хокимият «техноструктура» кулида дейди. (мулк эгалари кулида эмас). Гэлбрейт айтадики бундай «етук» корпорацияларнинг максади фойда эмас, балки таваккал, хавфни минимулаштиришдир.

Неоинституционализм - Кейинги пайтларда янги__институционализм рухидаги назариялар пайдо булмокда. Бу назариялар техник омиллари мутлаклаштиришдан чекинилган ва асосий эътиборни инсонга, социал муаммоларга каратилади.

Неокейнсчилик окимлари - унинг уч окимини ажратадилар:

а) унг кейнсчилик – реакцион оким, агрессив харбий миллий корпорациялар манфаатини химоя килади, куролланиш иктисодиётни фашистик (социалистик) йул билан тартибга солиш тарафдори.

б) либерал оким – куролланишни инкон этади, йирик компаниялар манфаатини химоя килади.

в) сул кейнсчилик – асосий гояси миллий даромадни тугри таксимлаш йулидир, чунки бу талаб даражасига самарали таъсир этади, деб хисоблайдиганлардир.

Сраффа революцияси - бунда Сраффанинг 1960 йилда чиккан «Товарлар йули билан товар ишлаб чикариш» асари сабабчидир. У Рикардо ва Маркс

асарларини кайта укиш ва урганишга олиб келди. Буни «Сраффа революцияси» деб ном бердилар.

Хозирги замон «лаза –фая» . унинг тарафдори Хайек инсонга максимал озодлик бериш принципини ёклаб чиккан. Давлат томонидан аралашув, мажбур килиш минимумга келтирилган булиши керак. Давлат факат пенсия ва нафака бериш билан шугуллансин. «Маъмурий деспотизм» ни йукотиш керак дейди.

Фридменнинг пул коидаси шундан иборатки, миллий даромаднинг усиши, бахонинг усиши ва пул массасининг талаб ва таклифи бир хил булиши керак.

Таклиф иктисодиёти» хам неолиберал, неоклассик позициядаги оким хисобланади. Унинг тарафдорлари иктисодиётни бошкаришнинг либерал услублари тарафдордирлар, давлат иктисодиётга тугридан - тугри аралашувга карши, ялпи таклифни хар хил йуллар билан рагбатлантириш тарафдорларидирлар, биринчи навбатда соликларни камайтириш, эркин бахо ташкил топишини, социал дастурларни музлатишни талаб килиб чикдилар.

Утиш ДАВРИ ИКТИСОДИЙ НАЗАРИЯЛАРИ

*Янги уйни курмай, эскисини бузма. Халк мацоли*

УЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАВСИФИ

*Иктисодиёт факат унга хос булган инки*
*конуниятлар асосида ривожланмот*
*даркор. Бизнинг вазифамиз уларпи*
*яхши тушуниб етишдан ва уз халкимиз*
*манфаатлари йулида мохирона*
*куллашдан иборатдир.*
*И.Каримов*

*.Маъмурий-буйруцбозлик щтисодиёти окибатлари ва туб ислохотлар зарурияти*

*Ислохотлар бошлангунга кадар*
*вужудга келган иктисодий вазиятни*
*хар томонлама тахлил килмай чукур*
*иктисодий, ижтимоий ва сиёсий*
*инкирозга олиб келган сабабларни,*
*хужалик тизимидан катъиян воз кечиш*
*лозим булган иллатларни аникламай туриб,*
*жамиятнинг сифат жихатдан*
*янги холатига утиб булмайди.*
*И.Каримов*

Инсоният XXI аерга келиб, маъмурий-буйрукбозлик шдгисодиётининг мох.иятини чукуррок англаш билан бир Каторда, унинг асоратларига бархам беришга астойдил киришганини намоён зтмокда. Хусусан, Узбекистон Республикаси учун собик мустабид тузум мероси ва сохта мафкуранинг окибатлари куйидагиларда ^з аксини топиши Республика Пре-зиденти, академик И.Каримов асарларида умумлаштирилган:

Бир ёклама ривожланган, мурт, заиф иктисодиётга асос-ланган марказга карам ярим мустамлака мамлакат.

Бой минерал хом аше ресуреларидан назоратсиз ва аёв-сиз фойдаланишга хамда пухта яккахркимлигига асосланган иктисодий тизим.

Мах.аллий хом ашёларни к.айта ишлаш кувватларини иб-тидоий даражадалиги, ишлаб чикаришнинг технологик асбоб-ускуна ва бутловчи к.исмлар, шунингдек ёкилга таъминотида марказга карамлик.
Энг мух.им озик.-овк.ат моллари (ун, шакар, гушт-сут махсулотлари)ва бошк.а халк истеъмоли махсулотларининг чет-дан келтирилиши.
Пахта хом ашёси махсулотларининг сув текинга ташиб * -тилиши, олтин, кямматбахр ва рангли металлар, стратегак ахамиятга эга материаллар жахрн бозорида ута харидоргир булган бошка кгшматбахр махсулотларни ишлаб чик.ариш ва сотишдан ксладиган фойдадан Узбекистон хазинасига тушмаслик.
Иктисодий усиш суръаглари самарадорлиги курсаткич-ларининг салбий даражадалиги ортиб бориши, молия-пул ти-зимининг буткул ишдан чикиши.
Хорижий мамлакатлар билан бевосита ташки иктисодий алокаларнинг чекланганлиги.

К.ИШЛОК. жойларда яширин ишеизлик, шахар ва к.ишлокдаги турмуш даражаларидаги фаркнинг ортиб бориши.
Узбекистон ахрлиси турмуш даражаси курсаткич-ларининг собик СССРдаги энг охирги ^ринлардан бирига ту-шиб крлганлиги.
Экологик муаммоларнинг кескинлашуви, ер-сув ресуреларидан аёвсиз фойдаланиш, ерлар шурланишининг ортиши, чул зоналарининг кенгайиши.
Юкорида келтирилган хулосаларни исботловчи даллиллар жумласига куйидагилар киради:
1991 йилда етиштирилган пахта хом ашёсининг бор-йуга 3, 5% и пирсвард истеъмол учун республикадз кайта ишланган.
1990 йилда республикада мавжуд корхоналарнинг 38% собик иттифок, 54% собик. иттифок-республика, бир-йуги 8% корхоналар республика мулкчилиги ia. ..рруфида булган.

1988 йилда 4349.3 млн. гя.экин майдонларининг 125.3 минг *га* майдони (2.8%) ахрлининг шахсий томоркаларини ташкил этган.
«1930 йилда республика ахрлисининг 70% га якинининг жами .даромади тирикчилик утказиш учун зарур б^лган энг куйи даражадан хам паст эди. Айни махадца Россия ва Украинада ахрлининг 30% га якинигина шундай ахволда кун кечирганди».
Маълум сабабларга кура, республика хрзирги халк. хужалиги ва ахрли жуда каттик эхтиёж сезаётган товарларнинг 65% гача булган кисмини ташкаридан келтириши мажбур эди. Ёкилги, станоклар, асбоб ускуналар, ёгоч-тахта ва ёгоч матери-аллари тугрисида гапирмасак хам булади. Улар хам четдан кел-тирилган.
Кел"рилган маълумотлар ва далиллар асосида бозор муноса-батларкга утиш зарурияти тугрисида И.Каримов шундай деган:
...Бозорга утиш мукаррар. Бу - давр амри, объектив реал-ликдир. Айни вактда бозор факат максад эмас, балки янги кадриятларни шакл/тантириш, одамлар фаолиятининг сифат жихатдан тубдан юкрри даражасига эришиш услуби ва

восита-сидир (Каримов И.А. узбекистонинг уз истиклол ва тарк.киёт йули. Т., Узбекистан, 1992, 44-бет).

Бозорга утиш зарурияти ташки ва ички омиллардан хам ке-либ чикади.

Ташк.и омиллар:

Жах.он хамжамиятининг геополитик таркибида ижтимо-ий дунёкарашда чукур сифат узгаришларни амалга ошириш.

Давлатлараро хамкорликда интеграцион жараёнларнинг кучайиши.

Ягона халк.аро меъёрлар, к.оидалар ва андозаларга 5^гилиши билан ягона сиёсий-иктисодий жараёнларнинг шаклланиши.

Социалистик деб аталган лагернинг парчаланиши ва маъмурий-буйрук.бозлик тизимининг бархам топиши.

Моддий турмуш фаровонлиги ва иктисодий усиш суръ-атлари буйича гарбдан ортда к.олишнинг кучайиши ва иктисодий тизим таназзули.

Ички омиллар:

Мустабид тизим кусурлари ва директив режалаштириш-нинг салбий окибатлари.

Давлат мулкчилигининг яккахркимлиги туфайли мулк-нинг ва шахснинг ажратилиши х.амда ижтимоий серхаражатли-ликнинг ортиб бориши.

Харажатларни тежашдан манфаатдорликнинг йукдиги, пира-вардида эса, ресурсларни самарасиз так.симланишнинг кучайиши.

Мехнат унумдорлигини оширишдан рагбатлантиришнинг пасайиши ва мехнатга иштиёк.сиапик ва локайдликнинг ортиши.

Техника ва технология ривожланишидаги тургунлик.

Иктисодий хаётда мулкнинг муглак. давлатлаштирилишига Каршилик муносабати сифатида пинхоний иктисодиётнинг кучайиши.

Ижтимоий хаётда талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш самарадорлигининг пастлиги.

Директив марказлашган режалаштириш тизимининг худудлар ва хужаликлар талабларини крндиришда муво-фиклаштириш имкониятларининг чекланганлиги. Натижада, куйи бугинларда - харидор ва сотувчи, истеъмолчи ва ишлаб чикарувчилар орасидаги бевосита богликликни таъминлашга маъмурий режалаштиришнинг салбий таъсири.

Корхоналараро рак.обатнинг йуклиги туфайли самара-дорликка мойилликнинг пастлиги. -..,-

Хом ашё серхаражатлигига асосланган инвестицион та-лабнинг кучайиши.

Социалистик хужалик юритишда фондларнинг марказлашган так.симотига асосланганлиги туфайли купрок. ресурслар такчиллиги намоён булади. Бозор иктисодиётида эса, сотиш кийинчилиги ишлаб чик.ариш кийинчилигидан мухимрок. хисобланади.

Корхоналарнинг пул маблаглари билан таъминлашда ягона давлат банк тизимининг фаол иштирок эта олмаслиги. Банк тизимининг пул маблаглари оборотидан манфаатдорликнинг пастлиги. Айникса, кредит сиёсатининг мижозлар молия-вий имконияти билан бевосита бокланмаганлиги.

Давлат бюджети ваколатининг кенг камровлилиги турли бугиндаги хужаликлар даромадига боглик. булиб, унинг тупланиши ва так.симланиши

тупик, марказлаштирилган. Корхоналарнинг бюждетдан молиялаштирилиши зах.иралардан са-марали фойдаланишни рагбатлантирмаган.

Маъмурий-буйрук,бозлик тизимининг энг мух.им аянчли окибатларидан бири — мутеъ шахе — «совет кишиси»нинг шаклланиши хисобланади. Мазкур шахе тафаккури мафкура-вий карашлар, гоявий курашлар, чалгитувчи далиллар тузогага асир к.илинди. Тарак.к.иётпарвар инсоният эришган ютуклардан бебахра к.олди

